

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

18-сон
(986)
2021 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

227. «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон Фармони
228. «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги ПҚ-5102-сон қарори
229. «Самарқанд вилоятида эксперимент тарикасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги ПҚ-5105-сон қарори

230. «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 майдаги ПҚ-5108-сон қарори

Учинчи бўлим

231. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 271-сон қарори
232. «Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 272-сон қарори
233. «Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 280-сон қарори
234. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналарини белгилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 282-сон қарори
235. ««Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 майдаги 285-сон қарори
236. «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 майдаги 288-сон қарори

Бешинчи бўлим

237. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/10-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-6*)
238. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 15 апрелдаги 118-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон*

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-3)

239. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 15 апрелдаги 119-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-2*)
240. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 6 апрелдаги 108-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-2*)
241. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги 18-2021-Б-сон «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш ҳолатларида ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-4*)
242. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 12 апрелдаги 01-02/16-23-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1269-4*)
243. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 1 апрелдаги 20-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 2021-17-сон ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 31-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1502-4*)
244. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-16-сон «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш

- тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037-1*)
245. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-19-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-5*)
246. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 8 апрелдаги 21-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-4*)
247. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-20-сон «Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296*)
248. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 27 мартдаги 24-ҚҚ-сон ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 23 мартдаги 2744-сон «Давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3297*)
249. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 5 майдаги 6-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-4*)
250. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 15 апрелдаги 2021-20-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-2*)
251. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил

23 мартдаги 01-02/15-17-сон «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3220-1*)

252. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 6 майдаги 11-мх-сон «Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3298*)

253. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 27 апрелдаги 26-сон «Бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3299*)

254. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 2 апрелдаги 5/10-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3300*)

255. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 30 апрелдаги 8/1-сон «Очиқ валюта позициясини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3301*)

256. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 16 апрель, 3/2 сон «Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3302*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

227 Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида*

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, жамоатчилик томонидан тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш юзасидан билдирилган таклифларни инобатга олиб:

1. Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда «тиббиёт бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса яна қўшимча 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев):

Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларнинг янгиланган штат нормативларини тасдиқласин;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, 2021 йил 1 августга қадар ўрта тиббиёт ходимлари мақомини ошириш нуктаи назаридан уларнинг малака талаблари, вазифалари, ваколатлари, жавобгарлиги, ихтисослик йўналишларини кенгайтириш, лавозимларини, шунингдек, ўқув дастурлари ва режаларини тўлиқ қайта кўриб чиққан ҳолда, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштирсин ҳамда уни 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлиқ жорий қилсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг эҳтиёж мавжуд бўлган оғир шароитли туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари лавозим-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 майда эълон қилинган.

ларига республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари, олий тиббиёт таълим муассасалари, улар хузуридаги клиникаларнинг малакали раҳбар ходимлари ва мутахассисларини шартнома асосида муайян муддатга жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ушбу раҳбар ходимлар ва мутахассисларга асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини сақлаган ҳолда, улар жалб қилинган тиббиёт бирлашмаси раҳбари лавозимидаги ойлик иш ҳақини тўлиқ тўлаб берилишини, ушбу харажатлар ҳамда уларнинг уй-жой ижараси тўловларини Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган амалдаги койкалар фондининг 10 фоизи 2022 йил 1 январдан бошлаб, яна қўшимча 10 фоизи 2023 йил 1 январдан бошлаб тўлов асосида тиббий хизматлар кўрсатишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига таъминланадиган койкалар фондига ўтказилади;

бундан бўшайдиган Давлат бюджети маблағлари туман (шаҳар) шифохоналарининг дори воситалари, реактивлар ва тиббиёт ускуналари таъминотини яхшилашга ҳамда вилоят тиббиёт муассасаларида қўшимча койка фондини ташкил этишга йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар 2022 йил учун, 2022 йил 1 октябрга қадар эса 2023 йил учун ҳар бир туман (шаҳар) шифохоналари кесимида бўшайдиган маблағлар ҳажмини ва уларни ишлатиш йўналишларини белгилаб берсин.

4. 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳамширалик иши ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилсин.

Ҳамширалик иши фаолиятини амалга оширишга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ўрнатилган тартиб билан бир қаторда қуйидаги талаблар белгилансин:

ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий маълумотга эга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимида 2022 йил 1 январдан бошлаб рўйхатдан ўтган шахслар амалга ошириши;

тиббий муолажалар мазкур Фармоннинг 1-банди тўртинчи хатбошисида мувофиқ ўрта тиббиёт ходимлари мақомини оширишдан келиб чиқиб бажарилиши;

ҳамширалик иши фаолияти билан шуғулланаётган шахс белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб бориши.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ўрта тиббиёт ходимлари томонидан ўзини ўзи банд қилган ҳолда ҳамширалик иши фаолиятини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) 2021/2022 ўқув

йилидан бошлаб клиник ординатура мутахассисликлари бўйича қабул квотасини икки бараварга оширсин.

Бунда, қўйидагиларни назарда тутувчи клиник ординатурада ўқитишнинг янги тизими жорий этилсин:

а) клиник ординатура ўқув даврининг иккинчи йили ҳудудлардаги ихтисослашган тиббиёт марказлари филиалларида, вилоят болалар ва катталар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази филиалларида ўтказилади, шунингдек, маълум бир қисми иш жойида давом эттирилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан:

ҳудудга зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун тегишли маҳаллий бюджетдан етарли миқдорда грант ажратилади ҳамда мазкур грант асосида таълим олган битирувчиларга тегишли ҳудудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилади;

ҳудудга фаолият юритиш учун юборилган тор мутахассисликдаги шифокорларнинг яшаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

6. 2021 йил 1 июлдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйидаги фаолият турлари билан шуғулланишга рухсат берилсин:

махсус автотранспорт воситасида ташкил этиладиган «мобил тиббиёт» хизмати ёрдамида жойига чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш; нодавлат тиббиёт ташкилотининг ўрта тиббиёт ходимларидан иборат «тиббий пункт»ларини ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни амалиётга тўлиқ жорий этиш мақсадида нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун зарур шароитлар яратсин, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи ордер бериш тизимини ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жорий этсин. Бунда:

эҳтиёжманд оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига мувофиқ аниқланиши;

имтиёзли тоифадаги шахслар учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхати, тиббий хизматлар ҳажми ва тиббиёт муассасасининг даражаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланиши;

имтиёзли тоифадаги шахсларга давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ҳажми, тури ва касалликлар рўйхатидан ташқари кўрсатиладиган тиббий ва бошқа ёрдамлар қўшимча ҳисобланиши ҳамда улар томонидан белгиланган тартибда ҳақ тўланиши назарда тутилсин.

Молия вазирлиги республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида бепул даволанишга ордерлар бериш учун Ўзбекистон Республикаси

Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирлари учун бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўшимча 80 миллиард сўм маблағ ажратсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлигида Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғармани молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:
Давлат бюджети маблағлари;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;
давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан Жамғармага йўналтирилаётган ажратмалар;

халқаро молия ташкилотларининг грант маблағлари;

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сўровига асосан 2021 йилда Жамғармага 50 миллиард сўмгача миқдорда маблағ ажратсин, 2022 йилдан бошлаб эса зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқланадиган Ишчи гуруҳининг қарорига асосан ҳудудий тиббиёт муассасаларига хориждан ишга жалб қилинадиган малакали мутахассислар, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган иқтидорли мутахассисларга зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан уларни моддий рағбатлантириш тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий тиббиёт муассасаларига хориждан ишга жалб қилинадиган малакали мутахассисларни тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан яшаш жойи билан таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда — Палата) 2021 йил 1 июлдан унга Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика марказини қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилсин ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Палата Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика марказининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика марказининг маблағлари, мулки, шу жумладан бино ва иншоотлари, автотранспорт воситалари, ускуна, техника ва инвентарлари Палатага ўтказилади;

Палата раҳбарига, зарур ҳолларда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шартнома асосида мутахассислар жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Палата ва унинг худудий бўлинмалари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 110 та этиб белгиланади.

10. Палатага қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг ўз малакаси ва касбий даражасини мунтазам равишда ошириб боришини таъминлаш;

аттестациядан ўтказиш ва малака тоифалари бериш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали унинг шаффофлигини таъминлаш.

11. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. 2021 йил 1 июндан бошлаб тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган хорижий ташкилотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур иловада кўрсатилган ташкилотларнинг талабларига асосан сертификатланган тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмлари Ўзбекистон Республикаси худудида давлат рўйхатидан ўтказилишида лаборатория синовларидан ўтказилмайди ҳамда ўрнатилган тартибда ўн беш иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилади.

Давлат божхона қўмитаси (М.Б. Азимов) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини ортиқча тўсиқларга йўл қўймасдан республика худудига олиб кириш устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Фармоннинг 3 ва 7-бандлари 26 та туман (шаҳар)ларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6110-сон Фармонида, Сирдарё вилоятида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4890-сон қарорида белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда қўлланилиши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 5-иловага мувофиқ 2021 йил 1 июндан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров ҳамда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А. Азизов «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш, шунингдек, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш аҳволи ва амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиш юзасидан бевосита масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев, соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш. Иноятов, У.Ю. Собиров, Э.И. Баситханова, А.А. Азизов, А.В. Алимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

19. Ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 май,
ПФ-6221-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 5 майдаги
ПФ-6221-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

2021 йил 1 июндан бошлаб тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган хорижий ташкилотлар РЎЙХАТИ

1. Озиқ-овқат ва дори воситалари сифати назорати бошқармаси (FDA), АКШ.
2. Европа мувофиқлиги (CE) сертификатини беришга ваколатли органлар, Европа Иттифоқи.
3. Европа дори воситалари агентлиги (EMA), Европа Иттифоқи.
4. Фармацевтика ва тиббий буюмлар агентлиги (PMDA), Япония.
5. Озиқ-овқат ва дори воситалари хавфсизлиги вазирлиги (MFDS), Корея Республикаси.
6. Дори воситалари ва тиббий буюмлар назорати агентлиги (MHRA), Буюк Британия.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 5 майдаги
ПФ-6221-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатининг 10-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

10.	<p>Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ваколатига кирадиган масалалар бўйича:</p> <p>уч ойда кўпи билан бир мартаба — умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи, шу жумладан озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда истеъмолчиларни воқоқларни суви билан таъминлайдиган, оқова сувларни чиқариб ташлайдиган;</p> <p>олти ойда кўпи билан бир мартаба — қонун ҳужжатларига кўра ходимлари тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шугулланадиган, шу жумладан саргарошхона ва космология хизматларини кўрсатувчи;</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати</p>	<p>10 кундан ошмаган ҳолда</p>
-----	--	--	--------------------------------

	бир йилда кўпи билан бир мартаба — аҳолига диагностика, даволаш-профилактика хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказиш.		
--	---	--	--

».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6099-сон Фармони 1-ило-ванинг 12-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармонида:

а) 3-банд қуйидаги тахрирдаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг раҳбарларига, зарур ҳолларда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағларни бюджет таснифининг харажатлар гуруҳлари ўртасида мустақил қайта тақсимлаш ваколоти берилади»;

саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 6-банднинг учинчи хатбошисидан «тиббиёт олий таълим ташкилотини охирги 3 йил ичида тамомлаган ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6208-сон Фармонининг 4-банди чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий тиббиёт ташкилотлари учун тақиқланган, аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва санитария-эпидемиологик хотиржамлиги учун юқори даражадаги хавф-хатар билан боғлиқ тиббий фаолиятнинг айрим турлари рўйхатининг 2-бандидан «тери-таносил» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4007-сон қарорида:

а) 5-банди «а» кичик бандида:

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган пуллик ўқиш контрактлари бўйича тушумлар, шунингдек, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихти-

сослаштириш маркази ҳамда унинг худудий бўлинмаларининг пуллик тушумлари миқдорининг 5 фоизи;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошисида «20 фоизи» сўзларидан кейин «шунингдек, тиббий фаолиятни лицензиялаш учун ундириладиган йиғимлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-банд «а» кичик бандида:

олтинчи хатбошида «хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш» сўзлари «маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда консалтинг ташкилотларини жалб қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошида «олий» сўздан кейин «ва ўрта» сўзлари билан тўлдирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизматларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4695-сон қарорининг 1 — 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сон қарорига илова қўйидаги мазмундаги 68-банд билан тўлдирилсин:

«68. Ҳамширалик иши.».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4847-сон қарорига:

а) 4-банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Соғлиқни сақлаш вазирига, зарур ҳолларда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, унинг худудий органлари, шунингдек, идоравий ташкилотларининг тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин»;

б) 6-банднинг саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «2020 йил 1 ноябрдан» сўзлари «2021 йил 1 июндан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4890-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 28-бандида «2 йилдан 5 йилгача — 0,1, 5 йилдан 10 йилгача — 0,2, 10 йилдан 15 йилгача — 0,3, 15 йилдан 20 йилгача — 0,4, 20 йилдан 25 йилгача — 0,5, 25 йилдан юқори — 0,6» сўзлари «1 йилдан 3 йилгача — 0,3, 3 йилдан 5 йилгача — 0,6, 5 йилдан 10 йилгача — 0,8, 10 йилдан 15 йилгача — 1,0, 15 йилдан 20 йилгача — 1,2, 20 йилдан юқори — 1,5» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4940-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидан «тиббий олий таълим ташкилотини охириги 3 йил ичида тамомлаган ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси ҳамда уй-жой шароитини яхшилаш бўйича имтиёзлардан олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда таълим муассасаларига ишга қабул қилинган олий маълумотли бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар ва мутахассислар, шунингдек, олий таълим муассасасининг бакалавриати ёки магистратурасини (таълим шаклидан қатъи назар — кундузги, сиртқи, кечки, шунингдек, иккинчи мутахассислик) тамомлаганидан кейин уч йил мобайнида олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига ишга кирган битирувчилар фойдаланиш ҳуқуқига эга»;

в) 7-банд «мутахассислар» сўзидан кейин «ва (ёки) тиббиёт ходимлари» сўзлари билан тўлдирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳнома-си бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди:

а) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«15 иш куни — тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмлари»;

иккинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча учинчи-ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган дори воситалари ва «in vitro» ташхис тиббий буюмлари, тан олиш йўли билан рўйхатдан ўтказиладиган тиббий техника, тиббий буюмлар ва уларнинг бутловчи қисмларини рўйхатдан ўтказишда лаборатория синовлари ўтказилмайди».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илованинг 22-позицияси «Тоифаларнинг номланиши» устуни «мутахассислар» сўзидан кейин «ва (ёки) тиббиёт ходимлари» сўзлари билан тўлдирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхати қуйидаги мазмундаги 19-банд билан тўлдирилсин:

«19. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси».

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 августдаги «Коронавирус

инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 461-сонли қарорининг 9 ва 10-бандлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Болалар миллий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 523-сон қарориди:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошиси «республика болалар тиббиёт муассасалари» сўзларидан кейин «ва ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«лаборатория, радиология, нуклеар тиббиёт ва гемодиализ хизматларини ижара ҳамда аутсорсинг механизмларини қўллаш орқали тажрибали нодавлат тиббиёт ташкилотларига бериш»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 10-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«республика болалар тиббиёт муассасалари ва ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари томонидан бериладиган йўлланмаларга (ордерларга) асосан табақалаштирилган тарифлар асосида Марказ томонидан кўрсатилган тиббий хизматлар қийматини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши таъминласин».

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тадбирларига ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 583-сон қарориди:

а) 2-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилансинки, 2021 йил 1 июндан эътиборан:

врачларга 15 миллион сўм, бошқарув ва ўрта тиббиёт ходимларига 10 миллион сўм, провизор-фармацевт ходимларга 6 миллион сўм, дезинфектор ва кичик тиббиёт ходимларига 4 миллион сўм ва бошқа ходимларга 2,5 миллион сўм миқдорида махсус рағбатлантириш тўловлари (даромад солиғидан ташқари) кунлик тарзда ишлаш шароитига ўтказилган ҳолда ҳар 30 кунлик давр учун кунига 8 соатдан кам бўлмаган иш юкмасини инобатга олган ҳолда бир ойда бир маротаба тўланади;»

б) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 7-банд чиқариб ташлансин;

г) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати ҳудудий бошқармалари коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ва Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, шу жумладан, жалб қилинган ходимларга махсус рағбатлантириш тўловларининг тўғри ва тўлиқ тўланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин»;

д) 1-иловада:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларга махсус тўловлар (жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи билан бирга), шунингдек, улардан тўланадиган ижтимоий солиқ 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан (кейин ўринларда — Инқирозга қарши курашиш жамғармаси) ва 2021 йилда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади»;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларга иш ҳажмидан келиб чиқиб, кунбай ишлаш шароитига ўтказилган ҳолда ҳар 30 кунлик давр учун иш юкламасини инобатга олган ҳолда ҳар ойлик иш фаолияти якуни бўйича қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус тўлов белгиланади:

врач ходимларга, врач-лаборантларга — 15 миллион сўм;

бошқарув ва ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга — 10 миллион сўм;

провизор-фармацевт ходимларга — 6 миллион сўм;

дезинфектор ва кичик тиббиёт ходимларига — 4 миллион сўм;

бошқа ходимларга — 2,5 миллион сўм.

в) 6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходим томонидан 30 кун давомида бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб иш соатларига нисбатан мутаносиб равишда, бироқ тегишли лавозимлардан келиб чиқиб кўпи билан 2,5 миллион сўм, 4 миллион сўм, 6 миллион сўм, 10 миллион сўм ва 15 миллион сўм миқдорида тўланади».

18. Ушбу илованинг:

7, 10, 15 ва 17-бандлари 2021 йил 1 июндан;

8-банди 2021 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 5 майдаги
ПФ-6221-сон Фармониغا
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг 2021 йил 1 июндан ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4652-сон «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июлдаги «Коронавирус инфекциясига қарши кураш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан кенг қамраб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 446-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**228 Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлат пенсияларини тайинлашда 30 турдаги ҳужжат талаб этилади ҳамда уларни тақдим этишга масъул 14 дан ортиқ вазирлик ва ташкилотларда идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги қоғоз шаклида иш юритишдан воз кечиш ва ҳужжатларни йиғиш жараёнини рақамлаштиришга тўсқинлик қилиб келмоқда.

Давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар электрон базасини шакллантириш, ушбу жараённи соддалаштириш, фуқароларнинг овозгарчиликларини бартараф этиш, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда соғлом рақобат муҳити ва замонавий стандартларни жорий этиш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2022 йил 1 январдан бошлаб:

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) томонидан молиялаштирилдиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловлар (кейинги ўринларда — пенсия ва нафақалар)ни тўлаш ҳар уч йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида ўтказиладиган тендер асосида танланган тижорат банки ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бунда, тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ пенсия ва нафақаларни нақд пулда маҳалла фуқаролар йиғинларига, фуқароларнинг яшаш манзилларига етказиб бериш мажбурияти юклатилади;

танловда иштирок этадиган тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан пенсия ва нафақаларни маҳалла фуқаролар йиғини биноси ёки фуқаронинг яшаш манзилига етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб, хизмат ҳақи дифференциялашган тартибда пенсия ва на-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 майда эълон қилинган.

фақалар тўланадиган (етказиб берилган) сумманинг 1 фоизгача миқдорда бўлиши мумкин. Бунда, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар Пенсия жамғармаси ва республика бюджети томонидан тўлаб берилади;

б) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меҳнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бунда, пенсияга чиқиш ҳуқуқи пайдо бўлган чоғида ишламайдиган фуқароларга ўзларининг меҳнат дафтарчаларидаги меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш орқали «Ягона меҳнат миллий тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — ЯММТ ИДАК)га киритиш хизмати жорий этилади;

давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади. Бунда, меҳнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатлар Пенсия жамғармаси томонидан ЯММТ ИДАКдан фойдаланган ҳолда электрон маълумотлар алмашинуви асосида олинади;

давлат пенсияларини тайинлаш учун фуқаролардан фақат паспорт ёки идентификация ID-картаси талаб этилади.

2. Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат пенсия таъминоти борасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини замон талабларига мувофиқлаштириш, фуқароларга пенсия ва нафақаларни тайинлашда юзага келадиган ортиқча тўловларнинг олдини олиш ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш мақсадида Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати тузилмаси, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 2, 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Пенсия жамғармасига вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромаднинг йигирма фоизини Пенсия жамғармаси ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

4. Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари бинолари учун минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари ҳамда

* 1 — 4-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туман (шаҳар) бўлимларини фуқаролар учун қулай шароитларга эга бўлган бино ва иншоотларга кўчириш;

2022 йил 1 июлга қадар қариялар ва кекса ёшдагилар, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган Пенсия жамғармасининг бинолари бўйича минимал талабларга асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар бир ҳудудда биттадан Пенсия жамғармасининг мавжуд бинолари негизида «Намунали Пенсия жамғармаси бўлими»ни ташкил этсин;

2024 йилга қадар босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари биноларини минимал талабларга мослаштиради.

6. Белгилансинки, Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини сақлаш ва молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Молия вазирлиги:

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2021 йил давомида Марказий банк, тегишли масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2022 — 2024 йилларда ҳудудларда пенсиялар ва нафақаларни тўлаш бўйича тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар ўртасида тендер ўтказиш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 январдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни амалга ошириш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ушбу қарор мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Д.А. Кучкаров, молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 май,
ПҚ-5102-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 4 майдаги
ПҚ–5102-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–308-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг камида тўрт ярим баравари миқдориди» сўзлари «йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдориди ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1252-сон қарориди:

а) 1-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги «меҳнат ҳақи шартлари» сўзларидан кейин «(кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама бундан мустасно)» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 2 — 4-иловалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2753-сон қарори 3-бандидаги «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти» сўзлари «АТ «Халқ банки» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 21-банди «в» кичик бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4555-сон қарори 7-банди ва унга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4699-сон қарорига 5-илованинг 2.3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

2.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Пенсия» дастурий таъминотини функционал кенгайтириш орқали Пенсия жамғармасини бошқариш ахборот тизимини яратиш.	1. Ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	2021 йил май — июнь	Давлат бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар
	2. «Пенсия» дастурий таъминотини функционал кенгайтириш.	2021 йил август — 2022 йил июль	
	3. Ахборот тизимини синов режимида ишга тушириш ва камчиликларни бартараф этиш.	2022 йил август — сентябрь	

».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди тўртинчи хатбошиси ва 13-бандидан «ишламаётган» сўзи чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Жамғарма ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, шунингдек тегишли муҳр ва штампларга эга бўлади.

Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга, шунингдек тегишли муҳр ва штампларга эга бўлади»;

б) 7-бандда:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 8-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи ва еттинчи хатбошиларидаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблаб чиқиш бўйича операцияларни амалга оширади, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш юклатилган тижорат банклари филиаллари орқали пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тўлаш юзасидан топшириқларни расмийлаштиради ва беради»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ташкilotларнинг ишлайдиган 18 ёшгача ногиронлиги бўлган боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўлов, Чернобиль ҳалокати оқибатида зарар кўрган фуқароларга ком-

пенсация тўловларини ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларга харажатларини молиялаштиради»;

г) 9-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Жамғарма даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

а) ижтимоий солиқ:

белгиланган миқдорлардаги ижтимоий солиқ тушумлари;

жисмоний шахслар айрим тоифаларининг ижтимоий солиқ тушумлари;

б) бошқа тўловлар:

боқувчисини йўқотган тақдирда, шунингдек меҳнатда майиб бўлганлик ёки ходим меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларни тўлашга харажатларни тўлаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ундириладиган маблағларнинг 85 фоизи;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобига ўтказиладиган юридик шахслар маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан олинган даромаднинг 80 фоизи;

ҳисобланган жарималар суммасининг бир қисми ҳамда ижтимоий солиқ ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар (қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий-техник таъминлаш махсус жамғармасига ҳамда Жамғарма ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасига ундириладиган суммалардан ташқари);

юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва ихтиёрий бадаллар»;

е) 11-банддаги «Мажбурий» сўзи «Ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 12-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошилардаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳар чоракда Жамғармага юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ўзини ўзи банд қилган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан тўланган ижтимоий солиқ миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди»;

з) 13-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 14-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Жамғарма маблағлари:

фуқароларга давлат пенсияларининг барча турлари;

18 ёшгача ногиронлиги бўлган боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштирилладиган бошқа харажатлар учун сарфланади.

Бошқа харажатлар бўйича Жамғарма сметаси Жамғарманинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади»;

к) 15-банддаги «Ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга» сўзлари «Фуқароларга» сўзи билан алмаштирилсин;

л) 16-банддан «ишламайдиган ва ишлайдиган» сўзлари чиқариб ташлансин;

м) 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, дафн маросими учун нафақалар, 16 ёшгача бўлган ногирон» сўзлари «18 ёшгача ногиронлиги бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

о) 26-банднинг бешинчи хатбошисидаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

п) 33-бандда:

олтинчи хатбоши «озод қилади» сўзларидан кейин «ҳамда уларнинг ротациясини амалга оширади» сўзлари билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ижро этувчи директор бўлмаган вақтда унинг вазифалари тақсимомига асосан директорнинг ўринбосарлари томонидан бажарилади»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

р) 34-бандда:

учинчи хатбошидаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан олинган даромаднинг 20 фоизи»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

с) 38-банддаги «мажбурий» сўзи «ижтимоий солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**229 Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида***

Аҳоли даромадини оширишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга қўмаклашиш, «маҳаллабай» ишлаш тизими орқали маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этишнинг Самарқанд тажрибасини амалиётга жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 1 июндан бошлаб Самарқанд вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида қуйидагиларни назарда тутувчи «маҳаллабай» ишлаш тизимини эксперимент тариқасида ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

туман (шаҳар) ҳокимлиги таъсисчилигида Маҳаллабай ишлаш марказларини (кейинги ўринларда — Марказлар) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш. Бунда, Марказларнинг фаолияти туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан мувофиқлаштириб борилади;

туман (шаҳар)лардаги ҳар учта маҳаллага биттадан маҳаллабай ишлаш инспекторларини бириктириш;

маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими негизида маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш;

ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосарининг ўзаро узвий ҳамкорликда ишлашини таъминлаш.

2. Белгилансинки:

Марказлар фаолияти Пастдарғом, Ургут ва Булунғур туманларида жорий йил 1 июндан бошлаб ҳамда Самарқанд вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида 1 августга қадар ташкил этилади;

Марказларда очиладиган штат бирликлари туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказининг ишга жойлаштириш инспекторлари штат бирликлари қисқартирилиши ҳисобидан шакллантирилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 майда эълон қилинган.

3. Марказларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб куйидагилар белгилансин:

аҳолининг бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш;

маҳаллабай ишлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш;

тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга, жумладан аёллар ва ёшларга кредит ҳамда субсидиялар олишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик, хунармандчилик қилиш истагини билдирганларга замонавий асбоб-ускуналар ҳамда мини-технологиялар топишда кўмаклашиш;

маҳалладаги инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини юритиш ва малака ошириш истагини билдирган фуқаролар билан ишлаш.

4. Самарқанд вилояти туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг намунавий ташкилий тузилмаси 1 — 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Маҳаллабай ишлаш марказининг намунавий низоми ва ташкилий тузилмасини;

Маҳаллабай ишлаш марказлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларини тасдиқласин.

6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан намунавий низом ва ташкилий тузилма асосида Маҳаллабай ишлаш марказининг устави ва ташкилий тузилмаси тасдиқланишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Марказ директори:

вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

маҳаллалар кесимида тўпланган муаммо ва мурожаатларни мувофиқлаштириб, уларни ҳал этишда туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли ўринбосарлари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади;

амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда халк депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида ҳисобот бериб боради.

8. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташкил этиладиган Марказларни тегишли бино, замонавий ахборот воситалари (компьютер тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда аҳоли ва тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиш ва ҳал этишда шаффофликни таъминлаш ва инсон омилини камайтириш мақсадида Марказ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳолда рақамлаштиришни назарда тутувчи «Онлайн маҳалла» дастурий таъминотини (кейинги ўринларда — дастурий таъминот) ишлаб чиқсин.

Бунда, дастурий таъминот орқали мурожаатларни қабул қилиш, Марказга юбориш ва ижросини мониторинг қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

10. Молия вазирлиги:

дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатларни Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг бюджетдан ташқари ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопласин;

2022 йилдан бошлаб ҳар йили дастурий таъминотни техник ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги буюртманомасига асосан зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутган ҳолда ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда Марказлар ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосарлари учун янги жорий этиладиган тизимнинг туб моҳияти ва самарали фаолият кўрсатиши бўйича ўқув семинарларини ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

мазкур тажрибани таҳлил қилиб бориш мақсадида Самарқанд вилоятининг туман (шаҳар)ларидаги Марказлар фаолиятини мониторинг қилиш гуруҳини ташкил этсин;

мониторинг гуруҳи томонидан тажриба жараёнида тизимдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва ваколатли органларга такдим этиб бориш чоралари кўрилишини таъминласин.

2022 йил 1 январдан бошлаб мазкур экспериментни республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф киритсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республи-

каси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 май,
ПҚ-5105-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

230 Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида*

Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитларни соддалаштириш, соҳада яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш мақсадида:

1. Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлигининг 2021 йил 15 майдан 2022 йил охирига қадар қуйидагиларни назарда тутувчи автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солишни соддалаштириш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

йўловчиларни ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиқларга эга бўлган энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилади;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан йўловчиларни энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти лицензия варақасига (кейинги ўринларда — лицензия варақаси) асосан амалга оширилади;

лицензия варақаси 21 ёшга тўлган ва бошқарувида аризани бериш вақтида 10 йилдан ортиқ бўлмаган вақт давомида эксплуатация қилинаётган автомобиль транспорти мавжуд бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга «Лицензия» ахборот тизими орқали берилади;

автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги ўринларда — якка тартибдаги ташиувчилар) «Аккредитация маркази» ДУКда аккредитациядан ўтган техник

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 майда эълон қилинган.

хизмат кўрсатиш станцияларида 6 ойда камида 1 маротаба транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиши шарт;

якка тартибдаги ташувчилар «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимига уланган, кўп тармоқли поликлиникалар, хусусий тиббиёт муассасалари, тиббий кўриқдан ўтказиш шароити мавжуд бўлган автомобиль транспортда йўловчиларни ва юк ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган корхоналарда ҳамда йўловчи ташувчиларга мижозларни излаш бўйича интерактив хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда — агрегаторлар) томонидан ташкил қилинган махсус текширув пунктларида ойлик тиббий кўриқдан ўтиши шарт;

якка тартибдаги ташувчиларга йўловчиларни автомобиль транспортда ташиш фаолияти доирасида ходимларни ишга ёллашга рухсат этилмайди;

2021 йил 1 сентябргача бўлган даврда якка тартибдаги ташувчиларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди;

якка тартибдаги ташувчилардан лицензия варақаси берилганлиги учун давлат божи йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорда ундирилади. Бунда давлат хизматларини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди;

якка тартибдаги ташувчилар қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини 3 тоннагача юк кўтариш имкониятига эга автомобиль транспортда юкларни ташиш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган ставкада тўлайдилар.

2. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб қўйидагилар:

а) якка тартибдаги ташувчилар ўз фаолиятини фақатгина агрегаторлар хизматидан фойдаланган ҳолда амалга оширади;

б) агрегаторлар хизматидан фойдаланишнинг шартлари этиб:

юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксиларда ёки якка тартибдаги ташувчи сифатида йўловчи ташишни амалга оширишга лицензия варақасига эга бўлиш;

«Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимига уланган кўп тармоқли поликлиникалар, хусусий тиббиёт муассасалари, тиббий кўриқдан ўтказиш шароити мавжуд бўлган автомобиль транспортда йўловчиларни ва юк ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган корхоналарда ҳамда агрегаторлар томонидан ташкил қилинган махсус текширув пунктларида ойлик тиббий кўриқдан ўтиш;

«Аккредитация маркази» ДУКда аккредитациядан ўтган ва «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимига уланган техник хизмат кўрсатиш станцияларида 6 ойда камида 1 маротаба техник кўриқдан ўтиш;

в) агрегаторлик хизматларини кўрсатиш шартлари этиб:

мижозларни излаш бўйича махсус дастурларни Давлат солиқ қўмитасининг электрон ахборот базаси ҳамда «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимига интеграциялаш;

ўз хизматларини фақатгина юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксиларга ёки якка тартибдаги ташувчи сифатида йўловчи ташишни амалга оширишга лицензия варақасига эга бўлган шахсларга кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти мақомига эга бўлиш белгилансин.

Бунда агрегаторлар томонидан ушбу талабларни бажармасдан фаолиятни амалга ошириш ҳолатлари аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу хизматдан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали фойдаланиш махсус ваколатли орган томонидан чекланади.

3. Юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксиларга:

йўловчиларни олиш ва тушириш мақсадида «Тўхташ тақиқланган» йўл белгиси амал қилиш ҳудудида, шу жумладан аэропорт ва вокзалларга тўхташ ҳудудларида тўхташ;

махаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган аэропортлар, темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, қурилиш моллари, деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуаларининг пуллик тўхташ жойларига йўловчиларни олиш ва тушириш учун бепул кириш;

йўналишли транспорт воситалари учун ажратилган махсус ҳаракатланиш йўлаги бўйлаб ҳаракатланишга рухсат этилсин.

4. Йўловчи ташишда фойдаланилаётган автотранспорт воситаларининг ранги ва махсус серияли давлат рақами белгиси бўйича ўрнатилган амалдаги талаблар 2023 йил 1 январга қадар тўхтатиб турилсин.

5. Йўналишсиз таксилар учун автомобиль транспортининг олд ойнасининг юқоридаги ўнг бурчагига жойлаштирилган яшил рангли ёритиш чироғи, ҳисоблагич (таксометр) ва радиоалоқа воситаси, шунингдек, назорат-касса машинасини ўрнатиш талаблари бекор қилинсин.

6. Юридик шахсларга тегишли йўналишсиз такси ва якка тартибдаги ташувчилар учун қуйидаги талаблар жорий этилади:

автомобиль транспортининг тепасига «ТАХИ» таниш белгили тўқ сарик рангли фонарь ўрнатиш;

тўловни амалга ошириш, шунингдек, босиб ўтилган йўлни электрон тарзда қайд этиш имкониятини берувчи махсус иловаларга эга мосламалар (шу жумладан уяли телефонлар, планшетлар) бўлиши;

автомобиль транспортининг приборлар панелида автомобиль транспортининг давлат рақами, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги ҳужжат (ёки ушбу фаолият турини амалга ошириш учун лицензия/лицензия варақаси) ва ҳайдовчининг телефон рақами кўрсатилган маълумотлар табличкаси мавжуд бўлиши.

Бунда, юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксилар учун мазкур бандда назарда тутилган талабларга қўшимча равишда автомобиль транспортининг ён томонларига Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган схема бўйича композицияни акс эттириш талаби белгилансин.

7. Транспорт вазирлиги 2021 йил 1 августга қадар:

кўп тармоқли поликлиникалар, хусусий тиббиёт муассасалари, тиббий кўриқдан ўтказиш шароити мавжуд бўлган автомобиль транспортда йўловчиларни ва юк ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган корхоналар ҳамда агрегаторлар томонидан ойлик тиббий кўриқ натижаларини киритишлари учун «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимига кириш имкониятини яратсин;

техник хизмат кўрсатиш станциялари даврий техник кўрик натижаларини киритишлари учун «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимига кириш, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда уларда замонавий технологиялар ёрдамида автомобиль транспортининг техник кўригидан автоматлаштирилган тарзда ўтиш имкониятини яратсин.

8. Давлат солиқ қўмитаси Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар автомобиль транспортининг йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиялар, электрон йўл варақалари, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва техник кўрикдан ўтган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларнинг идоралараро алмашинуви бўйича ягона электрон платформани ишга туширсин.

Ягона электрон платформани яратиш билан боғлиқ харажатлар Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси уч ойлик муддатда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг якка тартибдаги ташувчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин.

10. Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар мазкур қарорга асосан амалга оширилган эксперимент натижаларига кўра йўловчиларни автомобиль транспортида ташиш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 май,
ПҚ-5108-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

231 Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон ҳамда «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг 2021 йил 1 августдан бошлаб қуйидаги давлат хизматларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини (кейинги ўринларда — ўқув гуруҳлари) рўйхатга олиш;

автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчилигига номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ–4913-сон қарорига мувофиқ миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш соҳасида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолия-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 майда эълон қилинган.

ти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) барча тоифадаги автомобилотранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда:

ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вакилининг бевосита ёки онлайн назорати остида ўтказилади;

назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган махсус ҳимояланган сертификатлар берилади;

махсус ҳимояланган сертификатларнинг барча зарур реквизитлари тадбиркорлик субъекти томонидан давлат хизматлари марказлари ва ички ишлар органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этилади.

3. Белгилансинки:

а) 2021 йил 1 августдан бошлаб ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча тегишли ҳужжатларни ЯИДХП орқали ҳам тақдим этиш имконияти яратилади;

2022 йил 1 августдан бошлаб ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча тегишли ҳужжатлар фақат ЯИДХП орқали тақдим этилади.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг ўқув курсларини тугатган ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳон қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш бундан мустасно;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДЙХХХ) органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги фаолиятни мониторинг ва назорат қилиш қўйидаги имкониятларга эга бўлган автоматлаштирилган электрон тизимдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларни ДЙХХХ органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилиш орқали ўқув гуруҳларидаги ҳайдовчиликка номзодларнинг дастлабки ва якуний электрон ҳисобини юритиш;

ўқув гуруҳларидаги ҳайдовчиликка номзодларнинг таълим жараёнидаги иштирокини ва якуний имтиҳонларни назорат қилиб, таълим сифатини баҳолаб бориш, шу жумладан, ҳайдовчиликка номзодларни ўқишга қабул қилиш, гуруҳдан гуруҳга ўтказиш, рўйхатдан чиқариш ва ўқишни тугатганлиги тўғрисидаги маълумотлар (сертификат, гувоҳнома ва бошқалар)ни электрон тарзда олиш;

автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш учун ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилишнинг электрон навбат тизимини йўлга қўйиш, имтиҳон топшираётган ҳайдовчиликка номзодларнинг шахсини идентификация қилиш ҳамда улар тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

назарий ва амалий имтиҳонларни инсон омили аралашмаган ҳолда қабул қилиш ҳамда натижаларини автоматик тарзда баҳолаш ва расмийлаштириш;

ҳайдовчиликка номзодларга ДЙҲХХ органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, имтиҳонларни қабул қилиш жараёнларининг қонунийлиги, шаффофлиги, сифати ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг рейтингини юритиш;

миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини расмийлаштириш, шу жумладан, уларни алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни электрон қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда электрон навбатга қўйиш;

в) автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар, республиканинг барча ҳудудларида амалга оширилади.

Бунда:

автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини бериш Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида экстерриториаллик тамойили асосида, республиканинг бошқа ҳудудларида фуқаронинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудида;

миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш) ДЙҲХХнинг барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида ҳамда камида 20 та давлат хизматлари марказларида экстерриториал тамойили асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» давлат дастурида автоматотранспорт воситалари ва улар эгаларининг тарихини акс эттирувчи электрон базани яратган ҳолда ҳайдовчидан талаб этиладиган ҳужжатларни электрон шаклга босқичма-босқич ўтказиш ишларини бошлаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳайдовчилардан автоматотранспорт воситасини бошқариш учун ишончнома (нотариал тартибда тасдиқланган), техник кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатно-

ма электрон шаклга ўтказиш орқали мазкур ҳужжатларни автоматотранспорт воситаси ҳайдовчисидан талаб этиш тартиби бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар илғор хорижий тажрибани пухта ўрганган ҳолда ҳайдовчидан талаб этиладиган ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш бўйича ишларни тўлиқ якунлаш юзасидан асосланган таклифлар киритсин.

5. Қўйидагилар:

Автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчилигига номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил 1 августга қадар ДЙХХХ органлари билан автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият юритувчи ўқув ташкилотларининг тегишли маълумотлар базалари электрон тизим орқали ўзаро интеграция қилинишини;

2021 йил 1 августга қадар давлат хизматлари ЯИДХП орқали кўрсатилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот дастурларининг ишлаб чиқилишини ва улардан эркин фойдаланиш мақсадида бу борадаги давлат хизматларини кўрсатиш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектлари электрон ҳисобини юритиш реестрини шакллантирсин ҳамда мазкур реестрни ЯИДХП тизимига интеграция қилган ҳолда унинг реал вақт режимида автоматик тарзда янгилаб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Давлат тест маркази Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ҳайдовчилик-

ка номзодлардан назарий имтихонларни инсон омили аралашмаган ҳолда олиш тизимини жорий этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

назарий имтихон саволларининг анимацион ёки бошқа шаклларда содда бўлишини ҳамда йўл ҳаракати қоидалари ва ўқув дастурида назарда тутилган мавзулар доирасида шакллантирилишини таъминлаш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорларга ҳар қандай усулда ёрдам бериш ёки турли хил телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш имконини бермайдиган вақтни белгилаш ҳамда назарий саволлар такрорланишининг олдини олиш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтихон олиш жараёни жамоатчилик томонидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатилиши имконини яратиш;

назарий саволларни мунтазам равишда сифат жиҳатдан янгилаб бориш; фуқароларнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича билим даражасини (ихтиёрий равишда) синовдан ўтказиш, шунингдек, ҳайдовчиликка номзодларнинг ўқув гуруҳларида олган билимларини текшириш бўйича Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали сервис хизматини тўлов асосида кўрсатиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар ДЙХХХ органларида автоматлаштирилган электрон тизимларнинг ЯИДХПга интеграция қилинган ҳолда тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

автоматлаштирилган электрон тизимлар билан ишлаш жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан кузатилиб ҳамда мувофиқлаштириб борилади;

ҳайдовчиликка номзодлардан имтихон олиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини расмийлаштириш жараёнлари видео кузатув қурилмалари орқали ҳудудий ДЙХХХ органлари томонидан назорат қилиб борилади;

ДЙХХХ органларида автоматлаштирилган электрон тизимларни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

фуқароларнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича билим даражасини (ихтиёрий равишда) синовдан ўтказиш, шунингдек, ҳайдовчиликка номзодларнинг ўқув гуруҳларида олган билимларини текшириш бўйича Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали сервис хизмати кўрсатишдан тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатланти-

риш ва мукофотлаш жамғармасига йўналтирилади ва автоматлаштирилган электрон тизимларни жорий этиш харажатларини қоплаш ва ходимларни рағбатлантириш учун мақсадли сарфланади.

11. Белгилансинки, ҳайдовчиликка номзодлардан амалий имтиҳонларни қабул қилиш учун ДЙХХХнинг автоматлаштирилган электрон тизимларга интеграция қилинадиган замонавий автодромларини ташкил этиш ҳамда уларга махсус автотранспорт воситаларини харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 4-бандига мувофиқ янги тартиб жорий этилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 май,
271-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 4 майдаги 271-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр
транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат
таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи
юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) автототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда — ариза берувчи)нинг ўқув гуруҳларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари (кейинги ўринларда — ДЙХХХ органлари) томонидан кўрсатилади.

3. ЯИДХП ва ДЙХХХ органлари ўртасидаги идоралараро электрон ахборот алмашинуви электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ)ни мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизматини кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХПда электрон рўйхатдан ўтади ва мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловада* келтирилган сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

6. Сўровномага ариза берувчининг ЭРИси билан тасдиқланган рўйхатга олиниши лозим бўлган ўқув гуруҳи тўғрисида батафсил маълумотнома ва ўқишга номзодларнинг сони 25 кишидан ошмаган ўқув гуруҳи рўйхати илова қилинади.

Сўровномани тўлдириш жараёнида ўқув гуруҳининг тури, яъни ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малакасини оширишга ихтисослаш-

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ганлиги бўйича автоматик тарзда қўшимча илова этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланади.

7. Сўровнома тўлдирилиб, тегишли ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинганидан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

Сўровнома билан фақат битта ўқув гуруҳини рўйхатга олиш бўйича давлат хизмати кўрсатилади.

Ариза берувчидан белгиланган ҳужжатлар рўйхатида кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъий тақиқланади.

8. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

9. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши ёки унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаслиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизмати кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш қатъий тақиқланади.

10. ЯИДХП орқали берилган сўровнома автоматик тарзда тегишли хизмат кўрсатувчи ДЙХХХ органига юборилади.

11. ДЙХХХ органининг масъул ходими бир иш кунда:

а) тушган электрон ариза ва унга илова этилган ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлигини текширади.

Бунда тушган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқлаган тақдирда, бу ҳақида ариза берувчига ЯИДХП орқали матрикс штрихли код қўйилган ва ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган хабарнома жўнатилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан батафсил тушунтириш берилади.

Ариза берувчи аризаси рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб ўн иш кунни мобайнида ҳужжатлардаги камчиликларни тўғрилаб, такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

б) маълумотлар тўғри ва ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда, ўқув гуруҳини алоҳида электрон журналда рўйхатга олади;

в) рўйхатга олиш натижаси ҳақидаги маълумотномани ариза берувчига ЯИДХП орқали матрикс штрихли код қўйилган ва ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда жўнатади.

12. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

13. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ўқув гуруҳларини ушбу Низомда белгиланган тартибда рўйхатга ўтказмаган ҳолда ташкил этишлари тақиқланади.

14. ДЙХХХ органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари мазкур Регламент талаблари ижроси бўйича ДЙХХХ органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

16. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

17. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 4 майдаги 271-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр
транспорти воситалари ҳайдовчилигига номзодлардан
имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий
ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолият юритувчи ўқув ташкилотларини тугатган ҳайдовчиликка номзодлар ёки қонун ҳужжатларида имтиҳон топшириши назарда тутилган ҳайдовчилар (кейинги ўринларда — ариза берувчи)дан имтиҳон қабул қилиш ҳамда миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қилинганда давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизматлари ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДЙХХХ) органлари ёки автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

4. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради.

5. Сўровномага илова этиладиган ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатиладиган хизмат турларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда — Низом) талаблари асосида сўровномани тўлдириш жараёнида автоматик тарзда белгиланади.

Сўровномага талаб этиладиган ҳужжатларнинг сканер қилинган «PDF» шаклидаги нусхалари илова қилинади.

6. Сўровнома тўлдирилиб, тегишли ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинганидан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз ЭРИси билан тасдиқлайди.

7. Давлат хизматлари кўрсатилиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10,0 фоизи миқдорида йиғим ундирилиши белгиланиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг 90,0 фоизи ундирилади.

Бунда ундирилган йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10,0 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

38,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

8. Сўровномада хато маълумотлар кўрсатилган ёки маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, шунингдек, давлат хизмати кўрсатиш учун йиғим тўланмаганда сўровнома автоматик равишда рад этилади ҳамда бу ҳақида ариза берувчига онлайн режимида автоматик тарзда электрон жавоб қайтарилади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат хизматлари кўрсатиш бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

9. Ариза берувчи томонидан киритилган барча ҳужжатлар ЯИДХП орқали реал вақт режимда автоматик тарзда доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича ДЙХХХ органига ёки ушбу ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектига юборилади.

Бунда ариза берувчи томонидан сўровномани тўлдириш жараёнида имтихон топшириш учун аниқ бир ҳудуд ёки ташкилотни танлаш имконияти яратилади.

10. ДЙХХХ органининг ёки тадбиркорлик субъектининг масъул ходими бир иш кунда имтихонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан:

а) тушган электрон ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги ва тўлиқлигини, шунингдек, тегишли тўловларнинг тўланганлигини текширади;

б) ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ бўлган тақдирда, уларни алоҳида электрон журналга киритади ҳамда ариза берувчининг назарий имтихонга қўйилганлигини қайд этади.

Бунда тушган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, электрон журналга киритиш рад этилиб, бу ҳақида ариза берувчига ЯИДХП орқали матрик штрихли код қўйилган ва масъул ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган хабарнома жўнатилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан батафсил тушунтириш берилади.

Ариза берувчи аризаси рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб 30 календарь кун мобайнида ҳужжатлардаги камчиликларни тўғрилаб, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўламаган ҳолда такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда ЯИДХП орқали ушбу бандда кўрсатилган муддатларда такрорий мурожаатни тегишли ДЙХХХ органига ёки тадбиркорлик субъектига юборади;

в) келгуси 10 иш кун ичида назарий имтихон топширишнинг аниқ санаси ва вақти, шунингдек, имтихон топшириладиган тегишли ДЙХХХ органи ёки тадбиркорлик субъекти кўрсатилган хабарномани расмийлаштиради ҳамда уни матрик штрихли код қўйилган ва ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчига ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

11. ДЙХХХ органининг масъул ходими миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш юзасидан бир иш кунда:

а) тушган электрон ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги ва тўлиқлигини, шунингдек, тегишли тўловларнинг тўланганлигини текширади;

б) ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ бўлган тақдирда, уларни алоҳида электрон журналга киритади ҳамда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш (алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш)га рухсат беради.

Бунда тушган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқлаган тақдирда, электрон журналга киритиш рад этилиб, бу ҳақида ариза берувчига ЯИДХП орқали матрик штрихли код қўйилган ва ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган хабарнома жўнатилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан батафсил тушунтириш берилади.

Низомда белгиланган алоҳида ҳолларда ариза берувчига назарий ва (ёки) амалий имтиҳонларни топширганидан сўнг миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилиши ҳақидаги хабарнома юборилиб, унда бунинг учун топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳақида тушунтириш берилади.

Имтиҳон топшириш ушбу Регламент ва Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ариза берувчи аризаси рад этилганлиги бўйича хабарномани олган кундан бошлаб 30 календарь кун мобайнида ҳужжатлардаги камчиликларни тўғрилаб, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўламаган ҳолда такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда ЯИДХП орқали ушбу бандда кўрсатилган муддатларда такрорий мурожаатни тегишли ДЙХХХ органига ёки тадбиркорлик субъектига юборади;

в) келгуси 10 иш куни ичида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ёки янгисини олиш бўйича мурожаат қилиш ҳақидаги аниқ сана ва вақт белгиланган, шунингдек, тегишли ДЙХХХ органи кўрсатилган хабарномани расмийлаштириб, уларни матрик штрихли код қўйилган ва ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчига ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

12. Ариза берувчи имтиҳонларни топшириши юзасидан:

а) ҳайдовчиликка номзодлар шахсини тасдиқловчи ва сўровномага илова қилинган ҳужжатларнинг асли билан бирга хабарномада кўрсатилган тегишли ДЙХХХ органига ёки тадбиркорлик субъектига белгиланган сана ва вақтда назарий имтиҳонда қатнашиш учун етиб келиши лозим.

Ариза берувчи узрли сабабларсиз белгиланган сана ва вақтда назарий имтиҳонга етиб келмаган ёки тегишли ҳужжатларнинг аслини тақдим этмаган тақдирда, имтиҳонни қабул қилувчи масъул ходим назарий имтиҳон ўтказилмаганлиги ҳақидаги хабарномани шу куннинг ўзида электрон аризаларни кўриб чиқиш учун масъул ходим (иш жойи)га юборади.

Масъул ходим ариза берувчининг белгиланган сана ва вақтда назарий имтиҳонга етиб келмаганлиги ёки тегишли ҳужжатларнинг аслини ДЙХХХ органига ёки тадбиркорлик субъектига тақдим этмаганлиги сабабли рад этилганда, узрли сабабларни исботловчи ҳужжатлар 10 иш куни ичида тақдим этилган тақдирда, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланмаган ҳолда имтиҳон қабул қилиниши мумкинлиги ҳақида матрик штрихли код қўйилган ва ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда бир иш куни ичида ариза берувчига ЯИДХП орқали электрон шаклда хабарнома юборади.

Ариза берувчи узрли сабабларга кўра белгиланган вақтда назарий имтиҳонга етиб келмаганлиги ёки тегишли ҳужжатларнинг асли тақдим

этилмаганлиги ҳақидаги маълумот рад этилишини тасдиқлай олмаса, унинг сўровномаси рад этилади. Бунда ариза берувчи ушбу Регламентнинг 7-бандида назарда тутилган йиғим суммасини тўлаган ҳолда давлат хизматларидан такроран фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

б) ариза берувчи ДЙХХХ органида ёки тадбиркорлик субъектида инсон омилини истисно этувчи назарий имтиҳонларни қабул қилиш тизими орқали белгиланган тартибда назарий имтиҳондан ўтган тақдирда, унга дарҳол тизим орқали автоматик тарзда амалий имтиҳонга рухсат берилади ҳамда 2 ойлик муддат ичида амалий имтиҳон топшириши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилади.

Ариза берувчи назарий имтиҳондан ўтмаган тақдирда, унга дарҳол тизим орқали автоматик тарзда 7 календарь кун ўтганидан сўнг назарий имтиҳонни такроран топшириши мумкинлиги ҳақида маълумот берилади.

Ушбу муддат ўтмагунга қадар тизим томонидан ариза топширувчига такроран назарий имтиҳон топширишга рухсат берилмайди. Келгуси назарий имтиҳонни топширишда ариза берувчи имтиҳондан ўтмаган тақдирда ҳам тизим автоматик тарзда шу жараённи такрорлайди. Бунда назарий имтиҳонларни такроран топшириш сони чекланмайди;

в) ариза берувчи инсон омили аралашмаган ҳолда (Низомда белгиланган алоҳида ҳоллар бундан мустасно) сунъий онг орқали баҳоланадиган фақат махсус ташкил этилган автодромда белгиланган вақтда амалий имтиҳонларни топширади.

Ариза берувчи назарий имтиҳонни топширганидан сўнг 2 ойлик муддат ичида амалий имтиҳонни топшириши лозим. Бунда тизим автоматик тарзда амалий имтиҳонни такроран топшириш вақтини 7 календарь кундан кейинги кунларга белгилайди. Агар ариза берувчи 2 ойлик муддатда амалий имтиҳонни топшира олмаса, тизим автоматик тарзда уни яна назарий имтиҳон топширишга қайтаради.

Назарий ва амалий имтиҳонларни қайта топшириш ушбу Регламент ва Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади;

г) ариза берувчи амалий имтиҳонни топширган тақдирда, тизим автоматик тарзда:

ариза берувчига миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга рухсат бериб, бунинг учун зарур бўлган ҳужжатларни ДЙХХХ органига тақдим этиш бўйича маълумот беради;

тегишли ДЙХХХ органига миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича хабарнома юборади;

д) ариза берувчи ўзи хоҳлаган вақтда тегишли ДЙХХХ органига миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш бўйича мурожаат қилиб, фотосуратга тушади ва шу куннинг ўзида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини қабул қилиб олади.

13. Ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш юзасидан:

а) ариза берувчи шахсини тасдиқловчи ва сўровномага илова қилинган ҳужжатларнинг асли билан бирга хабарномада кўрсатилган тегишли

ДЙҲХХ органига белгиланган сана ва вақтда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини олиш учун келиб, фотосуратга тушади.

Ариза берувчи бир йил мобайнида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш, шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини олиш учун келмаган ёки тегишли ҳужжатларнинг аслини такдим этмаган тақдирда, тизим автоматик тарзда ариза берувчига миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни рад этади. Бунда ариза берувчи гувоҳномани алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини олиш учун ушбу Регламентнинг 7-бандида назарда тутилган йиғим суммасини тўлаган ҳолда давлат хизматларидан такроран фойдаланиш ҳуқуқига эга;

б) тайёр бўлган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини белгиланган тартибда қабул қилиб олади. Бунда ҳужжатларни топшириш, фотосуратга тушиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш ва уни ариза берувчига топшириш шу куннинг ўзида амалга оширилади.

14. Ариза берувчи тайёр бўлган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини қабул қилиб олмаган тақдирда, унинг гувоҳномаси архивда икки йилгача сақланади.

Сақлаш муддати ўтиб кетган тақдирда, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда йўқ қилинади.

15. Ариза берувчи унинг аризаси ДЙҲХХ органи ёки тадбиркорлик субъекти томонидан электрон журналда рўйхатга олингунга қадар давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортиш ва тўланган йиғим суммасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ариза электрон журналда рўйхатга олинганидан сўнг давлат хизматларидан фойдаланиш рад этилганда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

16. ДЙҲХХ органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

17. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

18. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**232 Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ–4913-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, йўл ҳаракати соҳасида давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларга хусусий секторни кенгроқ жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ–4913-сон қарорига мувофиқ, автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) барча тоифадаги автоматотранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 июндан бошлаб:

ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари хизмат кўрсатиш ҳудудларида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (кейинги ўринларда — ДЙҲХХ) назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича фаолиятини тадбиркорлик субъектларининг тегишли лицензияси амал қилиш санасидан эътиборан тўхтатсин;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат хизматлари марказлари билан ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

тадбиркорлик субъектларида ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўтказиладиган назарий ва амалий имтиҳонлар жараёни устидан ДЙҲХХ вакилининг бевосита ёки онлайн назоратини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуника-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 майда эълон қилинган.

цияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимини яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқсин:

ДЙХХХга тегишли барча ахборот тизимларини мазкур Ягона ахборот тизимига интеграция қилиш;

ўқув гуруҳларидаги ҳайдовчиликка номзодлар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш;

ўқув гуруҳларидаги ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш орқали уларнинг кундалик таълим жараёнидаги иштирокини (давоматини) назорат қилиш;

яқуний имтиҳонларни назорат қилиш орқали таълим сифатини баҳолаш;

имтиҳон натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг таҳлилларига кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тузиладиган ўқув муассасалари рейтингини юритиш ва эълон қилиш;

Ягона ахборот тизимини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотлар базаси билан интеграция қилган ҳолда ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларнинг автотототранспорт воситасини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда олиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 4 май,
272-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 4 майдаги 272-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги 241-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида низомнинг 2-банди иккинчи хатбоши-си қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низом юридик шахсларнинг автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш билан боғлиқ йўналишлар бўйича фаолиятни лицензиялашга татбиқ этилмайди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорида:

а) қарорнинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Қуйидагилар:

Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат таълим муассасалари ҳамда автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий

ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2¹-иловага мувофиқ;

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат талаблари 4-иловага мувофиқ;

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

в) 1-иловада:

Низомнинг номланиши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом»;

1-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди»;

2-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш учун юридик шахсларга лицензия бериш, лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади»;

3-бандга «малакасини ошириш» сўзларидан кейин «ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш» сўзлари қўшилсин;

4-бандда:

биринчи хатбошига «малакасини ошириш» сўзларидан кейин «ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш» сўзлари қўшилсин; қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«ўқув гуруҳларидаги ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш орқали, уларнинг кундалик таълим жараёнидаги иштирокини назорат қилиш ҳамда якуний имтиҳонларни назорат қилиб, таълим сифатини баҳолаб бориш тизимларининг мавжудлиги ҳамда ушбу тизимларнинг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДЙХХХ) билан интеграция қилинганлиги»;

қўйидаги мазмундаги 6¹-банд қўшилсин:

«6¹. Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга қўйиладиган махсус лицензия талаблари ва шартларига қўйидагилар қиради:

ҳайдовчиликка номзодларни имтиҳондан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш учун электрон буюртма (мурожаат)ларни қабул қилиш тизимининг мавжудлиги;

ҳайдовчиликка номзодларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, имтиҳонларни ўтказиш муддатларини белгилаш ва ҳайдовчиликка номзодларни ҳамда ДЙХХХ масъул ходимини олдиндан хабардор қилиш тизимининг шакллантирилганлиги;

ҳайдовчиликка номзодларни назарий имтиҳондан ўтказиш учун ўқув дастурини қамраб олган электрон (анимацион) тест саволлари тўпламининг шакллантирилганлиги;

назарий имтиҳонларни ўтказиш учун камида 72 м² бўлган, алоҳида кабиналарга ажратилган (оператор ва номзодлар махсус ойна билан ажратилган) шунингдек, техник воситалар (камералар) билан махсус жиҳозланган зал (хоналар), автоматотранспорт воситаларининг тоифа(лар) йўналиши бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш учун камида 10000 м² ер майдонига эга бўлган, автоматлаштирилган автодром ва махсус жиҳозланган автоматотранспорт воситаларининг мавжудлиги, уларнинг мазкур Низомга 2-иловада келтирилган талабларга мувофиқлиги;

ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш, улардан назарий ва амалий имтиҳонларни инсон омилсиз, автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш, натижаларини баҳолаш, электрон баённомаларни шакллантириш ва узатиш тизимларининг мавжудлиги;

имтиҳонларни ўтказиш тизимлари унумдорлигининг хизмат кўрсатиш ҳудуди (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри)да имтиҳон топширувчилар сонига мувофиқлиги;

имтиҳонлар жараёнини ваколатли давлат органлари томонидан онлайн режимида назорат қилиш ҳамда жамоатчилик эътиборига видеотрансляция қилиш имкониятининг мавжудлиги;

назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган махсус ҳимояланган сертификатларни шакллантириш, сертификатлар реквизитларини давлат хизматлари маркази ҳамда ички ишлар органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этиш имкониятининг мавжудлиги;

ўтказилган имтиҳон натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг таҳлилларига кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тузиладиган ўқув муассасалари рейтингини юритиш ва эълон қилиш механизмининг яратилганлиги;

мазкур бандда назарда тутилган барча жараёнларнинг ДЙҲХХ ягона бошқарув марказига интеграция қилиниши, бошқарилиши ва назорат қилиниши;

тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан имтиҳонларни ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишга доир тартиб-таомиллар (мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, кўриб чиқиш, имтиҳонларни ташкил этиш, ўтказиш, баҳолаш мезонлари, ахборот алмашинуви, иш юритиш ва бошқа маъмурий тартиб-таомиллар) ДЙҲХХ билан 15 иш куни мобайнида келишилган ҳолда тасдиқланганлиги (ДЙҲХХ келишиш жараёнида аввалги рад этиш сабабларидан бошқа сабабларни важ қилиши тақиқланади)»;

7-бандга қўйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар қўшилсин:

«ҳайдовчиликка номзодларни назарий имтиҳондан ўтказиш учун ўқув дастурини қамраб олган электрон (анимацион) тест саволлари тўпламининг мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан юридик шахсга тегишлилиги ҳақидаги ҳужжат (автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар учун);

назарий имтиҳонларни ўтказиш учун техник ва технологик воситалар билан махсус жиҳозланган зал (хоналар), автоматотранспорт воситаларининг барча тонфалари бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш учун автоматлаштирилган автодром ва махсус жиҳозланган автоматотранспорт воситаларининг мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан юридик шахсга тегишлилиги ҳақидаги ҳужжат (автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар учун);

автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказишда фойдаланиладиган автоматлаштирилган тизимларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги тўғрисида ваколатли органнинг экспертиза хулосаси нусхаси (автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар учун);

тўққизинчи хатбоши тегишлича ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
10-банддаги «иловадаги» сўзи «1-иловадаги» сўзи билан алмаштирилсин;
21-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ДЙХХХ автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида даврий равишда ўқув ҳамда назарий ва амалий имтиҳонлар жараёнининг мониторингини олиб боради ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан расмийлаштирилган далолатнома асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдимнома киритади»;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш учун қўшимча лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилишини режали текшириш ДЙХХХнинг ваколатли вакили иштирокида амалга оширилади»;

27-банднинг олтинчи хатбошисидан «амал қилиш муддатини узайтириш,» сўзлари чиқариб ташлансин;

29-банд қуйидаги таҳририда баён қилинсин:

«29. Автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматини кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Лицензия олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисидан кўрсатилган давлат божининг 90 фоизи ундирилади.»;

иловада:

илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА»;

номланиши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш СХЕМАСИ»;

схеманинг рус тилидаги матнида 1-босқични амалга ошириш механизми матнидаги «в сфере подготовки, переподготовки и повышения квалификации водителей автоматотранспортных средств и средств городского электрического транспорта» сўзлари чиқариб ташлансин;
қуйидаги мазмундаги 2-илова қўшилсин:

«Автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказишда фойдаланиладиган объектларнинг жиҳозланишига қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

I. Автоматлаштирилган автодромга қўйиладиган талаблар

1. Автоматлаштирилган автодром қуйидаги асосий элементлардан иборат бўлиши керак:

ҳайдовчиликка номзоднинг автотранспорт воситасини амалий бошқариш бўйича кўникмаларини автоматлаштирилган ҳолда синовдан ўтказишга мўлжалланган, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари билан жиҳозланган, умумий фойдаланишдаги йўллардан ажратилган ёпиқ ҳудуддаги махсус майдонча;

диспетчерлик (назорат) пункти;

махсус жиҳозланган автоматотранспорт воситалари ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўзаро боғловчи марказий дастурий мажмуа;

ҳайдовчиликка номзодлар томонидан амалга оширилган ҳар бир синов машқлари натижаларини инсон омилисиз баҳолаш учун автоматлаштирилган назорат тизими.

2. Автоматлаштирилган автодром махсус майдончасининг лойиҳа параметрлари ва элементлари ваколатли давлат органлари томонидан белгиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Бунда автоматлаштирилган автодром махсус майдончасида:

а) «А» тоифаси учун «Ҳаракатни бошлаш (старт)», «Илон изи», «Тор йўлак», «Тезлашиш-секинлашиш», «Габаритли ярим айлана», «Габаритли коридор», «Паст тезликда ҳаракатланиш», «Габаритли саккиз», «Ҳаракатни якунлаш (Финиш)»;

б) «В», «С», «Д» тоифалари учун «Ҳаракатни бошлаш (Старт)», «Пиёдалар ўтиш жойи», «Тўхташ ва тик баландликка кўтарилиш (эстакада)», «90 градус бурчак остида бурилишлар», «Тор жойда қайрилиб олиш учун боксга кириш», «Ҳаракат тартибга солинган чорраҳа», «Илон изи», «Орқага ҳаракатланиб параллель тўхташ (парковка)», «Темир йўл кесишмаси»

(тартибга солинмаган), «Тезлашиш бўлаги», «Авария ҳолатда тўхташ», «Ҳаракатни якунлаш (Финиш)»;

в) «BE», «CE», «DE» тонфалари учун «Ҳаракатни бошлаш (Старт)», «Орқа бортни платформага қўйиш», «Платформадан йўлга чиқиш», «Габаритли коридорда орқа томонга тўғри чизикда ҳаракатланиш», «Ҳаракатни якунлаш (Финиш)» элементларининг мавжудлиги мажбурийдир.

3. Автоматлаштирилган автодром тизими орқали назорат қилинадиган синов машқларининг жойлари ва элементларини белгилаш учун махсус йўл чизикларидан фойдаланилиши мумкин.

4. Автоматлаштирилган автодром ундаги йўл-кўча тармоғи элементларининг автоматлаштирилган автодром тизими элементи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун кўшимча равишда сезгир датчиклар (узатгичлар), электр таъминоти ва алоқа линияларига эга бўлиши керак.

5. Датчиклар (узатгичлар) стационар ўрнатилган бўлиши, механик ёки об-ҳаво омиллари таъсирида ўз жойини ёки техник хусусиятини ўзгартирмаслиги ва транспорт воситалари ҳаракатига халақит бермаслиги керак.

6. Диспетчерлик (назорат) пунктининг жойлашуви автоматлаштирилган автодромдаги вазиятни бевосита кузатиш имконини бериши лозим.

7. Диспетчерлик (назорат) пункти ҳайдовчиликка номзодларнинг ҳаракатларини кўрсатиб турадиган компьютер ва мониторлар, автоматлаштирилган автодром тизимининг элементи сифатида ишлайдиган ахборотни доимий қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш ускуналари, овозли алоқа воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

8. Диспетчерлик (назорат) пунктининг электр таъминоти ускуналари ҳимояланган ва барқарор ишлашини таъминловчи тизим билан жиҳозланади.

9. Автоматлаштирилган автодром тизими қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ҳайдовчиликка номзоднинг амалий бошқариш кўникмаларини инсон омилсиз баҳолаш;

ўтказилган амалий имтиҳон натижаларини автоматик тарзда шакллантириш;

ўрнатилган дастурий таъминот ва маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимояланиш;

имтиҳон жараёнида олинган маълумотларга ҳамда имтиҳон натижаларига ўзгартириш киритиш имкониятини чеклаш;

ўтказилган амалий имтиҳон натижаларини автоматлаштирилган имтиҳон тизимига автоматик тарзда узатиш учун интеграциялаш;

автоматлаштирилган автодром ва унинг таркибий тизимларининг созликни автоматик тарзда узлуксиз назорат қилиш, носозликлар юзага келганда бу ҳақидаги маълумот (ахборот, ишора)ни автодром диспетчерлик пунктидаги мониторга чиқариш, амалий имтиҳонларни носозлик бартараф этилгунга қадар тўхтатиш, якунланмаган синов машқлари натижаларини бекор қилиш.

10. Автоматлаштирилган автодромда ўтказиладиган амалий имтиҳонлар жараёнида автоматотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш схемаси (си-

нов машқларининг бажарилиш кетма-кетлиги) ҳақидаги маълумотлар тадбиркорлик субъектининг веб-сайтида (мавжуд бўлса) ва бевосита объект ҳудудидаги ахборот стендларида жойлаштирилади.

II. Амалий имтиҳонларни ўтказиш учун фойдаланиладиган автомототранспорт воситаларига қўйиладиган талаблар

11. Автоматлаштирилган автодромда амалий имтиҳонларни ўтказиш учун етарли миқдорда «А», «В», «С», «D», «BE», «CE» ва «DE» тоифадаги махсус транспорт воситалари мавжуд бўлиши керак.

12. Амалий имтиҳонлар:

«А» тоифа учун — икки филдиракли мотоциклларда;

«В» тоифа учун рухсат этилган тўла вазни 3 500 kg дан ошмайдиган ҳамда ҳайдовчининг ўриндигидан ташқари ўриндиқлар сони саккизтадан ортиқ бўлмаган, узунлиги 3,8 m дан, кенглиги 1,6 m дан, филдираклар базаси 2,2 m дан, бурилиш радиуси 4,2 m дан кам бўлмаган автомобилларда;

«С» тоифа учун — рухсат этилган тўла вазни 3 500 kg дан ортиқ бўлган, узунлиги 6,0 m дан, кенглиги 2,0 m дан, филдираклар базаси 3,3 m дан ва минимал бурилиш радиуси 5,8 m дан кам бўлмаган юк автомобилларида;

«D» тоифа учун — ўриндиқлар сони ёки йўловчилар сифими 28 тадан, узунлиги 6,9 m дан, кенглиги 2,0 m дан, филдираклар базаси 3,5 m дан, минимал бурилиш радиуси 7,8 m кам бўлмаган автобусларда;

«BE» тоифа учун — тиркамасининг рухсат этилган тўла вазни 750 kg дан ортиқ бўлган «В» тоифадаги автотранспорт воситаларида;

«CE» тоифа учун — тиркамасининг рухсат этилган тўла вазни 750 kg дан ортиқ бўлган «С» тоифадаги автотранспорт воситаларида;

«DE» — тиркамасининг рухсат этилган тўла вазни 750 kg дан ортиқ бўлган «D» тоифадаги автотранспорт воситалари ёки бўғимли автобусларда ўтказилади.

13. Ногиронлиги бўлган шахслардан амалий имтиҳонларни қабул қилиш тиббий жиҳатдан тегишли тоифадаги транспорт воситаларини чекловлар билан бошқаришга рухсат берилганлар учун махсус жиҳозланиши мазкур тиббий талабларга жавоб берадиган тегишли тоифадаги транспорт воситаларида амалга оширилади.

14. Амалий имтиҳонларни ўтказишда фойдаланиладиган махсус транспорт воситалари:

а) Йўл ҳаракати қоидалари талаблари асосида таниқли белгилар ҳамда қўшимча ускуналар билан жиҳозланади;

б) автоматлаштирилган автодром тизимининг таркибий элементи сифатида қўлланилишини таъминлайдиган қўйидаги ускуналар билан жиҳозланади:

ахборотларни қабул қилиш-узатиш тизимлари;

ёруғлик ва/ёки овозли авария тўхташ ишораси датчиклари;

ҳайдовчиликка номзод томонидан бажариладиган синов машқларини қайд этиш воситалари;

ҳар бир машқнинг ҳамда имтиҳоннинг якуний натижаси бўйича ахборот берувчи дисплей.

15. Амалий имтиҳон ўтказишда фойдаланиладиган махсус транспорт воситаларининг конструкцияларига қўшимча ускуналарни ўрнатиш билан боғлиқ ўзгартиришларнинг киритилиши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

16. Амалий имтиҳон ўтказишда фойдаланиладиган махсус транспорт воситасининг салони имтиҳон олиш жараёнида 360 градус кўринишда узлуксиз ишлайдиган, маълумотларни диспетчерлик (назорат) пунктига узатиб турадиган ва сақлаш имконини берадиган видеокузатув тизими мослашмаси билан жиҳозланади.

III. Автоматлаштирилган имтиҳон тизимига қўйиладиган талаблар

17. Автоматлаштирилган имтиҳон тизими (кейинги ўринларда — АИТ) компьютер жамланмаси (клавиатура ва монитор), марказий бошқарув пулти (кейинги ўринларда — МБП), махсус ускуналар ва интеграциялашган дастурий таъминотдан иборат.

18. АИТ қўйидаги функционал талабларга жавоб бериши керак:

ҳайдовчиликка номзодларни имтиҳондан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатиш учун электрон буюртма (мурожаат)ларни қабул қилиш тизимининг мавжудлиги;

ҳайдовчиликка номзодларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, имтиҳонларни ўтказиш муддатларини белгилаш ва ҳайдовчиликка номзодларни олдиндан хабардор қилиш тизимининг шакллантирилганлиги;

ҳайдовчиликка номзодларни назарий имтиҳондан ўтказиш учун ўқув дастурини қамраб олган электрон (анимацион) тест саволлари тўпламининг шакллантирилганлиги;

ҳайдовчиликка номзодларни идентификация қилиш, назарий ва амалий имтиҳонларни автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш, имтиҳон натижаларини инсон омилисиз баҳолаш, ўтказилган имтиҳон натижалари бўйича электрон баённомаларни шакллантириш ва узатиш тизимларининг мавжудлиги;

имтиҳонлар жараёнини ДЙХХХ органлари томонидан онлайн режимида назорат қилиш ҳамда жамоатчилик эътиборига видеотрансляция қилиш имкониятининг мавжудлиги;

назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган махсус ҳимояланган сертификатларни шакллантириш, сертификатлар реквизитларини давлат хизматлари маркази ҳамда ДЙХХХ органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этиш имкониятларининг мавжудлиги;

амалий имтиҳон ўтказишда фойдаланиладиган автоматлаштирилган махсус транспорт воситалари дастури натижаларининг автоматлаштирилган автодром тизими билан интеграция қилинганлиги;

онлайн тўлов тизимлари билан интеграция қилинганлиги;
ўрнатилган дастурий таъминот ва маълумотларнинг ҳимояланганлиги;
имтиҳонлар жараёнида олинган маълумотларга ҳамда имтиҳон натижаларига ўзгартириш киритиш имкониятининг чекланганлиги;

ўтказилган имтиҳон натижалари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, сақлаш, уларнинг таҳлилларига кўра ўқув муассасалари рейтингини юритиш механизмнинг яратилганлиги;

мазкур бандда назарда тутилган барча жараёнларнинг ДЙХХХ ягона бошқарув маркази томонидан бошқарилиши ва назорат қилиниши.

19. АИТ мурожаат қабул қилинган кундан бошлаб етти иш куни давомида талабгорларга хизмат кўрсатилишини таъминлаши лозим.»;

г) 2-иловада:

1-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Мазкур Низомнинг автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини беришга доир имтиҳонларни ўтказишга тааллуқли нормалари фақат ушбу турдаги фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар мавжуд бўлмаган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар)да амал қилади»;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун фуқаролар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар, мажбурий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар хизмат жойларидаги ҳудудий ЙХХБнинг РвайОБларида имтиҳонлар топширади»

қуйидаги мазмундаги 18¹-банд қўшилсин:

«18¹. Автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини беришга доир имтиҳонларни ўтказиш учун лицензияга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолият кўрсатувчи ҳудудларда имтиҳонлар фақат тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан имтиҳонларни ўтказиш Автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

25, 28, 29 ва 31-бандлардаги «ҳудудий ЙХХБнинг РвайОБда» сўзлари чиқариб ташлансин;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«39. Имтиҳонларни қабул қилиш ва «А», «В», «С», «D», «BE», «CE», «DE» тоифадаги автоматотранспорт воситаларини, шунингдек, трамвай, троллейбусларни бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларни бериш ҳудудий ЙХХБнинг РвайОБлари томонидан амалга оширилади, мазкур Низомнинг 18¹-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

40-бандга «қабул қилади» сўзларидан кейин «Мазкур Низомнинг 18¹-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

49-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«49. Назарий ва амалий имтиҳонларни топширган шахсларга мазкур баённома ёки тегишли лицензияга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан берилган махсус сертификат асосида миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади»;

54-бандда «худудий ЙХХБда» сўзлари чиқариб ташлансин;
д) қуйидаги мазмундаги 2¹-илова қўшилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорига
2¹-ИЛОВА

**Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини
берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун
назарий ва амалий имтиҳонларни тадбиркорлик
субъектлари — юридик шахслар томонидан
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонлар (кейинги ўринларда — имтиҳонлар) ўтказиш билан боғлиқ давлат хизматларининг тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) томонидан кўрсатилиши тартибини белгилайди.

2. Имтиҳонларни ўтказиш ушбу давлат хизматларини кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлов асосида амалга оширилади.

3. Тадбиркорлик субъектларида «А», «В», «С», «D», «BE», «CE» ва «DE» тоифали транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун имтиҳонлар ўтказилади.

4. Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
тартиби**

5. Автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш истагида бўлган шахс (кейинги ўринларда — ариза берувчи шахс) имтиҳонларни

ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган тадбиркорлик субъектига бевосита ёки онлайн мурожаат (кейинги ўринларда — ариза) қилади.

6. Ариза берувчи шахс «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида белгиланган ёшга тўлган бўлиши ва қуйидаги ҳужжатларни қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этиши керак:

а) ариза (шакли тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланади ва у ахборот стендида ёки веб сайтда жойлаштирилади);

б) фуқаролик паспорти ёки унинг ўрнини босувчи (шахсини тасдиқловчи) бошқа расмий ҳужжат нусхаси;

в) соғлиғи ва тегишли тоифадаги автотранспорт воситаларини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома нусхаси;

г) тегишли тоифадаги автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш (қайта тайёрлаш) ўқув дастури бўйича ўқишни тугатганлиги ҳақида ягона намунадаги гувоҳнома нусхаси (ушбу банднинг «д» кичик бандида назарда тутилган шахслардан ташқари);

д) автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш бўйича тасдиқланган ягона ўқув дастурига киритилган фанларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини тақозо этган ихтисосликлар бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тугатганлиги тўғрисидаги диплом ва ўқув дастуридаги фанларни ўзлаштирганлиги тўғрисидаги диплом иловасининг нусхалари (ушбу банднинг «г» кичик бандида назарда тутилган шахслардан ташқари);

е) ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахслар ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, қўшимча тоифа олиш ва мавжуд тоифа бўйича малакасини тасдиқлаш учун имтиҳондан ўтказилиши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда мазкур банднинг «а», «б» ва «в» кичик бандларида белгиланган ҳужжатлар билан бирга ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхаси;

ж) транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиладиган ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда мавжуд банднинг «а», «б» ва «в» кичик бандларида белгиланган ҳужжатлар билан бирга ваколатли ички ишлар органининг имтиҳонга йўлланмаси нусхаси.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ариза берувчи шахс «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида белгиланган ёшга тўлган бўлишига доир талабдан четга чиқилиши мумкин.

7. Ариза тушган вақтдан бошлаб 24 соат ичида (иш куни бўлмаган кунлар бундан мустасно) тадбиркорлик субъектининг масъул ходими томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича ариза берувчи шахснинг электрон манзили (ёки телефон рақами)га имтиҳонларни ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш вақти, шартлари ва тўлов миқдори тўғрисида электрон хабар юборилади.

8. Ариза берувчи шахс томонидан имтиҳонларни ўтказиш бўйича дав-

лат хизматларини кўрсатиш учун белгиланган тўловнинг амалга оширилиши унинг давлат хизматларини кўрсатиш шартларига розилигини ифодалайди. Тўлов тасдиқлангач, имтиҳонларни топшириш вақти резерв қилинади.

9. Имтиҳонлар учун резерв қилинган вақтга ўзгартириш киритиш (фақат бошқа кунга кечиктириш) ариза берувчи шахс томонидан давлат хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектининг веб-сайтида амалга оширилиши мумкин. Имтиҳонлар учун резерв қилинган вақтга 24 соатдан кам вақт қолган ҳолатлар бундан мустасно.

10. Форс-мажор ҳолатларда давлат хизматлари кўрсатилишининг кечиктирилиши ҳақида ариза берувчи шахсга 24 соат ичида электрон хабар берилади.

Форс-мажор ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг ариза берувчи шахсга имтиҳонлар учун резерв қилинган вақт тўғрисида икки иш куни ичида электрон хабар берилади.

11. Давлат хизматларини кўрсатиш рад этилганида ариза берувчи шахсга рад этиш сабаблари асосланган ва қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда электрон хабар берилади.

3-боб. Имтиҳонларни ўтказиш тартиби

12. Тадбиркорлик субъектининг веб-сайти орқали муружаат этган ва давлат хизматини кўрсатиш шартлари асосида белгиланган тўловни амалга оширган ариза берувчилар (кейинги ўринларда — ҳайдовчиликка номзодлар) имтиҳонларга киритилади.

13. Имтиҳон топшириш учун белгиланган (резерв қилинган) вақтда белгиланган манзилга келган ҳайдовчиликка номзодлар мазкур Низомнинг 5-банди «б» — «ж» кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар имтиҳон ўтказишга доир иш юритиш ҳужжатларидаги маълумотлар билан таққосланиб, сўнгра эгасига қайтарилади.

14. Имтиҳонлар автоматлаштирилган имтиҳон тизими (кейинги ўринларда — АИТ)да аввал назарий, сўнг амалий кетма-кетликда ўтказилади.

15. Назарий имтиҳонда ҳайдовчиликка номзоднинг йўл ҳаракати қоидалари ва ўқув дастурида назарда тутилган бошқа фанлар бўйича билимлари, амалий имтиҳонда эса автомототранспорт воситасини бошқариш кўникмалари синовдан ўтказилади ва баҳоланади.

16. Назарий имтиҳонни топшира олмаган шахс амалий имтиҳонга қўйилмайди, назарий имтиҳон ўтказилиши назарда тутилмаган ҳолатлар бундан мустасно. Такрорий имтиҳонлар олдингисидан камида етти кундан кейин ўтказилиши мумкин.

17. Назарий имтиҳонларда олинган ижобий баҳо икки ой давомида ҳақиқий ҳисобланади. Агар ҳайдовчиликка номзод ушбу муддатда амалий имтиҳонларни топшира олмаса, унинг назарий имтиҳонда олган ижобий баҳоси ҳам бекор қилинади.

18. Ҳайдовчиликка номзоднинг назарий ва амалий имтиҳонлари нати-

жалари бўйича ҳайдовчининг имтиҳон варақаси ва имтиҳон натижалари баённомаси автоматик тарзда электрон кўринишда шакллантирилади.

Ҳайдовчининг имтиҳон варақаси ва имтиҳон натижалари баённомаси ушбу Низомга 2-3-иловаларга мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

19. Назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган ҳайдовчиликка номзодларга ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ махсус сертификат расмийлаштириб берилади.

Махсус сертификатнинг барча реквизитлари ички ишлар органлари ва давлат хизматлари марказларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этилади.

Махсус сертификат берилган кундан бошлаб бир йил давомида ваколатли давлат органида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

1-§. Назарий имтиҳонни ўтказиш тартиби

20. Назарий имтиҳон АИТнинг назарий имтиҳон олиш зали (хонаси)-да жойлаштирилладиган автоматлаштирилган иш жойи (имтиҳон кабинаси)-дан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

21. Назарий имтиҳон тест шаклида ўтказилади.

22. Назарий имтиҳонни ўтказишда имтиҳон топширувчи ҳайдовчиликка номзод АИТ томонидан белгиланадиган автоматлаштирилган иш жойи (кейинги ўринларда — АИЖ)ни эгаллайди.

23. Назарий имтиҳон бошланишидан олдин АИЖ мониторида:

ушбу АИЖнинг рақами;

имтиҳон қайси тоифадаги автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини бериш учун топшириладиганлиги;

ҳайдовчиликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми (бор бўлса), туғилган йили кўрсатилади.

24. Назарий имтиҳон 20 та электрон (анимацион) тест саволларидан тузилган, ҳар бир саволга 2 — 5 та жавоб вариантлари келтирилган, жавоблардан 1 таси тўғри бўлиши керак.

25. Ҳайдовчиликка номзоднинг хоҳишига кўра назарий имтиҳон ўзбек, рус ва қорақалпоқ (Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида) тилларидан бирида топширилиши мумкин. Агар бошқа хорижий тилда назарий имтиҳон топшириш зарурати пайдо бўлса, таржимон ёллашга рухсат этилади.

26. Имтиҳон саволлари АИТда шакллантирилади ҳамда ҳайдовчиликка номзод томонидан АИЖ клавиатурасидаги тегишли клавиш босилгач, монитор экранига чиқади.

27. Имтиҳон саволларига жавоб бериш (тўғри жавоб вариантини танлаш) учун ҳайдовчиликка номзодга 25 дақиқа вақт берилади. Имтиҳон хронометражи АИТ томонидан юритилади, ушбу вақт тугагач, имтиҳон автоматик тарзда тўхтатилади.

28. Имтиҳон саволларига жавоб бериш кетма-кетлиги ҳайдовчиликка номзод томонидан ихтиёрий равишда танланади.

29. Имтиҳон жараёнида клавишни бехосдан босиб юбориш оқибатида

юз бериши мумкин бўлган мунозарали ҳолатларнинг олдини олиш учун имтиҳон топшираётган ҳайдовчиликка номзод клавишни такрорий босиш орқали ўзи танлаган жавоб вариантларини тасдиқлайди.

30. Имтиҳон топширувчи ҳайдовчиликка номзод томонидан барча имтиҳон саволларига жавоб бериб бўлинганда ёки имтиҳонга ажратилган вақт якунига етганида назарий имтиҳон натижаси, барча саволларга берилган жавобларнинг тўғри/нотўғрилиги ва сарфланган вақтга доир маълумот монитор экранига чиқарилади. Экрanga, шунингдек, ўтказилган имтиҳон натижалари бўйича АИТда шакллантирилган имтиҳон варақасининг электрон шакли ҳам чиқарилади.

31. Назарий имтиҳон натижалари АИТ томонидан автоматик тарзда баҳоланади. Бунда ҳайдовчиликка номзод имтиҳон учун ажратилган вақтда имтиҳон саволларининг:

18 та ва ундан кўпига тўғри жавоб берса — «топширди»;

18 тадан камига тўғри жавоб берса — «топширмади» якуний баҳоси АИТ томонидан автоматик тарзда қўйилади.

32. Имтиҳон топшириш жараёнида ҳайдовчиликка номзодларга бирор-бир адабиёт, мобил алоқа, техник ёки бошқа ахборот воситасидан фойдаланишга, имтиҳон ўтказиш жараёнига дахлдор бўлмаган шахслар ҳамда бошқа ҳайдовчиликка номзодлар билан мулоқотга киришишга рухсат этилмайди.

Бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда, имтиҳон АИТ (ДЙХХХ масъул ходими, кузатувчи, оператор) томонидан тўхтатилади (агар имтиҳонлар якуни бўйича электрон баённома чоп этилган тақдирда, ДЙХХХ масъул ходими томонидан мазкур баённома ҳақиқий эмас деб топилиб бекор қилинади), уни содир этган имтиҳон топширувчи ҳайдовчиликка номзод имтиҳондан четлаштирилиб, «топширмади» якуний баҳоси қўйилади.

33. Назарий имтиҳон жараёнида АИТда носозликлар мавжудлиги аниқланганда (ёки юзага келганда) ҳайдовчиликка номзодларга қўйилган якуний баҳо бекор қилиниб, имтиҳон носозлик бартараф этилгандан сўнг такроран (янгидан) ўтказилади.

34. Назарий имтиҳон натижаси бўйича ҳайдовчининг имтиҳон варақаси ва имтиҳон натижалари баённомаси автоматик тарзда электрон кўринишда шакллантирилади, QR код билан тасдиқланади, ҳайдовчининг имтиҳон варақаси қоғозга чоп этилиб, имтиҳон топширган ҳайдовчиликка номзодга тақдим этилади. Назарий имтиҳонни муваффақиятли топширган ҳайдовчиликка номзодларнинг амалий имтиҳонни топшириш муддати (навбати) ва вақти АИТда автоматик тарзда белгиланади.

2-§. Амалий имтиҳонни ўтказиш тартиби

35. Амалий имтиҳон тегишли (имтиҳон қайси тоифали автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини олиш учун топшириладиган бўлса) тоифага мансуб бўлган ҳамда бажарилган амалий бошқарув машқлари натижаларини автоматик тарзда қайд этиб боровчи қурилмалар билан жиҳоз-

ланган махсус автотранспорт воситасида (кейинги ўринларда — автоматлаштирилган махсус транспорт воситаси) ўтказилади.

36. Барча тоифадаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи учун амалий имтиҳон автоматлаштирилган автодром шароитида синовдан ўтказилади ва баҳоланади.

37. Амалий имтиҳон ўтказиладиган транспорт воситаларининг жиҳозланиши ҳамда автоматлаштирилган автодром Автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ тасдиқланган Автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказишда фойдаланиладиган объектларнинг жиҳозланишига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

38. Автотранспорт воситалари тоифалари бўйича амалий имтиҳонда бажариладиган синов машқлари рўйхати тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқилиб, ЎХХББ билан келишилади ва тадбиркорлик субъекти раҳбари томонидан тасдиқланади.

39. Амалий имтиҳон олиш жараёнида бажарилган ҳар бир синов машқ ҳамда якуний натижаларнинг инсон омилисиз баҳоланиши, уларга ўзгартириш киритиш имкониятининг тўлиқ чекланганлиги АИТда автоматик назорат қилинади.

40. Амалий имтиҳонлар йўл ҳаракати қоидалари талабларига мувофиқ бўлган, бошқаришни ўргатиш учун мўлжалланган механик транспорт воситаларида ўтказилади.

Амалий имтиҳон олинадиган транспорт воситасининг техник ҳолати имтиҳон бошланишидан олдин тадбиркорлик субъектининг масъул ходими томонидан назоратдан ўтказилади, бу ҳақида транспорт воситасининг йўл варақасига тегишли белги қўйилади.

41. Автоматлаштирилган автодромда юзага келган техник носозликлар сабабли узоқ (етти кундан кўп) муддат автоматлаштирилган автодром тизимида имтиҳон олиш имкони бўлмаган тақдирда, амалий имтиҳонлар Давлат таълим муассасалари ва автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

Бундай имтиҳонлар тадбиркорлик субъектининг объектларида (автодромида) ўтказилган тақдирда, имтиҳон комиссияси таркибига автоматлаштирилган автодромнинг ходими (ҳайдовчи инструктор, уста) киритилади.

42. Амалий имтиҳонларни бошлашдан олдин автоматлаштирилган ав-

тодромнинг созлиги, йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларининг тўлиқ ва тўғри ўрнатилганлиги, созлиги АИТдаги тегишли тест дастурлари ёрдамида текширилади.

43. Автоматлаштирилган автодромда бажариладиган синов машқларини ўтказиш (бажариш кетма-кетлиги, натижаларини баҳолаш мезонлари) тартиби тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқилиб, ДЙҲХХ билан келишилади ва тадбиркорлик субъекти раҳбари томонидан тасдиқланади. (ДЙҲХХ билан келишиш жараёнида аввалги рад этиш сабабларидан бошқа сабабларни важ қилиш тақиқланади).

44. Транспорт воситасини амалий бошқариш бўйича кўникмаларни автоматлаштирилган автодром шароитида баҳолаш ҳайдовчиликка номзоднинг синов машқларини бажариши натижаларига кўра АИТ томонидан инсон омилисиз амалга оширилади.

45. Автоматлаштирилган автодром ва тизимларининг созлиги автоматик тарзда узлуксиз назорат қилиниши, носозликлар юзага келганда бу ҳақидаги маълумот (ахборот, ишора) автодром диспетчерлик пункти ишчи ўрнидаги мониторга чиқарилиши, амалий имтиҳонлар носозлик бартараф этилгунга қадар тўхтатилиши, яқунланмаган синов машқлари натижалари бекор қилиниши керак.

46. Ўтказилган амалий имтиҳонларнинг якуний натижасига кўра ҳайдовчиликка номзоднинг транспорт воситасини бошқариш кўникмаси АИТ томонидан автоматик тарзда қуйидагича баҳоланади: ижобий натижа бўйича «топширди», салбий натижага эса «топширмади».

47. Ҳайдовчиликка номзоднинг ўтказилган амалий имтиҳон бўйича баҳоси АИТда бир йил муддат сақланади, ҳайдовчининг имтиҳон варақаси ва имтиҳон натижалари баённомаси автоматик тарзда электрон кўринишда шакллантирилади, QR код билан тасдиқланади, ҳайдовчининг имтиҳон варақаси қоғозга чоп этилиб, имтиҳон топширган ҳайдовчиликка номзодга тақдим этилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

48. Тадбиркорлик субъекти томонидан автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш бўйича хизматлар тўловлар асосида кўрсатилади.

49. Имтиҳон ўтказиш учун ундириладиган тўлов миқдори тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.

50. Мазкур Низомнинг 41-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъектининг объектларида ўтказиладиган имтиҳонлар учун тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

51. Тўлов ҳар бир имтиҳон учун алоҳида олдиндан амалга оширилади. Ҳайдовчиликка номзоднинг тўловни амалга оширгани ахборот тизимлари орқали текширилиб, тасдиқлангач у имтиҳонга киритилади.

52. Ўтказилган имтиҳон натижаларидан қатъи назар, тўловлар қайтарилмайди. Ҳайдовчиликка номзод имтиҳон учун белгиланган (резерв қилинган) вақтда имтиҳонга узрли сабабларсиз (касаллик ёки ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа ҳолатларда) келмаса ёки кеч қолса, давлат хизмати қўрсатилган ҳисобланади. Узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда тўлов тўланган ҳисобланади ҳамда имтиҳонни қайта топширишга рухсат этилади.

53. Қўрсатилган хизматлар учун тўловлардан тушган маблағлар тўлиқ ҳажмда тадбиркорлик субъекти ихтиёрида қолади.

54. Тадбиркорлик субъектлари томонидан имтиҳонларни ўтказиш бўйича давлат хизматларини қўрсатишга доир тартиб-таомиллар (мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, кўриб чиқиш, имтиҳонларни ташкил этиш, ўтказиш, баҳолаш мезонлари, ахборот алмашинуви, иш юритиш ва бошқа маъмурий таомиллар) мустақил ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Мазкур Низомнинг 18, 38 ва 43-бандларида белгиланган нормалар ваколатли ички ишлар органи билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилади.

55. Мазкур Низом қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

е) 3-иловининг 24-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Ўқув ташкилотининг автотототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш якуни бўйича битириш имтиҳонларини ижобий топширган номзодлар миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонлар топширади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

233 Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизими- ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Корпоратив бошқарувда ички назорат тизимини самарали ташкил қилиш ва ички аудит хизматини малакали мутахассислар билан бутланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, жумладан:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 майда эълон қилинган.

талабгорга қўйиладиган малака талаблари;
сертификат олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби;

сертификат олиш учун малака имтиҳонини топшириш, сертификатни расмийлаштириш ва бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ҳамда амал қилишини тугатиш тартиби;

ички аудиторлар реестирини юритиш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 май,
280-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 майдаги 280-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қоидалари тижорат банклари ва бюджет ташкилотларига татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ички аудитор — ички аудитор сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

ички аудитор сертификати (кейинги ўринларда — Сертификат) —

ички аудит хизматида фаолият олиб бориш учун ички аудиторнинг профессионал малакасини тасдиқловчи ҳужжат;

малака имтиҳони — талабгорнинг билим даражаси ички аудиторга қўйилган талабларга мос келишини текширишга йўналтирилган, малака имтиҳони комиссияси томонидан тест синови шаклида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган имтиҳон;

талабгор — ички аудитор сертификатини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга даъвогар жисмоний шахс;

халқаро сертификат — «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)», «Бирлашган дипломли бухгалтерлар (ACA)», «Дипломли ички аудитор (CIA)», «Бошқарув ҳисоби бўйича сертификат (CIMA)», «Молиявий ташкилотлар дипломли аудитори (CFSA)», «Давлат ташкилотининг дипломли аудитори (CGAP)» ва «Рискни бошқаришни баҳолаш бўйича дипломли мутахассис (CRMA)» сертификати.

3. Сертификат, башарти талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширса, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан берилади.

Сертификат ички аудиторнинг профессионал малакасини тасдиқлайди ва сертификат эгасига тадбиркорлик субъектларининг ички аудит хизматида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Сертификат дастлаб беш йиллик муддатга берилади, унинг амал қилиши навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга узайтирилиши мумкин.

4. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари (Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон аудиторлар палатаси):

малака имтиҳонини ўтказишни ташкил қилади, шунингдек, ўзларининг веб-сайтларига малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги ахборотни жойлаштиради;

тест саволларига киритилган фанлар бўйича мавзуларни веб-сайтига жойлаштиради;

малака оширишнинг намунавий дастурини тасдиқлайди;

талабгорларни малака имтиҳонига қўйиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

5. Сертификат эгаси сертификатини олган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланган малака ошириш намунавий дастури бўйича 20 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш курсларини ўтиши шарт.

Халқаро сертификат эгаси бўлган ички аудитор ўз танловига кўра намунавий дастур бўйича ёки халқаро сертификат дастури доирасида малака ошириш курсларидан бирини ўтиши мумкин.

Ички аудиторлар малакасини ошириш бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро ташкилотларда аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади.

Ички аудитор йил якунлари бўйича унинг малака ошириш курсларидан

ўтганлигини тасдиқловчи маълумотни ҳар йили 10 январга қадар сертификатни берган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига тақдим этади.

6. Малака имтиҳонини ўтказувчи комиссия (кейинги ўринларда — комиссия) таркибига аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари вакиллари ва бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқ ва хўжалик ҳуқуқи соҳаларининг етакчи мутахассислари киритилади.

7. Комиссия аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан камида бешта аъзодан, шу жумладан, комиссия раисидан иборат таркибда тузилади.

8. Сертификат олиш, унинг амал қилишини узайтириш, қайта расмийлаштириш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун талабгор томонидан мазкур Низомда белгиланган миқдорларда йиғим тўланади.

Йиғим талабгор томонидан ҳужжат топширилган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси ҳисобварағига ўтказилади ва малака имтиҳонини ташкил қилиш, сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун сарфланади. Йиғим тўлаш учун банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари веб-сайтларига жойлаштирилади.

9. Ички аудитор сертификатини бериш мазкур Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Талабгорга қўйиладиган малака талаблари

10. Сертификат олишга талабгор қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) олий маълумотга ҳамда олий таълим муассасасини битирганидан кейин охириги ўн йилдан камида икки йил бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ маслаҳати ва молия соҳасида ёки олий таълим муассасаларида «Бухгалтерия ҳисоби» ёхуд «Аудит» фанидан таълим бериш соҳасида амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида);

б) халқаро сертификат доирасида «Молиявий ҳисоб» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлиш.

Иқтисодий ихтисосликлар бўйича илмий даражаси бўлган ёки «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» ихтисосликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган талабгор учун амалий иш стажи талаб этилмайди.

11. Талабгор қўйидагилардан бирига эга бўлган тақдирда сертификатни бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш малака имтиҳони топширилмасдан амалга оширилади:

аудитор малака сертификати (ариза берилган санада аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашига камида 6 ой вақт қолган бўлса) мавжуд бўлса;

халқаро сертификати (бунда олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб, белгиланган даврийликда халқаро сертификат доирасида малака оширилганини тасдиқловчи ҳужжат) мавжуд бўлса;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МХХС) бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлса;
камида ўн йил узлуксиз ички аудитор иш стажи мавжуд бўлса.

3-боб. Сертификат олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

12. Сертификат олиш учун талабгор аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига мазкур Низомга 2-иловада* келтирилган шаклдаги аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилинган ҳолда тақдим этади:

паспорт ёки идентификация ID-картаси нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг ёхуд хорижий мамлакатларда олинган олий маълумот ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги ваколатли давлат органи томонидан берилган гувоҳнома нусхаси;

меҳнат дафтарчаси нусхаси (ўриндошлик асосида иш стажи мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган бўлиши лозим) ёки меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма;

халқаро сертификат доирасида «Молиявий ҳисоб» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (бундан мазкур Низомнинг 11-бандида қайд этилган талабгорлар мустасно);

икки дона фотосурат (3 x 4 см ўлчамда);

белгиланган даврийлик билан малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, халқаро сертификат ёки аудитор малака сертификати нусхаси ёхуд бухгалтерларни халқаро сертификатлаш дастури доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

13. Талабгордан мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилади.

4-боб. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби

15. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари ариза келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунида талабгорнинг малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Қуйидаги ҳолларда талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат берилмайди:

мазкур Низомнинг 10-бандида белгиланган малака талабларига жавоб бермаса;

мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ёки тўлиқ ҳолда тақдим этилмаганда.

17. Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда уч иш кун ичида талабгор ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

Рад этиш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга ўн кун муддат берилади.

Талабгор томонидан малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилган ҳолда қайта тақдим этилган ҳужжатлар уч кун ичида кўриб чиқилади. Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилган ҳолда тақдим этилган аризани кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Рад этиш учун асос бўлган камчиликлар ўн кун ичида бартараф этилмаган тақдирда, талабгорнинг аризаси янгидан тақдим этилган деб ҳисобланади.

18. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорларнинг тасдиқланган рўйхати аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан имтиҳон комиссиясига топширилади.

19. Гуруҳлар талабгорларнинг аризаларини рўйхатга олиш кетма-кетлигида шакллантирилади (бир гуруҳда камида 10 киши ва кўпи билан 20 киши). Малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

20. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар рўйхатини гуруҳлар кеси-мида шакллантириб, малака имтиҳони ўтказиладиган санадан камида ўн беш кун олдин имтиҳон ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги хабарномани аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари веб-сайтларига жойлаштиради ҳамда ҳар бир талабгорни электрон алоқа воситалари орқали хабардор қилади.

5-боб. Сертификат олиш учун малака имтиҳонини топшириш тартиби

21. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари малака имтиҳонини ўтказиш мақсадида:

талабгорларни рўйхатдан ўтказиш;

малака имтиҳонини ўтказиш учун жиҳозланган хонани зарурий техника воситалари билан таъминлайди;

малака имтиҳонини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва материаллар сақланишини таъминлайди;

малака имтиҳонини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

22. Талабгорлар малака имтиҳонига паспорти ёки идентификация ID-картаси ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида киритилади. Шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ёки малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар имтиҳонга келмаган деб ҳисобланади ва улар навбатдаги имтиҳон топширишга рухсат бериладиган шахслар рўйхатига киритилади.

23. Агарда талабгор республика жамоат бирлашмаларига ҳужжатларни топширган санадан кейин икки маротаба малака имтиҳонини топширишга келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтарилади. Бунда аризани кўриб чиқиш учун тўланган йиғим қайтариб берилмайди.

24. Малака имтиҳони тест синови усулида ахборот-технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун уч соат вақт берилади.

Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеоёзувга туширилади.

25. Тест синови қуйидаги бўлимлар бўйича 60 та саволдан иборат бўлади:

корпоратив молия;

бошқарув ҳисоби;

ички аудит;

солиққа тортиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

26. Тест саволларини шакллантириш тартиби аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан белгиланади.

27. Малака имтиҳони ўтказилаётган пайтда қонун ҳужжатлари, йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан, уяли телефондан ёки бошқа ахборот технология воситаларидан (шу жумладан, калькулятор сифатида) фойдаланиш, бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш тақиқланади.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланади.

Ўзи билан бирга ичимлик суви, дори ва малака имтиҳонини топшириш учун зарур бўлган бошқа воситалар (кўзойнак, линзалар) бўлишига рухсат этилади. Талабгорнинг барча шахсий буюмлари, шу жумладан, уяли телефон ёки бошқа ахборот технология воситалари (ўчирилган ҳолатда) махсус ажратилган жойда сақланади.

28. Малака имтиҳони натижалари имтиҳон ўтказилган куни малака имтиҳони комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

29. Малака имтиҳон натижалари аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг веб-сайтига имтиҳон ўтказилганидан кейин икки иш кунида эълон қилинади.

30. Талабгорнинг тўғри жавоблари малака имтиҳонидаги тест саволлари сонининг камида 75 фоизини ташкил қилса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

31. Бегона шахсларнинг малака имтиҳонида қатнашишига рухсат этилмайди.

32. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорларга йиғим қайтариб берилмайди.

33. Малака имтиҳонини топшириш натижалари салбий баҳоланган талабгорнинг ҳужжатлари унга қайтарилмайди.

34. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорлар малака имтиҳонини топшириш учун ҳужжатларни мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тартибда қайта тақдим этишга ҳақлидир.

35. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан берилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда комиссиянинг йиғилиш баённомалари беш йил мобайнида аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларида сақланади.

6-боб. Сертификатни расмийлаштириш ва бериш тартиби

36. Малака имтиҳони натижалари комиссия баённомаси билан расмийлаштирилади ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларига топширилади.

37. Сертификат малака имтиҳонида қатнашиш учун ариза топширилган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан берилади.

38. Сертификат мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қиладди. Сертификат аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасининг расмий қисқартирилган номидан кейин оралиқ бўшлиқларсиз (X...X 000000 кўринишида) кетма-кетликда рақамланади.

39. Сертификат аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг QR — коди (матрик штрихли коди) қўйилган ҳолда расмийлаштирилади ва у ички аудиторлар реестрига киритилади.

40. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари белгиланган тартибда берилган ва қайта расмийлаштирилган сертификатлар ҳисобини юритади.

41. Сертификат малака имтиҳони комиссиясининг баённомалари олинганидан кейин уч кун ичида расмийлаштирилади ва сертификат эгасига берилади.

42. Сертификат дастлаб беш йиллик муддатга талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда ёхуд мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган мезонларнинг бирортасига жавоб берадиган талабгорларга малака имтиҳони топширилмасдан берилади.

7-боб. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш тартиби

43. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин, бироқ сертификатнинг амал қилиш муддати тугашидан олти ойдан кўп бўлмаган

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муддатда, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан мазкур Низомга 2-иловада келтирилган шаклдаги аризага қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қилади:

сертификатнинг асл нусхаси;

хар йили малака ошириш курсларидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

белгиланган даврийлик билан малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, халқаро сертификат ёки аудитор малака сертификати нусхаси ёхуд бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

меҳнат дафтарчаси нусхаси (ўриндошлик асосида ички аудитор иш стажини мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган бўлиши лозим) ёки меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма;

аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

44. Дастлабки беш йиллик муддат тугагандан сўнг сертификатнинг амал қилиш муддатини навбатдаги ўн йилга узайтириш малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда ёхуд талабгор мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган мезонларнинг бирортасига жавоб берганда малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

Сертификатни кейинги муддатсиз даврга узайтириш талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширганда ёхуд у мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган мезонларнинг бирортасига мос бўлганда малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

45. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун ҳужжатлар мазкур Низомнинг 43-бандига мувофиқ тақдим этилганда, сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза тақдим этилган санадан бошлаб сертификатнинг амал қилиш муддати тугайдиган санагача бўлган вақт оралиғи ички аудитор сифатида узлуксиз иш стажини ҳисоблашда инобатга олинади.

Ички аудитор лавозимига тайинлашлар оралиғидаги вақт бир ойдан ошмаган бўлса, ушбу давр ички аудитор сифатидаги узлуксиз иш стажини аниқлашда узилиш деб ҳисобланмайди.

46. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш мазкур Низомнинг 43 — 45-бандларидаги меъёрларга риоя этилганда амалга оширилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати сертификатда кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб узайтирилади.

47. Талабгор сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун малака имтиҳонидан ўта олмаган тақдирда, сертификатни қайтадан бериш мазкур Низом асосида амалга оширилади.

Агарда талабгор, мазкур Низомда назарда тутилган тартибда хабардор қилинганидан сўнг, сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун

малака имтиҳонини топширишга келмаса, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин тақдим этилган ҳужжатлар (сертификатнинг асл нусхасидан ташқари) қайтарилади. Бунда аризани кўриб чиқиш учун тўланган йиғим қайтариб берилмайди.

48. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш илгари берилган сертификатга тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун унда ажратилган тегишли реквизитлар тўлган бўлса, илгари берилган рақам билан янги сертификат берилади. Янги сертификатнинг пастки ўнг бурчагига илгари берилган сертификат ҳақидаги ахборотлар ёзиб қўйилади.

49. Сертификат эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан сўнг бир ой ичида сертификатни берган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига мазкур Низомга 2-иловада келтирилган шаклда сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

Бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган сертификатнинг асл нусхаси билан бирга иккита фотосурат (3 x 4 ҳажмдаги) ва тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

Сертификатни қайта расмийлаштириш учун талабгордан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

50. Сертификат ариза топширилган кундан бошлаб беш иш куни ичида илгари берилган сертификат рақами ва амал қилиш муддати билан қайта расмийлаштирилади.

8-боб. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш

51. Сертификатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади: сертификат эгаси томонидан сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза тақдим этилганда;

сертификат эгаси вафот этганда;

сертификат эгаси ҳар йилги малака ошириш курсидан ўтмаганда;

сертификат эгаси сертификат расмийлаштирилган санадан эътиборан олти ой мобайнида сертификатни олиш учун келмаганда;

сертификат эгаси томонидан ички аудит хизматидаги фаолияти мобайнида олинган конфиденциал ахборот хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

сертификат эгасини белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирганда;

аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг сертификат бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги ҳолати аниқланганда;

сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги исботланганда.

52. Сертификатнинг амал қилиши аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси қарори билан тугатилади. Сертификатнинг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

53. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

54. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси веб-сайтида эълон қилиниши керак.

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор беш иш куни ичида сертификат эгасига юборилади.

9-боб. Ички аудиторлар реестрини юритиш тартиби

55. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан ички аудиторлар реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади: ички аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми; жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами; паспорт ёки идентификация ID-картаси маълумотлари ва яшаш манзили; иш жойи; сертификатнинг рақами, берилган санаси; сертификат олган шахснинг фамилияси, исми ва имзоси, шунингдек, сертификат олинган сана;

ҳар йилги малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

аудиторнинг малака сертификати, халқаро бухгалтер сертификатининг (мавжуд бўлган тақдирда) номи ва берилган санаси;

сертификатнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тугатилганлиги ва қайта расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

56. Ички аудиторлар реестрдаги қуйидаги маълумотлар аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси веб-сайтига жойлаштирилади ва барчанинг танишиши учун очиқ ҳисобланади:

ички аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

сертификатнинг рақами, берилган санаси;

сертификатнинг амал қилиш муддати;

ички аудиторларнинг малака оширганлиги тўғрисидаги маълумотлар (йил якунларига кўра);

сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумотлар.

10-боб. Якунловчи қоидалар

57. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

58. Аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг мазкур Низом талабларига риоя этишлари устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 майдаги 280-сон қарорига
2-ИЛОВА

Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банднинг бешинчи хатбошидан «ташқи» сўзи чиқариб ташлансин.
2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«6. Ички аудит хизмати ходимлари ички аудиторнинг малака сертификатиغا эга бўлиш шарт».
3. 12 ва 13-бандлардаги «бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари «йиғимлар» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

234 Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқ- ланма зоналарини белгилаш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида*

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ экологик туризмни ривожлантириш, камёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 мартдаги ПҚ–4247-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 майдаги 332-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ҳамда Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг Зомин давлат қўриқхонаси (4 016,4 га), Нурота давлат қўриқхонаси (20 312,87 га), Қизилқум давлат қўриқхонаси (3 104 га), Сурхон давлат қўриқхонасига

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 майда эълон қилинган.

(16 695 га) туташ ҳудудларида уларнинг қўриқланма зонасини ташкил қилиш, шунингдек, Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида жойлашган (395,6 га) «Зараутсой қоятош суратлари» объектини қўриқхона ҳудудидан унинг қўриқланма зонасига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Зомин давлат қўриқхонасининг қўриқланма зонаси майдони 1-иловага* мувофиқ;

Нурота давлат қўриқхонасининг қўриқланма зонаси майдони 2-иловага* мувофиқ;

Қизилқум давлат қўриқхонасининг қўриқланма зонаси майдони 3-иловага* мувофиқ;

Сурхон давлат қўриқхонасининг қўриқланма зонаси майдони 4-иловага* мувофиқ;

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудидан унинг қўриқланма зонасига ўтказилаётган «Зараутсой қоятош суратлари» объекти майдони 4а-иловага* мувофиқ;

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналари тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

қўриқхоналарнинг қўриқланма зонасидаги ерлар ушбу зоналарда жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади;

Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудидан унинг қўриқланма зонасига ўтказиладиган «Зараутсой қоятош суратлари» объекти ушбу қўриқхонанинг доимий фойдаланишида қолдирилади.

4. Давлат экология қўмитаси икки ой муддатда Ҳисор, Зомин, Қизилқум, Сурхон ва Нурота давлат қўриқхоналарининг қўриқланма зоналари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари 2021 йил якунига қадар Давлат экология қўмитаси ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ҳудудларидаги мавжуд буюртма қўриқхоналар ва табиат ёдгорликларининг қўриқланма зоналарини белгиласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар:

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Зараутсой қоятош суратлари» объектида;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қўриқхоналарнинг қўриқланма зоналарида зиёрат ва экологик туризмни ташкил қилиш учун зарур инфратузилмани яратишга инвесторлар ва грантларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекис-

* 1 — 4а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси А.И. Мақсудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 май,
282-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 майдаги 282-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма
зоналари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликлари (кейинги ўринларда — муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар)нинг қўриқланма зоналарини белгилаш ҳамда режимини ўрнатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар билан чегарадош ҳудудлар, шу жумладан, уларнинг ҳудудий қисмлари оралиғида жойлашган ҳудудлар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналари ҳисобланади.

Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналари Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий аҳамиятга молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида белгиланади.

Муқаддам ташкил этилган, лекин ташкил этиш даврида қўриқланма зоналари белгиланмаган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (давлат қўриқхоналаридан ташқари) қўриқланма зоналарининг ўлчамлари ва режими, шунингдек, ер участкаларини сақлаш вазифаси махсус ваколатли давлат органларининг ёки мазкур ҳудудлар қайси юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлса, шу юридик ва жисмоний шахсларнинг тақдимномасига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Қўриқланма зоналарнинг белгиланиши билан боғлиқ харажатлар мазкур ҳудудлар қайси давлат органи, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлса, шу давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қопланади.

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд қўриқланма зонасининг ўлчамлари, чегаралари ва режими муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгиланади.

Қўриқланма зонасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари давлат экологик экспертизаси ҳулосасига асосан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг табиий объектлари ва мажмуаларини муҳофаза қилиш мақсадида умумдавлат аҳамиятга молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналари чегаралари Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий аҳамиятга молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналари чегаралари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

4. Қўриқланма зона ҳудудидаги ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ер майдонларидан фойдаланишда қўриқланма зона режимига риоя этишлари шарт.

Қўриқланма зонада жойлашган юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалари олиб қўйилмайди. Бунда юридик ёки жисмоний шахслар қўриқланма зонанинг режимини мунтазам бузса, маъмурий жавобгарликка тортилса ва ушбу шахсларга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилганда, уларнинг муддатли ёки доимий фойдаланишдаги ер участкалари ёхуд уларнинг бир қисми белгиланган тартибда олиб қўйилиши мумкин.

5. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд қўриқланма зонасида ер эгалари, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ёки ўрмон хўжалиги органлари томонидан қўйидагилар таъминланади:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг табиий объектлари ва мажмуаларига ҳар қандай салбий таъсирнинг олдини олиш ва камайтириш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг алоҳида қисмлари ўртасидаги алоқани таъминлаш орқали ҳайвонларнинг яшаш шароитлари ва миграциясини яхшилаш, уларни муҳофаза қилиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудда етарли самарага эришилмаган ҳолатларда уларнинг сонини кўпайтириш ва тиклаш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудда муҳофаза остига олинган ўсимлик ва ҳайвон турлари учун тегишли биотехник тадбирларни амалга ошириш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, бошқа табиий объектлардан барқарор фойдаланиш ҳамда уларни санокдан ўтказишнинг энг оқилона усулларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш;

антропоген таъсир доирасидаги ҳудудлардан хўжалик мақсадларида фойдаланишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд табиий объектлари ва мажмуаларини сақлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказмайдиган, бошқариладиган экологик туризмни амалга ошириш.

6. Ушбу Низом асосида ҳар бир муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг тоифаси, тури ва унинг қўриқланма зонасига ўрнатиладиган режим-

нинг хусусиятларига мувофиқ равишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қўриқланма зонаси тўғрисидаги низом мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд қайси давлат органи ёки юридик ва жисмоний шахслар таркибида бўлса, шу давлат органи ёки юридик ва жисмоний шахслар томонидан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

2-боб. Қўриқланма зона режими

7. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналарида қуйидагилар тақиқланади:

экологик тизимлар барқарорлигининг бузилиши ва табиий ландшафтлар қўринишининг ўзгартирилишига олиб келадиган ишларни амалга ошириш;

оқова ва чиқинди сувларни ташлаш учун рельефнинг паст жойларидан фойдаланиш;

ўта хавфли кимёвий ва биологик моддаларни қўллаш, атроф-муҳитга зарарли физик таъсир кўрсатувчи ҳаракатларни амалга ошириш;

иқлимлаштириш мақсадида ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари ҳамда кенжа турларини жойлаштириш;

саноат усулида қайта ишлаш мақсадида доривор, озик-овқатбоп ва техник ўсимликлар хом ашёларини тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликларни ҳимоя қилиш мақсадида кимёвий заҳарли восита (пестицид)ларни қўллаш;

илмий мақсадлардан ташқари ҳайвонларни овлаш, дарахт ва буталарни кесиш;

дарё ва сойларнинг гидрологик режимини ўзгартириш;

ўсимликлар ва ландшафт қопламини ўзгартириш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиий объектлари ва мажмуаларига салбий таъсир қилувчи саноат объектларининг фаолият юритиши, уларни қуриш, қайта таъмирлаш;

портлатиш йўли билан геологик-қидирув ишларини олиб бориш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиий объектлари ва мажмуаларига салбий таъсир қилувчи фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини амалга ошириш;

ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, шунингдек, радиоактив материалларни сақлаш ва қўмиш.

8. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қўриқланма зонасидаги табиий объектлар ва мажмуаларга салбий таъсир кўрсатувчи ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолият турлари давлат экологик экспертизаси ҳулосасига асосан чекланиши мумкин.

Чеклашлар қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

қўриқланма зонада жойлашган табиий объектлардан фойдаланишда атроф-муҳитга чиқинди ёки ифлослантирувчи моддалар чиқарилишига са-

баб бўладиган фаолият турларига вақтинча тақиқ ўрнатиш (календарь йилнинг маълум бир вақти, мавсуми ёки даври учун);

айрим фаолият турларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажмлари белгиланмаган ҳолларда фойдаланиш ҳажмларини белгилаш, шунингдек, қонун ҳужжатларида ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган меъёрларга нисбатан камроқ ҳажмларда фойдаланиш тартибини ўрнатиш.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд қайси давлат органи, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлса, шу давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар ёки мазкур ҳудуднинг бошқарув органи билан келишган ҳолда айрим фаолият турларига давлат экологик экспертизаси хулосасига асосан рухсат этилиши мумкин.

9. Табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан ер участкасидаги тупроқ қатламини, ноёб ўсимликларни ва давлат табиат ёдгорликларини асраш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зоналарида унинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни чеклаш ёки тақиқлаш учун ер участкаларини сақлаш вазифаси белгиланади. Ер участкаларини сақлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади.

10. Қўриқланма зонада чекланган ва тақиқланган хўжалик ёки бошқа турдаги фаолиятлар рўйхати муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қўриқланма зонасига кириш жойларида ўрнатиладиган маълумотлар тахтасида ёзиб қўйилади.

11. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма зонаси ҳудудида ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эҳтиёжлари учун тайёрлаш ва чорва молларни ўтлатиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда давлат ўрмон фонди ерларида ўрмон билетларига мувофиқ, аҳоли пунктлари ва захира ерларда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаларининг рухсатномаларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Қўриқланма зонанинг ўлчамлари, чегаралари ва режими тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, чекланган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият турларининг рўйхати муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспортига киритилади.

13. Ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган чора-тадбирлар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларига мувофиқ амалга оширилади. Зарур ҳолларда бошқарув режалари лойиҳалари ердан фойдаланувчилар, ер эгалари ва ижарачилар билан келишилади.

Қўриқланма зона ҳудудида биотехник тадбирларнинг ўтказилиши муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

14. Қўриқланма зона ҳудудида сайёҳлик ва экскурсия қатнов йўналиш-

лари (экоСУқмоқлар), тўхташ жойлари, кўргазма майдончалари, ёввойи ҳайвонлар сақланадиган вольерлар ташкил қилиш, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг фаолиятини, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларни тарғиб этиш учун махсус майдонлар ажратилиши мумкин.

Сайёҳлар тўхташ жойлари, чодирлар ўрнатиш, автотранспорт воситаларини жойлаштириш, гулхан ёкиш ва шу кабилар фақат махсус ажратилган жойларда амалга оширилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

15. Қўриқланма зонанинг режими муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқлаш ходимлари, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ўрмон фонди ерларида ўрмон қўриқчилари томонидан таъминланади.

16. Қўриқланма зона режимининг таъминланиши бўйича назорат экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қўриқлаш ходимлари, шунингдек, ўрмон фонди ерларидаги ўрмонларни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади.

17. Қўриқланма зонаси режими бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қўриқланма зонаси режимининг бузилиши натижасида етказилган зарар айбдорлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда қопланиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**235 «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг буюртмасига асосан «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланиши белгиланган тартибда таъминласин.

4. «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши инobatга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 май,
285-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 майда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 6 майдаги 285-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси»
кўкрак нишони тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан мамлакатимиз ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва қўпайтириш, улардан оқилона фойдаланиш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритаётган, шунингдек, соҳага оид илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланаётган ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга илова* қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш

4. Давлат органлари ва ҳудудий ташкилотлар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодлар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига (кейинги ўринларда — Қўмита) ҳар йили 1 февралга қадар тақдим этади.

Номзодлар бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида номзод ҳақида маълумотнома, унинг сўнгги уч йил давомида ўрмончилик соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари акс эттирилган тавсифнома тақдим этилади.

5. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш учун Қўмита раиси томонидан 5 нафардан иборат таркибда комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) ташкил этилади.

6. Комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низом Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

7. Комиссия йиғилишида номзодларнинг тегишли ҳужжатлари ўрганилиб, ҳар йили 1 мартга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний ҳулоса қабул қилинади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби

8. Комиссия хулосаси асосида Қўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 10 мартга қадар чиқарилади.

9. Кўкрак нишони ҳар йили 21 март — Халқаро ўрмончилар куни арафасида Қўмита раиси (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади.

10. Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт барабари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти ёки эсдалик совғалари берилади.

Бир йўла тўланадиган пул мукофоти ёки эсдалик совғалари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

11. Кўкрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, Қўмита раисининг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

12. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Қўмитанинг Интернет ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

13. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

14. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Қўмита ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 6 майдаги 285-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси»
кўкрак нишонининг
ТАВСИФИ**

«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг марказида, баландлик узра нур таратиб турган қуёш

фонида кўп йиллик ўрмон дарахти ва яшил дала, унинг қуйи қисмида яйлов тасвири акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал хошия билан ўралган доира ичида яшил рангли эмаль фонида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI O‘RMON XO‘JALIGI FIDOYISI» сўзлари ёзилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2,3 миллиметр, ёзувлар зарҳалланган. Унинг пастки қисми марказида саккиз бурчакли юлдуз тасвирланган.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида беш қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2,2 миллиметр бўлган «SOHADAGI KO‘P YILLIK FIDOKORONA MEHNATLARI UCHUN» сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр. Тасвирлар ва ёзувлар кабарикдир. Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари каварик доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўрт бурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 17 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли яшил рангдаги шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг ҳар икки тарафидан эни 2 миллиметрли оқ рангдаги йўллар туширилган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

**«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси»
кўкрак нишони**



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 6 майдаги 285-сон қарорига
З-ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси»
кўкрак нишони гувоҳномасининг
ТАВСИФИ**

«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда — гувоҳнома) 160 x 110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв. м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ кўк рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI», иккинчи сатрда «O‘RMON XO‘JALIGI FIDOYISI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда «ko‘krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар тўқ яшил рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда, 15 миллиметрли чизик ва «-sonli guvohnoma» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзи жойлашган.

Ундан 10 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан 6 миллиметр қуйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O‘zbekiston Respublikasi O‘rmon», иккинчи сатрда «xo‘jaligi davlat qo‘mitasi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.


Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ у. «___» _____dagi», иккинчи сатрда «___-sonli buyrug‘iga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли уч сатр-

дан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI», иккинчи сатрда «O‘RMON XO‘JALIGI FIDOYISI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 12 кегль), учинчи сатрда «ko‘krag nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда «RAIS» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

«Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги
фидойиси» кўкрак нишони
ГУВОҲНОМАСИ




_____ - sonli guvohnoma

_____ (familiyasi)

_____ (ismi)

_____ (otasining ismi)

O'zbekiston Respublikasi O'rmon
xo'jaligi davlat qo'mitasi

20__ y. «__» _____ dagi
_____ -sonli buyrug'iga asosan

**“O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
O'RMON XO'JALIGI FIDOYISI”**

ko'krak nishoni bilan mukofotlandi

Rais _____ (imzo)

M.O'

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**236 Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида
кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нурафшон филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш;

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг (кейинги ўринларда — Университет) Ахборот-ресурс марказида «Рақамли кутубхона» ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иктисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, замонавий талабларга жавоб берадиган ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида илғор технологиялар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллаган юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш жараёнида ўқув режаларига замонавий фанларни киритиб бориш, инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни татбиқ қилиш ҳамда илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини таълимнинг кредит-модуль тизими асосида ташкил қилиш;

илмий-тадқиқот институтлари билан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;

Филиалга бириктирилган информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактаблар фаолиятини методик қўллаб-қувватлаш;

аҳолининг барча қатламларида рақамли кўникмаларни ошириш мақса-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 майда эълон қилинган.

дида дастурлаш, робототехника, «Буюмлар интернет»и, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш.

3. Университет ҳузурида фаолият юритувчи, олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида ахборот-коммуникация технологиялари йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган техникумлар (кейинги ўринларда — Техникумлар) иловага* мувофик ташкил этилсин.

4. Мазкур қарорга иловада белгиланган таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари Вазирликка оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин ҳамда Техникумларнинг моддий-техник воситалари ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашга оид ўқув устахона жиҳозлари белгиланган тартибда топширилсин.

Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорга иловада назарда тутилган таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари берилиши ҳамда бошқа моддий-техника воситаларининг топширилиши ва қабул қилинишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал ва Техникумлар юридик шахс мақомига эга Университетнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланади;

Филиал ва Техникумларда ўқув жараёни 2021/2022 ўқув йилидан бошланади;

Филиалга талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

Филиал фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур сақлаш харажатлари, шу жумладан маъмурий бошқарув, техник ва ўқув-ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Вазирликка ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Техникумларда таълим дастурлари Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи 5-даражаси асосида ташкил этилади;

Техникумларга 2020/2021 ўқув йилида қабул қилинган ўқувчилар белгиланган тартибда амалдаги таълим дастурлари бўйича мазкур техникумларнинг бино ва иншоотларида ўқишни яқунлайди;

Филиалга 2 та, шу жумладан 1 та хизмат ва 1 та навбатчи енгил автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимит ажратилади.

6. Қуйидагилар:

а) Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

б) Техникумларни жорий сақлаш, уларнинг фаолият юритиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш ҳамда «Рақамли кутубхона»ни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлик ҳамда Университет ва унинг ҳудудий филиалларининг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Филиал ҳамда Тошкент вилояти ахборот технологиялари техникуми биносини қуриш учун ер майдонини Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри «Nurafshon business city» ҳудудидан белгиланган тартибда ажратсин;

Филиалга фаолият юритиш учун бошқа ҳудудлардан таклиф этилган профессор-ўқитувчиларни уй-жой билан, шу жумладан 4 та икки хонали хизмат уйи билан таъминласин.

8. Вазирлик ва Тошкент вилояти ҳокимлиги 2022/2023 ўқув йилига қадар Филиалнинг замонавий ўқув биноси, спорт зали ва талабалар турар жойи биноси ҳамда Тошкент вилояти ахборот технологиялари техникуми ўқув биносининг қуриб битказилишини таъминласин.

9. Филиал ва Тошкент вилояти ахборот технологиялари техникумининг ўқув бинolari қуриб битказилгунига қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўртачирчиқ тумани 2-сон касб-хунар мактабининг ўқув биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида вақтинча жойлаштирилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар Техникумларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, ҳудудларини ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

11. Вазирлик:

а) икки ҳафта муддатда Филиални юқори малакали педагог кадрлар билан тўлдириш учун республиканинг етакчи олий таълим муассасаларида тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича мақсадли қабул параметрларига таклифларни белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари билан бирга:

бир ой муддатда Филиал ва Техникумларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Филиал ва Техникумларни олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш ташкилотларининг катта

амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш;

Филиал ва Техникумларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва илғор компьютер техникаси билан таъминлаш ҳамда унинг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Филиал ва Техникумлар профессор-ўқитувчиларининг республика ва хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ишлаб чиқариш ташкилотларида даврий равишда стажировкасини ташкил этиш;

Филиал ва Техникумларнинг ахборот-ресурс марказини ўқув, илмий ва бадий адабиётлар билан тўлдириб бориш чораларини кўрсин.

в) Тошкент вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар соҳанинг инновацион ривожланишдаги истиқболларини инобатга олган ҳолда Филиалда ўқув ва илмий лабораторияларни ташкил этиш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, замонавий ўқув адабиётлари, лаборатория ва ишлаб чиқариш тренажёрлари билан бутлаш чораларини кўрсин;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида соҳа мутахассисларини дарс жараёнларига жалб этсин;

профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот институтлари ҳамда етакчи ташкилотларнинг лабораторияларидан фойдаланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратсин;

д) «Рақамли кутубхона»ни 2022 йил 1 сентябрга қадар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид замонавий миллий ва хорижий маълумотлар базаларига, уларда маълумотлар кидириш имконини яратган ҳолда, уланишини таъминласин.

12. Вазирлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасидаги иш берувчи ташкилотларни Техникумларга бириктириш ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин:

Техникумларда ўқувчиларни, шу жумладан ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича корхоналарнинг йиллик тармок буюртмасини;

Техникумларда Университет ва унинг филиаллари, Тошкент шаҳридаги Инха университети, Тошкент шаҳридаги Амйти университети ҳамда тегишли олий таълим муассасаларининг талабаларини жалб қилган ҳолда, шу жумладан масофавий ўқитиш орқали ўқув машғулотларини ўтказишга кўмаклашиш.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида

кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 569-сон қарорига 1-иловада:

«Филиаллар» блоки «Нурафшон» блоки билан тўлдирилсин;

«Академик лицей» блокидан кейин «Техникумлар» блоки билан тўлдирилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 май,
288-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

237 Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-б*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–637-сон «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги 629-сон «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори (рўйхат рақами 2793, 2016 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
295/10-сон

А. ЮСУПОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг
2021 йил 31 мартдаги 295/10-сон қарорига
ИЛОВА

Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ илмий унвонлар бериш тартибини белгилайди.»

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Профессор илмий унвони олий таълим ёки кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари (бундан буён матнда таълим муассасаси деб юритилади) ҳамда илмий ташкилотлар ёки унга тенглаштирилган муассасалар ва таълим муассасасининг илмий-тадқиқот тузилмаларида (бундан буён матнда илмий ташкилот деб юритилади), доцент илмий унвони таълим муассасасида, катта илмий ходим илмий унвони илмий ташкилотда самарали илмий-педагогик ва илмий фаолият олиб бораётган, фаннинг муайян соҳасида чуқур касбий билим ҳамда ўз соҳасида муайян ютуқларга эришган юксак маънавиятли шахсларга берилади.»

3. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Илмий унвон тегишли илмий даражага, магистр даражаси, магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот ёки олий ҳарбий таълим дипломига ёки олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун) шахсларга мазкур Низом талабларига мувофиқ таълим муассасалари кенгашлари ёки илмий ташкилотлар илмий (илмий-техникавий) кенгашлари (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) тақдимномасига асосан, ОАК Раёсати қарори билан ОАК томонидан берилади. Тақдимнома талабгорнинг асосий иш жойидан берилади.»

4. 7-бандда:

«в» кичик банддаги «олий ўқув юртидан кейинги таълим» деган сўзлар «олий таълимдан кейинги таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» кичик банддаги «ОТМ» қисқартмаси «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 10-бандда:

биринчи хатбошидаги «ОТМнинг» деган сўз «таълим муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ОТМда» деган сўз «Таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 2-параграфнинг номидаги «ОТМ» қисқартмаси «Таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 12-бандда:

биринчи хатбошидаги ва «в» кичик банддаги «ОТМда» деган сўз «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» кичик банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«г» камида бир ўқув йили давомида таълим муассасасининг штатида кафедра мудири, профессор (вазифасини бажарувчи), олий ҳарбий таълим муассасаларида кафедра бошлиғи ўринбосари ёки кафедра бошлиғи лавозимларида ёки ушбу лавозимлардан бирида бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкмасини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби, таълим муассасасининг ўқув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларининг бирида муваффақиятли ишлаб келаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);

Ҳар бир билим соҳаси бўйича номинацияларда 1-ўринни эгаллаган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи ғолиблари 3 йил мобайнида мазкур кичик банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тегишли лавозимда вазифани бажариб турувчининг бир йиллик муддатини ўтамасдан профессор илмий унвонини олиш учун ОАКга ҳужжатларини тақдим этиш ҳуқуқига эга;»;

«ж» кичик банддаги «ОТМ» қисқартмаси «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги ва «в» кичик банддаги «ОТМда» деган сўз «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ж» кичик банддаги «ОТМ» қисқартмаси «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 14-бандда:

биринчи хатбошидаги ва «в» кичик банддаги «ОТМда» деган сўз «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ж» кичик банддаги «ОТМ» қисқартмаси «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 15-банднинг «а» кичик бандидаги «ОТМда» деган сўз «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 15¹-банднинг биринчи хатбошисидаги ва «а» кичик бандидаги «ОТМда» деган сўз «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12. 3-параграфнинг номидаги «ИТМ» қисқартмаси «Илмий ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 16-бандда:

биринчи хатбошидаги ва «в» кичик банддаги «ИТМда» деган сўз «илмий ташкилотда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) камида бир йил (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун 3 йил) давомида илмий ташкилотнинг штатида давлат гранти раҳбари, илмий-ташкिलий тузилма раҳбари, бош илмий ходим, етакчи илмий ходим лавозимларидан бирида ишлаб келаётган ёки ушбу лавозимларда камида 0,25 ставка илмий фаолият олиб бориб, илмий ташкилот раҳбари, раҳбар ўринбосари, илмий котиби лавозимларидан бирида муваффақиятли ишлаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);».

14. 17-бандда:

биринчи хатбошидаги ва «в» кичик банддаги «ИТМда» деган сўз «илмий ташкилотда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«е» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида 10 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 2 та илмий мақола чоп эттирган ҳамда салмоқли илмий ва илмий-техник натижаларга эришган (монография ва илмий рисоалар нашр эттирган ёхуд ихтироларга эга бўлган);»;

«з» кичик банддаги «ОТМ» қисқартмаси «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 18-бандда:

«б» кичик банддаги «ИТМда» деган сўз «илмий ташкилотда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «хорижий журналларда» деган сўз «хорижий илмий журналларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 4-параграфнинг номидаги «ОТМ» қисқартмаси «Таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 19-бандда:

биринчи хатбошидаги ва «б» кичик банддаги «ОТМда» деган сўз «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) камида бир ўқув йили давомида таълим муассасасининг штатида кафедра мудири, профессор (вазифасини бажарувчи), доцент (вазифасини бажарувчи) ёки олий ҳарбий таълим муассасаларида катта ўқитувчи, кафедра бошлиғи ўринбосари ёки кафедра бошлиғи ёхуд ушбу лавозимларнинг бирида бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкласини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби, таълим муассасасининг ўқув-ташкиллий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларининг бирида муваффақиятли ишлаб

келаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);

Ҳар бир билим соҳаси бўйича номинацияларда 1-ўринни эгаллаган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи ғолиблари 3 йил мобайнида мазкур кичик банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган тегишли лавозимда вазифани бажариб турувчининг бир йиллик муддатини ўтамасдан доцент илмий унвонини олиш учун ОАКга ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга;»;

«д» кичик банддаги «ОТМ» қисқартмаси «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 20-бандда:

«б» кичик банддаги «ОТМда» деган сўз «таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) илмий-тадқиқот, ижодий ишлари бўлган, жумладан, илмий журналларда камида 3 та илмий мақола чоп эттирган (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун камида 5 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 1 та мақола чоп эттирган);».

19. 5-параграфнинг номидаги «ИТМ» қисқартмаси «Илмий ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 21-бандда:

«б» кичик банддаги «ИТМда» деган сўз «илмий ташкилотда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) камида бир йил «(тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун 3 йил) давомида илмий ташкилотнинг штатида давлат гранти раҳбари, илмий-ташқилий тузилма раҳбари, бош илмий ходим, етакчи илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларидан бирида ишлаб келаётган ёки ушбу лавозимларда камида 0,25 ставка илмий фаолият олиб бориб, илмий ташкилот раҳбари, раҳбар ўринбосари, илмий котиби лавозимларидан бирида муваффақиятли ишлаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);».

21. 23-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Илмий унвонлар мазкур бобнинг 2 — 5-параграфларида назарда тутилган тегишли лавозимларда камида 0,25 ставка ўриндошлик ёки 240 соатдан кам бўлмаган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш асосида ишлаётган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг юқори малакали мутахассисларига мазкур бобнинг 1 — 5-параграфларида белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда берилади. Мазкур қоида асосий иш жойи таълим муассасаси ва илмий ташкилотда бўлган мутахассисларга нисбатан татбиқ этилмайди.».

22. Низом иловасининг 3-банди «(паспорт нусхаси» деган сўзлардан кейин «ёки идентификация ID-картаси маълумотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**238** Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш
ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар-
нинг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш
ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 августдаги 220-сон буйруғи (рўйхат рақами 3073, 2018 йил 29 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.10.2018 й., 10/18/3073/1977-сон) билан тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 апрель,
118-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил
15 апрелдаги 118-сон буйруғига
ИЛОВА

**Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва
сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички
тартиб қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «туман (шаҳар) маъмурий» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 133-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

«133. Маъмурий қамоққа олинган шахслар билан қўйидаги шахслар учрашишлари мумкин:

адвокат — у адвокат гувоҳномасини ва ўзининг муайян ишни юритишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ордерни кўрсатганда;

қонуний вакил — маъмурий қамоққа олинган шахснинг қонуний вакили эканлигини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганда;

маъмурий қамоққа олинган шахснинг қариндоши ёки бошқа шахс — ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганда.

Ушбу бандда санаб ўтилган шахслардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.»

3. 150-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«150. Махсус қабулхонада сайлов участкасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилади.»

4. 3-иловада:

1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Барча турдаги ўқотар ва совуқ қуроллар ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар, шунингдек ўқ-дорилар.»;

8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳамда жиноят қуроли сифатида қўлланилиши мумкин бўлган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тўғли, кесувчи, учи ўткирланган санчиладиган касбий ва хўжалик-маиший (пичоқ, бигиз, устара (электр устара бундан мустасно), қайчи ва бошқалар) ашёлар.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**239** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари
вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб
қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги ЎРҚ-641-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 171-сон буйруғи (рўйхат рақами 2929, 2017 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1015-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 апрель,
119-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил
15 апрелдаги 119-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари
вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Овқат ейишни рад этаётган ВСХда сақланаётган шахс имкон қадар ВСХда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади.»

2. 32-банддаги «Рухий бузилишлари мавжуд бўлган» деган сўзлар «Рухий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 33-банддаги «руҳий касалликка чалинган» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 73-банднинг учинчи хатбошиси ва 203-банддаги «ногиронларига» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 97 — 99-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«97. ВСХда сақланаётган шахснинг овқат ейишни рад этганлиги факти аниқланганда, ВСХ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс зудлик билан бу ҳақда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органи, шунингдек прокурорни хабардор қилиши шарт.

98. Овқат ейишни рад этаётган шахс ВСХ тиббиёт ходимининг кузатuvi остида бўлади.

99. Овқат ейишни рад этган шахснинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбурлов йўсинидаги (сунъий ва мажбурий овқатлантириш тарзидаги) чоралар, агар унинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф таҳдид солса, шифокорнинг ёзма хулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими ҳозирлигида амалга оширилади.»

6. 100-банддаги «овқат ейишдан бош тортиши» деган сўзлар «овқат ейишни рад этиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 101-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 107-банддаги «ногиронлари» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 176-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«176. Суд, прокурор, ҳимоячи ёки ВСХларни текшириш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари номига, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга йўлланган ариза, таклиф ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди ҳамда берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай муҳрланган тарзда олувчиларга юборилади ёки топширилади, телеграммалар эса дарҳол юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-

ридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг номига юборилган шикоятлар муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилиши мумкин эмас ҳамда олувчига йигирма тўрт соатдан кечиктирмай юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ҳамда аризачига дарҳол етказиб берилади.»

10. 178-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«178. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ВСХ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан терговга қадар текширув, суриштирув ёки тергов органининг бошлиғига ёхуд прокурорга, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар эса юқори турувчи прокурорга юборилади ёки топширилади.»

11. 2-иловада:

1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Барча турдаги ўқотар ва совуқ қурооллар ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар, шунингдек ўқ-дорилар.»;

8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳамда жиноят қуроли сифатида қўлланилиши мумкин бўлган саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи, учи ўткирланган санчиладиган касбий ва хўжалик-مائий (пичок, бигиз, устара (электр устара бундан мустасно), қайчи ва бошқа) ашёлар.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**240 Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида» 2019 йил 26 августдаги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон Фармонига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 36-сон буйруғи (рўйхат рақами 2977, 2018 йил 1 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 9-сон, 169-модда) билан тасдиқланган ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
108-сон

П. БОБОЖОНОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил
6 апрелдаги 108-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа
тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган қўшимчалар**

1. 6-бандда:

«а» кичик бандининг учинчи хатбошиси «фуқаролик паспортининг» деган сўзлардан кейин» ёки идентификация ID-кارتасининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«в» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси «фуқаролик паспорти» деган сўзлардан кейин» ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 7-банднинг учинчи хатбошиси «фуқаролик паспорти» деган сўзлардан кейин» ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 23-банд «фуқаролик паспорти ёки» деган сўзлардан кейин «идентификация ID-картаси ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 30-банднинг биринчи хатбошиси «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар конвенциясининг (Минск шаҳри, 1993 йил 22 январь)» деган сўзлардан кейин «ҳамда Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар конвенциясининг (Кишинев шаҳри, 2002 йил 7 октябрь)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

241 Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-4

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунига асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги томонидан 1998 йил 30 ноябрда 2-271/04-сон ва 1235/04-1-сон билан тасдиқланган Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 588, 1999 йил 7 январь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Вазир

Б. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 апрель,
18-2021-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги
18-2021-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни 49-моддасининг саккизинчи қисми ва Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган сабабларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.»

2. 2-банддаги «туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази деб юритилади)» деган сўзлар «туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6 ва 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ишдан озод этилган шахслар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан сўнг ўттиз календарь кун ичида ўзларининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига иш қидираётган шахс сифатида мурожаат қилсалар, марказ ходимлари бундай шахсларга уч ойлик давр ичида, агарда улар ўттиз календарь кундан кейин мурожаат қилсалар ўн кун муддат ичида мақбул келадиган ишни топишда ёрдам беришлари керак.

7. Агар иш қидирувчи шахсларга туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан мазкур Йўриқноманинг 6-бандида кўрсатиб ўтилган муддатлар ичида икки марта мақбул келадиган иш таклиф қилинмаса, бундай ҳолда улар туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ишсиз деб эътироф этиладилар.»

4. 8 ва 9-бандлардаги «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» деган сўзлар «Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 10-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида» деган сўзлар «туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 12-банддаги «Иш билан таъминлашишга кўмаклашувчи давлат жамғармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 15-банддаги «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига» деган сўзлар «туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 16-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун пенсия тўланган ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига маблағ ўтказадилар.».

9. 18-банддаги «Иш билан таъминлашишга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 19 ва 20-бандлардаги «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» деган сўзлар «Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 21-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шаклига асосан муддатидан олдин пенсия олаётган шахслар сони ва тўланган маблағлар миқдори ҳақидаги маълумотларни белгиланган муддатларда ҳудудий бандлик бош бошқармаларига, улар эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этадилар.».

12. 1 — 3-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 — 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

242 «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1269-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 мартдаги 145-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари тизимида товарларнинг намуна ва синамаларини тасарруф этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 апрель,
01-02/16-23-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
12 апрелдаги 01-02/16-23-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2003 йил 9 июль 01-02/16-27-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини бож-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

хона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1269, 2003 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 16-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 5 апрелдаги 01-02/16-30-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1269-1, 2013 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 19-сон, 245-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 13 апрелдаги 01-02/16-17-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1269-2, 2015 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 220-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 18 апрелдаги 01-02/16-26-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1269-3, 2016 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 183-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

243 «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик кор-
хоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини
кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тас-
диқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни
ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1502-4*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республика-
си «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **қарор
қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз
кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2021 йил 1 апрель,
20-сон

Т. ИШМЕТОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
2021-17-сон

Ш. КУДБИЕВ

**Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш вазири**

Тошкент ш.,
2021 йил 30 март,
31-сон

Д. КУЧКАРОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 1 апрелдаги
20-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил
31 мартдаги 2021-17-сон ва Иқтисодий
таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги
31-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 2 августдаги 70, 2005-46, 61-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1502, 2005 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 240-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 30 сентябрдаги 82, 2010-40, 101-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1502-1, 2010 йил 15 ноябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 46-сон, 423-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2014 йил 4 апрелдаги 27, 2014-14, 61-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1502-2, 2014 йил 14 апрел) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 181-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 64, 2018-24, 9-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1502-3, 2018 йил 5 апрел) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 14-сон, 291-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

244 «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037-1*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июндаги ПФ–6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-45-сон «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3037, 2018 йил 5 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10/18/3037/1466-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
01-02/13-16-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

245 «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-5*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июндаги ПФ-6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Фармони мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилди:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
01-02/13-19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
4 майдаги 01-02/13-19-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-9-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2418, 2013 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 63-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 22 июндаги 01-02/12-11-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2418-1, 2013 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 347-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 14 ноябрдаги 01-02/12-24-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2418-2, 2014 йил 24 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 48-сон, 573-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-18-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2418-3, 2016 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 153-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 майдаги 01-02/12-42-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2418-4, 2018 йил 18 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2018 й., 10/18/2418-4/1365-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**246 Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги 41-сон «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 апрель,
21-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 8 апрелдаги
21-сон буйруғига
ИЛОВА

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. Қўйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

«34¹. Агар харидлар режа-жадвали уч ой олдин махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион орқали давлат харидларини амалга оширишда товарларни етказиб бериш муддати етти кундан кам бўлмаслиги керак.»

2. Қўйидаги мазмундаги 47¹-банд билан тўлдирилсин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

«47¹. Танловда хорижий етказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нарх преференцияси қўлланилади.».

3. Қуйидаги мазмундаги 127¹-банд билан тўлдирилсин:

«127¹. Тендерда хорижий етказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нарх преференцияси қўлланилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

247 Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июндаги ПФ–6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кейин уч ой ўтгач кучга кирази.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
01-02/13-20-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
31 мартдаги 01-02/13-20-сон қарорига
ИЛОВА

Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ товарларни дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациялари (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) орқали декларациялаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

айни бир хил товарлар — ишлаб чиқарилган мамлакати, физик хусусиятлари, сифати, ишлаб чиқарувчиси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) бўйича товар кодининг ўнта белгили даражаси бир хил бўлган товарлар;

айни бир шахс томонидан доимий олиб ўтиш — бир хил товарларнинг олтмиш календарь кун ичида бир маротабадан кўп маротаба битта юк жўнатувчи манзилдан бошқа юк қабул қилувчи манзилига бир шартнома (келишув, битим) асосида бир хил шароитда божхона чегарасидан олиб ўтилиши;

дастлабки божхона декларацияси (бундан буён матнда ДБД деб юритилади) — чет эл товарлари Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига етиб келгунига қадар «эркин муомалага чиқариш» божхона режими мувофиқ божхона органига тақдим этиладиган ва улар ҳақидаги тўғри маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

даврий божхона юк декларацияси (бундан буён матнда ДБЮД деб юритилади) — айна бир хил товарлар божхона чегараси орқали айна бир шахс томонидан мунтазам равишда олиб ўтилган пайтда божхона органига тақдим этиладиган ва улар ҳақидаги тўғри маълумотлар кўрсатилган ҳужжат;

декларацияловчи шахс — божхона органларига БЮДни ўз номидан тақдим этаётган декларант ёки БЮДни тўлдириш, имзолаш ва божхона органларига декларант номидан тақдим этишга ваколатли божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис;

ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси шахсий кабинети (бундан буён матнда ТИФ қатнашчиси кабинети деб юритилади) — ташқи иқтисодий фаолият қатнашчисининг божхона органлари билан персоналлаштирилган ўзаро алоқа ва ахборот алмашинуви асосида рўйхатдан

ўтган ҳолда божхона органларининг интерактив хизматларидан фойдаланиш учун мўлжалланган давлат божхона хизматининг электрон платформаси;

товарларни божхона мақсадлари учун идентификациялаш — бу ТИФ ТНдаги эквивалент товар позицияларидан ажратиб олишга имкон берадиган ва товарларнинг маълум бир хил гуруҳига мансублигини кўрсатиб берадиган товарнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш ва белгилаш;

тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси (бундан буён матнда ТББЮД деб юритилади) — божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун барча зарур ахборотга эга бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 269-моддасига асосан божхона органига тақдим этиладиган ҳужжат;

товарларни даврий декларациялаш — Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг (жисмоний хусусияти, сифати, ишлаб чиқарувчиси, ТИФ ТН коди бўйича) божхона расмийлаштирувини ДБЮД тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш;

товарларни дастлабки декларациялаш — чет эл товарлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келгунига қадар уларга нисбатан ДБДни ва товарлар етиб келганидан сўнг тўлиқ БЮДни божхона органига тақдим этиш орқали эркин муомалага чиқариш;

товар туркуми — битта олувчининг манзилига битта транспорт ҳужжати бўйича келаётган ёки битта почта юк хати билан жўнатилаётган ёхуд божхона чегараси орқали ўтаётган битта жисмоний шахснинг қўл юкида ва бағажда олиб ўтилаётган товар ёки унинг бир қисми.

2. ДБД, ДБЮД ва ТББЮДларнинг божхона расмийлаштируви куйидаги икки босқичда амалга оширилади:

а) биринчи босқичда — декларацияловчи шахс товарлар бўйича ДБД, ДБЮД ва ТББЮДларни божхона органларига электрон ёки қоғоз шаклда тақдим этади. Тақдим этилган ДБД, ДБЮД ва ТББЮДлар божхона органларида рўйхатга олинади.

ДБД, ДБЮД ва ТББЮДларда кўрсатилган товарларга тегишли божхона режимига мувофиқ ундирилиши лозим бўлган божхона тўловлари ва йиғимлари тўланади ёки божхона тўловлари тўланишини таъминлаш қўлланади;

б) иккинчи босқичда — Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларга декларант ёки унинг топшириғига асосан декларацияловчи шахс томонидан божхона органига тўлиқ БЮД тақдим этилади ва божхона органларида расмийлаштирилади.

Товарларнинг ДБД, ДБЮД ва ТББЮДларда расмийлаштируви учун ҳисобланган ва ундирилган йиғим кейинги босқичда тўлиқ БЮД тақдим этилганида такроран ундирилмайди.

ДБД, ДБЮД ва ТББЮДларни божхона органларига тақдим этиш орқали товарларни декларациялашда тўланган божхона тўловлари, тўлиқ

БЮД расмийлаштирилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

2-боб. Дастлабки божхона юк декларациясини расмийлаштириш

1-§. Товарларни дастлабки декларациялаш шартлари

3. Товарларни дастлабки декларациялаш қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда етиб келганда; Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиниши тақиқланган товар бўлганда;

ваколатли органлар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар талаб этиладиган ҳолларда, бундан мувофиқлик, ветеринария, экологик сертификатлари, санитария-эпидемиологик ҳулоса, карантин ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб кириш учун рухсатномалар мустасно;

лицензиялар бўйича импорт қилинадиган товар бўлса.

2-§. Товарларни дастлабки декларациялашнинг биринчи босқичи

4. Декларацияловчи шахс мазкур Низомнинг 6-7-бандларига мувофиқ тўлдирилган ва ўзининг электрон рақамли имзоси (қоғоз шаклда унинг шахсий имзоси) билан тасдиқлаган ҳолда товарлар бўйича ДБДни божхона органига тақдим этади.

5. ДБД билан бирга ёки божхона расмийлаштируви жараёнида декларацияловчи шахс товар юк жўнатувчи мамлакатда ортилганлигини тасдиқловчи тижорат ва транспорт ҳужжатларини «Товарларни электрон декларациялаш» автоматлаштирилган ахборот тизими (бундан буён матнда ТЭД ААТ деб юритилади) орқали тақдим этади.

6. ДБД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) 5-бобига мувофиқ тартибда тўлдирилади.

Бунда, ДБДнинг 1-графаси биринчи бўлмасида «ПР» белгиси кўрсатилади ҳамда 18, 26, 30-графалари ва «С» графасининг 2 рақам остидаги сатри тўлдирилмайди.

7. ДБД божхона органи томонидан рўйхатга олинади ва расмийлаштирилади. Бунда, ДБДнинг «D» графасида божхона органи томонидан ушбу ДБДда баён этилган товарлар қабул қилинганлиги ҳақида божхона органи белгилари (ёзувлари) кўрсатилади. Божхона органи белгилари (ёзувлари) божхона органи ходимининг электрон рақамли имзоси (қоғоз шаклдаги ДБДда шахсий рақамли муҳри) билан тасдиқланади.

8. ДБДда кўрсатилган товарлар ушбу ДБДни қабул қилган божхона постига ДБД қабул қилинган кундан (ДБДнинг 7-графасида кўрсатилган санадан) эътиборан ўттиз календарь кун ичида тақдим этилмаган тақдирда ДБД берилмаган деб ҳисобланади ва ТЭД ААТ орқали ушбу ДБД белгиланган тартибда божхона органи томонидан бекор қилинади ҳамда бу ҳақда декларантни ТИФ қатнашчиси кабинети орқали хабардор қилади.

3-§. Дастлабки декларациялашнинг иккинчи босқичи

9. Ташувчи ёки бошқа манфаатдор шахс ДБДда кўрсатилган товарлар божхона ҳудудига амалда етиб келгунига қадар улар тўғрисида божхона органига дастлабки ахборотни тақдим этишда ДБД рақамини кўрсатиши шарт.

Божхона органи чегара божхона пости божхона ҳудудига етиб келган товарларнинг ДБД ва унинг кузатув ҳужжатлари нусхаларида кўрсатилган маълумотларни асл ҳамда электрон ҳужжатлардаги маълумотлар билан таққослайди.

Ҳужжатларни таққослаш жараёнида номувофиқликлар аниқланмаганда, товарлар чегара божхона пости томонидан тайинланган божхона постига назорат ҳужжати орқали йўналтирилади ёхуд мазкур бобга асосан эркин муомалага чиқарилади

Агарда маълумотларни таққослаш жараёнида мазкур Низомнинг 15-банди бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, божхона органи томонидан ДБДни (шу жумладан, тақдим этилган БЮД) белгиланган тартибда бекор қилиш чоралари кўрилади.

10. Божхона ҳудудига кириб келишда ДБД расмийлаштирилган товарларга нисбатан қуйидаги ҳолларда чегара божхона пости томонидан чет эл товари божхона назорати остида ташилаётганда божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари қўлланади:

хавфни бошқариш тизими томонидан хавф даражаси юқори кўрсатгич («қизил» йўлак) билан таснифланган бўлса;

ДБД расмийлаштирилган товарларга божхона тўловлари тўлиқ тўланмаган ёки тўланиши таъминланмаган бўлса;

товарнинг тижорат ва транспорт ҳужжатларидаги маълумотларда ўзаро номувофиқликлар аниқланганда;

божхона назоратининг техник воситаларини қўллаш бўйича маълумотларнинг товарларга илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар билан тўғри келмаса;

транспорт воситасининг юк бўлмасига бевосита (эркин) кириш имконияти мавжуд бўлганда;

хуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат назорат органларидан тушган материаллар, шунингдек хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа давлат органларидан олинган товарларни божхона назоратидан ўтказилиши лозимлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлганда.

11. Товарлар ДБДни рўйхатдан ўтказган божхона постига етиб келгандан сўнг, ташувчи ёхуд бошқа манфаатдор шахс томонидан ушбу товарлар ва унга тегишли кузатув ҳужжатлари божхона органига ўттиз дақиқадан кечиктирмай тақдим этилади.

Товарлар товар келиб тушадиган божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтида етказиб берилган тақдирда, божхона органининг иш вақти бошланганидан кейин ўттиз дақиқадан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

Товарлар етиб келганлиги тўғрисида божхона органи томонидан товар кузатув ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (бундан буён матнда ДБК ЯААТ деб юритилади) тегишли белгиларини қўйиш орқали тасдиқланади.

12. ДБДдаги товар бўйича тўлиқ БЮДни тақдим этиш муддати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 261-моддасида кўзда тутилган муддатдан ошмаслиги лозим.

13. Тўлиқ БЮД декларант томонидан қўйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) 5-бобига мувофиқ тартибда тўлдирилади ва божхона органларига ТЭД ААТ орқали тақдим этилади.

1-графаси биринчи бўлмасида «ИМ» ҳарфли белгиси кўрсатилади;

1-графаси учинчи бўлмасида «ППР» ҳарфли белгиси кўрсатилади;

БЮДга айнан ДБДга берилган тартиб рақам қўйилади.

14. Декларацияловчи шахс ТИФ қатнашчиси кабинети орқали божхона расмийлаштируви учун тақдим этиладиган ҳужжатларни электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва божхона органларига юборади.

15. Тўлиқ БЮД божхона органи томонидан рўйхатга олинади ва расмийлаштирилади.

Божхона органлари ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилган рухсат берувчи тусдаги тегишли ҳужжатларнинг «Ягона дарча» божхона ахборот тизимида мавжудлигини текширади ва тегишли ҳужжатлар ушбу тизимда мавжуд бўлмаган тақдирда божхона органлари божхона расмийлаштирувини рад этиш ҳуқуқига эга.

Божхона органи товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда товарларнинг кузатув ҳужжатлари нусхаларида кўрсатилган маълумотларни асл ҳамда электрон ҳужжатлардаги маълумотлар билан солиштиради.

Агарда тақдим қилинган ҳужжатлар (шу жумладан, электрон кўринишдаги) билан асл ҳужжатлардаги маълумотларда номувофиқликлар мавжуд бўлса ёки ДБДда керакли маълумотлар етишмаса, декларант томонидан ДБДга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади.

Бунда, божхона органи ДБДга илова қилинган товарнинг кузатув ҳужжатлари рақами, санаси, шакли, ундаги маълумотлар, шу жумладан жўнатувчи ва қабул қилувчининг реквизитлари, товарнинг номи, миқдори (сони, вазни, бошқа қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори), қиймати, ТИФ ТН коди, етказиб бериш шартларида ўзаро тафовут аниқланса, ДБД тақдим этилма-

ган деб ҳисобланади, бундан товарларни қайта юклаш жараёнида транспорт ҳужжатлари ўзгарганлиги натижасида юзага келган тафовутлар бўйича товар қайта юкланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолатлар мустасно. Бундай ҳолатда ДБД ва у бўйича рўйхатга олинган БЮД божхона органи томонидан бекор қилинади.

16. ДБД ва у бўйича тақдим этилган БЮДда хато ва камчиликлар аниқланиб, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарурати юзага келганда, БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона органи рухсати билан амалга оширилади, бундан мазкур Низомнинг 15-банди бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

17. ДБД ва БЮДни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайтариб олиш ва бекор қилиш Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3220, 2020 йил 10 февраль) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

ДБД бекор қилинган тақдирда, янги БЮД 15 календарь кундан кечиктирмай тақдим этилиши шарт.

18. Божхона органи томонидан товарлар бўйича божхона назоратининг белгиланган тартиб-таомиллари амалга оширилганидан сўнг, БЮД расмийлаштирилиб, товарлар эркин муомалага чиқарилади.

19. Аввал ДБД тақдим этилган товарларни «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштириш тўлиқ БЮД рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб уч соат ичида амалга оширилади, бундан хавфни бошқариш тизими томонидан хавф аниқланган ёки божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда тўлиқ БЮД тақдим этилган ҳолатлар мустасно.

4-§. Товарларни бевосита чегара божхона постларида эркин муомалага чиқариш шартлари

20. Декларант томонидан аввал ДБД тақдим этилган товарларни қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда, бевосита чегара божхона постларида эркин муомалага чиқариши мумкин:

товар ва транспорт воситаларини чегара божхона постларида эркин муомалага чиқариш истагини билдириб, товарлар божхона ҳудудига етиб келгунига қадар ДБДни расмийлаштирган божхона органига камида бир соат олдин тўлиқ БЮДни тақдим этиши;

товар туркуми битта транспорт ҳужжати бўйича битта жўнатувчининг манзилдан битта қабул қилувчининг манзилига юборилаётган бўлиши;

товар ва транспорт воситалари хавфни бошқариш тизими томонидан хавф даражаси паст ёки ўрта кўрсаткичи белгиланганда;

ваколатли органлар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги, бундан рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжат талаб этилмайдиган товарлар мустасно;

товар бўйича рўйхатга олинган ДБД ва БЮДларга ўзгартириш ва (ёки)

қўшимчалар киритилмаган бўлиши лозим, бундан БЮДнинг 18, 26, 30-графалари ва «С» графасининг 2-банди мустасно.

21. Ушбу Низомнинг 20-бандида қайд этилган барча мезонларга мос келган товарларнинг божхона расмийлаштируви ДБДни рўйхатдан ўтказган божхона постида мазкур Низомнинг 13 ва 17-бандларида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилганидан сўнг, бевосита чегара божхона постида эркин муомалага чиқарилади.

22. Хавфни бошқариш тизими томонидан ДБД бўйича товарлар ёхуд тақдим этилган тўлиқ БЮД ушбу Низомнинг 20-бандида қайд этилган мезонларга мос келмаган тақдирда, чегара божхона пости ушбу товарларни ДБДни рўйхатдан ўтказган божхона постига йўналтиради.

3-боб. ДБЮДни расмийлаштириш тартиби

1-§. Товарларни даврий декларациялаш шартлари

23. ДБЮД айнан бир хил турдаги товарларни бир ташқи савдо шартномаси (келишув, битим) доирасида айни бир шахс томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтишда расмийлаштирилади. Бундай ҳолларда муайян вақт ичида божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган барча товарлар учун битта БЮД берилади.

ДБЮДни расмийлаштириш товарларни вақтинча сақлашнинг энг кўп муддати ёки божхона тўловларини тўлаш муддатлари бузилишига олиб келиши мумкин эмас.

24. Айнан бир хил турдаги товарларга бир ташқи савдо шартномаси (келишув, битим) доирасида карантин рухсатномалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, озон емирувчи моддалар ва улардан ташкил топган маҳсулотларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш учун рухсатномалар, мувофиқлик сертификати, ветеринар, гигиеник ва экологик сертификатлар, бир календарь йилидан ошмаган муддатга бир маротаба тақдим этилиши мумкин.

2-§. Товарларни даврий декларациялашнинг биринчи босқичи

25. ДБЮД шартнома (келишув, битим) доирасида товарларнинг маълум бир туркуми учун амалда божхона органига тақдим этилганда расмийлаштирилади.

Декларацияловчи шахс ДБЮД билан бирга унда кўрсатилган товарларнинг тўлиқ миқдорини тегишли божхона режимига жойлаштиришда зарур бўладиган ҳужжатларни божхона органига тақдим этади.

26. ДБЮДда кўрсатилган товарларнинг тўлиқ миқдори учун божхона режими шартларига мувофиқ амалда бўлган божхона тўловлари ставкалари бўйича божхона тўловлари ҳисобланади.

27. ДБЮД доирасида расмийлаштирилган товарларнинг божхона назорати ва ҳисобини юритиш учун товар ва транспорт воситаси кузатув

хужжатлари ДБҚ ЯААТда фақат ДБЮД учун шаклланадиган ҳар бир товар туркумига алоҳида тартиб рақамли дарчага божхона органи мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда тегишли маълумотлар юкланади.

28. Товарларнинг божхона назоратини амалга оширувчи божхона органи мансабдор шахси ДБҚ ЯААТда фақат ДБЮД учун шаклланадиган, ҳар бир товар туркумига алоҳида тартиб рақамли электрон жадвалда ДБЮД бўйича товарнинг тартиб рақами, ТИФ ТН коди, миқдори ва божхона кўриги (агар шундай божхона назорати шакли қўлланилган бўлса) далолатнома-си тартиб рақами бўйича маълумотлар божхона органи мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда қайд этиб борилади.

29. ДБЮД доирасида товар ва транспорт воситаси кузатув хужжатлари декларацияловчи шахс томонидан ҳар бир товар туркуми учун божхона назорати бошланишидан олдин тақдим этилади.

30. ДБЮД доирасида расмийлаштирилган товарларнинг қолган туркуми ҳамда улар бўйича товар ва транспорт воситаси кузатув хужжатлари ДБЮД расмийлаштирилган божхона органига тақдим этилади.

31. ДБЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) талабларига мувофиқ қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида «ПЕ» белгиси кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамдан иборат коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмаси тўлдирилмайди;

б) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қуйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

«Тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар» деб ёзилгандан сўнг декларацияловчи шахсга ДБЮДга киритиш учун зарур маълумотларни тақдим этган, юкни қабул қилувчи томонидан ишончнома берилган шахсининг ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтаётган жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами) кўрсатилади.

Сўнггра графада қўшимча равишда қуйидагилар қайд этилади: «Тўлиқ БЮДни ХХ.ХХ.ХХХХгача божхона органига тақдим этиш мажбуриятини оламан» (бунда ХХ.ХХ.ХХХХ тегишлича кун, ой, йилни англатади).

Агар ишонч билдирган шахс БЮДни тўлдирган декларацияловчи шахс бўлса, ушбу декларацияловчи шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Мазкур графада хўжалик юритувчи субъект ишонч билдирган шахсининг ваколатларини тасдиқловчи хужжатнинг рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.

32. ДБЮД асосида олиб келинган товарларнинг товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахсининг ихтиёрига берилиши, уларни божхона назоратидан ўтказилгандан ҳамда мазкур Низомнинг 27 — 31-бандларига мувофиқ ҳаракатлар яқунлангандан сўнг амалга оширилади.

3-§. Товарларни даврий декларациялашнинг иккинчи босқичи

33. ДБЮД учун белгиланган муддат тугагунига қадар товарлар божхона чегарасидан тўлиқ олиб ўтилган тақдирда декларацияловчи шахс томонидан тўлиқ БЮД тақдим этилади.

34. ДБЮД расмийлаштирилган санадан олтиш календарь кундан ошмаган муддатда тўлиқ БЮД тақдим этилиши лозим.

ДБЮД учун белгиланган муддат тугагунига қадар товарлар божхона чегараси орқали тўлиқ олиб ўтилмаган ҳолларда, декларацияловчи шахс томонидан ушбу муддатга қадар божхона чегараси орқали ҳақиқатда олиб ўтилган товарларга нисбатан тўлиқ БЮД тақдим этилади.

35. Иккинчи босқичда расмийлаштириладиган БЮДда божхона тўловлари суммасини ҳисоблашда ДБЮД қабул қилинган кунда амалда бўлган божхона тўловлари ставкалари ва хорижий валюталар курслари қўлланилади.

Агарда тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш натижасида ҳисобланган божхона тўловлари суммаси ДБЮДда кўрсатилган тўловлар суммасидан ортадиган бўлса, улар қўшимча тўланади, камайиш ҳолатларида эса божхона органи ўртадаги фарқни тўловчига Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига белгиланган тартибда қайтарилади ёки тўловчининг хоҳишига кўра уни кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилади.

36. Божхона чегараси орқали олиб ўтилган товарларнинг умумий миқдори ДБЮДда кўрсатилган миқдорга мос бўлиши лозим.

Товарлар белгиланган муддатларда ДБЮДда кўрсатилган миқдордан ортиқ импорт қилинганда ёки экспортга олиб чиқилиши назарда тутилганда, товарларнинг ушбу ортиқча қисмига нисбатан янги БЮД тақдим этилган куни амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

37. ДБЮДни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3220, 2020 йил 10 февраль) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

38. Тўлиқ БЮД қуйидаги ҳолларда расмийлаштирилмайди:

ДБЮДда кўрсатилмаган товарлар импорт қилинганда ёки экспортга олиб чиқилиши назарда тутилганда;

қолган товарлар туркуми олиб кирилганда дастлабки товарлар туркумини божхона расмийлаштирувидан ўтказишда кўрсатилмаган, иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилишига таъсир кўрсатувчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда;

дастлабки товарлар туркумини расмийлаштиришда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатларни қолган туркум товарларни олиб киришда тақдим этмаганда;

ДБЮД учун белгиланган муддатга қадар тўлиқ БЮД тақдим этилмаган тақдирда (агар божхона декларациясини тақдим этиш муддатининг тугаши божхона органи ишдан ташқари вақтига, дам олиш ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, божхона органининг кейинги иш куни шу муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади).

Мазкур бандда келтирилган ҳолатларда расмийлаштирилган ДБЮДни бекор қилиш чоралари кўрилади ҳамда янги БЮД Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 261-моддасида белгиланган муддат ичида тақдим этилиши шарт.

39. БЮД мазкур Низомнинг 31-банди биринчи хатбошисига мувофиқ тартибда қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ИМ» ёки «ЭК».

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамдан иборат коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмасида «ППЕ» белгиси кўрсатилади.

2) БЮДга айнан ДБЮДга берилган тартиб рақам қўйилади.

4-боб. ТББЮДни расмийлаштириш тартиби

1-§. Товарларга ТББЮД тақдим этиш шартлари

40. Декларант ёки божхона брокери ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра декларацияни тўлдириш учун барча зарур ахборотга эга бўлмаса, ТББЮД товарни идентификациялаш имконияти бўлиши шарти билан берилиши мумкин.

ТББЮД қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

божхона тўловлари шартли божхона қийматини аниқлаш асосида тўланган товарлар;

зарур ҳужжатлар (бундан мувофиқлик сертификати ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлар мустасно) ва маълумотлар тақдим этилмаган товарлар;

божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган ҳолда эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига мувофиқ расмийлаштирилган товарлар.

41. ТББЮДга декларант ёки божхона брокери, агар божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида алоҳида маълумотларни тақдим этиш учун бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, ТББЮД божхона органи томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан олтмиш календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда этилмаган маълумотларни ва лозим даражада тўлдирилган тўлиқ БЮДни тақдим этиш ҳақидаги ёзма мажбуриятни илова қилади.

ТББЮДга мувофиқ расмийлаштирилган товарларни учинчи шахслар-

га бериш, шу жумладан уларни сотиш ёки ўзга усулда бошқа шахсга ўтказиш орқали бериш тақиқланади, мазкур товарларни олиб киришга доир чекловлар ушбу товарларнинг сифати ва хавфсизлиги текширилиши муносабати билан белгиланган ҳолларда эса, ҳар қандай шаклда фойдаланиш (ишлатиш) мумкин эмас.

ТББЮД қўлланилган ҳолда декларациялашда лозим даражада тўлдирилган тўлиқ БЮД аввал бошда берилганидаги каби божхона органларининг зиммасига қонунчилик ҳужжатларининг қайси талаблари ва шартлари бажарилиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган бўлса, ўша талаблар ва шартлар, шу жумладан божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби қўлланилади.

2-§. ТББЮДни расмийлаштиришнинг биринчи босқичи

42. ТББЮД ва БЮДларни ҳамда божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон ёки қоғоз шаклларда тақдим этилиши мумкин. Бунда ТББЮДда божхона мақсадлари учун зарур бўлган маълумотлар акс эттирилган бўлиши керак.

ТББЮДда кўрсатилган товарларнинг тўлиқ миқдори учун божхона режими шартларига мувофиқ амалда бўлган божхона тўловлари ставкалари бўйича божхона тўловлари ҳисобланади.

43. Товарларни ТББЮД билан расмийлаштиришда қуйидагилар тақдим этилади:

транспорт (транспорт туридан келиб чиқиб, коносамент ёки юк хати) ва тижорат (инвойс) ҳужжатлари;

тўлиқ тўлдирилган божхона юк декларациясини ва етишмаган маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги ёзма мажбурият.

44. Ушбу Низомнинг 43-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотлар мавжуд бўлмаганида, ёхуд нотўғри ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилганда ТББЮД расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

3-§. ТББЮДни расмийлаштиришнинг иккинчи босқичи

45. ТББЮД ва тўлиқ БЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) 19¹-бобига мувофиқ тартибда тўлдирилади.

46. Божхона пости тўлиқ БЮДни тақдим этиш муддатлари ва ТББЮДга мувофиқ расмийлаштирилган товарларга нисбатан тақиқ ва чеклов бўйича шартлар бажарилишини назорат қилади ва уларнинг электрон ҳисобини юритади.

47. ТББЮД билан расмийлаштирилган товарлар бўйича олтмиш календарь кун ичида тўлиқ БЮД расмийлаштирилмаган тақдирда, ваколатли шахс

ихтиёрига кўра ушбу товарлар Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига қайтариб чиқариб юборилиши мумкин.

Бунда, товарлар ТББЮД расмийлаштирилган куни қандай ҳолатда бўлса, амалда шундай ҳолатда божхона ҳудудидан олиб чиқилиши лозим, бундан товар ҳолатининг табиий эскириши ёки ташиш ва (ёки) сақлаш нормал шароитларида камайиши оқибатида рўй берган ўзгаришлар мустасно.

ТББЮДни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайтариб олиш ва бекор қилиш Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3220, 2020 йил 10 февраль) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

48. Товарларни «экспорт» божхона режимида расмийлаштиришда ТББЮДни расмийлаштириш мазкур боб талаблари асосан амалга оширилиши мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

49. Ушбу Низом қоидаларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

50. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

***Савдо-саноат
палатаси раиси***

А. ИКРАМОВ

2021 йил 31 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

248 Давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3297

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги **қарор қилади:**

1. Давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги 3, 01/27-26/27-сон «Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2744, 2015 йил 24 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 51-сон, 642-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 март,
24-ҚҚ-сон

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 март,
2744-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 5 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг 2021 йил 27 мартдаги
24-ҚҚ-сон ва Давлат активларини бошқариш
агентлигининг 2021 йил 23 мартдаги
2744-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини
амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддасига мувофиқ давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомга мувофиқ, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш жараёнида реализация қилинадиган, шу жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк баҳолаш объекти ҳисобланади.

2. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни баҳолашнинг хусусияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан белгиланади.

2-боб. Мол-мулкни баҳолаш

3. Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш мазкур Низом билан белгиланган тартибда давлат ижроچиси томонидан амалга оширилади.

4. Давлат ижроچиси алоҳида кўчар мол-мулкнинг шартномавий нарҳини фақат алоҳида олинган мол-мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, мол-мулкнинг жами қиймати эса базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан ошмаган тақдирдагина, баҳоловчи ташкилотни жалб этмаган ҳолда мустақил белгилаши мумкин, автомото-транспорт воситалари бундан мустасно.

5. Қўйидаги мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилот жалб қилинади:

- а) автомототранспорт воситалари;
- б) дастгоҳ ва ускуналар ҳамда ишлаб чиқариш линиялари;
- в) кўчмас мулк;

г) фонд биржасининг расмий листингига киритилмаган ва марказлаштирилган тартибда котировка қилинмаётган қимматли қоғозлар.

Фонд биржасининг расмий листингига киритилган қимматли қоғозларнинг қиймати давлат ижрочиси томонидан ушбу қимматли қоғозлар бўйича фонд биржасига ёзма сўровнома юбориш орқали белгиланади.

6. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимосди савдоси бошланадиган бошланғич реализация қилиш нархи суд қарори билан белгиланади.

7. Мол-мулк давлат ижрочиси томонидан мустақил баҳоланганда мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ қарор чиқарилади.

8. Мол-мулк баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланган ҳолларда давлат ижрочиси мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ баҳолаш натижаларини қабул қилиш ва ижро иши ҳужжатларига бириктириш тўғрисида қарор чиқаради.

3-боб. Мол-мулкни баҳолаш учун шартнома тузиш

9. Ижро ҳужжатлари бўйича реализация қилинадиган мол-мулкни баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ёки унинг ҳудудий бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ва энг мақбул ва арзон нархлар таклиф қилаётган баҳоловчи ташкилот ўртасида шартнома тузилади. Шартномада баҳоловчи ташкилотнинг хизмат ҳақини тўлаш бўйича шартлар кўрсатилади.

Шартнома кейинчалик узайтириш ҳуқуқи билан бир йил муддатга тузилади. Шартномани узайтиришда баҳоловчи ташкилот томонидан мазкур шартнома шартларига тўлиқ риоя этилганлиги ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган талаблар бузилмаганлигига эътибор қаратилади.

Баҳоловчи ташкилот шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида буюртмачига зарар етказилганлиги учун унинг олдида жавобгар бўлади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар тарафлардан бирининг уни бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризаси келиб тушмаган тақдирда шартноманинг муддати бир йилга узайтирилган ҳисобланади.

4-боб. Давлат ижрочиси томонидан мол-мулкни баҳолаш

11. Мол-мулк мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ давлат ижрочиси томонидан мустақил баҳоланганда мол-мулкнинг алоҳида олинган шартномавий нархи унинг ички бозорда талаб ва таклиф конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари асосида баҳолаш кунида амал қилиб турган нархининг 70 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Давлат ижрочиси мол-мулкнинг нархини аниқлашда бозордаги мавжуд

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талаб ва таклифлар тўғрисидаги очиқ маълумотлар (бозор маъмуриятидан олинган маълумот, интернетдан олинган ахборот ёки мутахассис хулосаси)га асосланади.

12. Давлат ижрочиси томонидан мустақил баҳоланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг шартномавий нархи мол-мулк хатлангандан кейин ўн кундан кечиктирмасдан белгиланиши лозим.

13. Мол-мулкни баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилингандан эътиборан унинг нусхаси уч иш кунидан кечиктирмасдан тарафларга юборилади.

5-боб. Баҳоловчи ташкилот томонидан мол-мулкни баҳолаш

14. Баҳолашнинг умумий шартлари баҳолаш фаолияти тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

15. Ижро ҳаракатлари давомида давлат ижрочиси мол-мулкнинг фарқловчи белгилари (тури, нави, маркаси, ўлчами ва ҳ.к.) ва ҳақиқий ҳолатини кўрсатган ҳолда рўйхатини тузади.

16. Сотиладиган мол-мулкнинг бошланғич нархини белгилаш учун давлат ижрочиси баҳолаш тўғрисидаги қарори билан баҳоловчи ташкилотни жалб қилади.

17. Баҳолаш муддати ва баҳоловчи ташкилотнинг хизмат ҳақи давлат ижрочиси ва баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланиб, бу ҳақда баённома тузилади. Бунда баҳолаш муддати ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддат инobatга олинган ҳолда белгиланади, бироқ ушбу муддат баҳоловчи ташкилотга шартномага мувофиқ барча ҳужжатлар тақдим қилинган кундан эътиборан 15 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Баҳоловчи ташкилотга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ёки унинг ҳудудий бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

18. Баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш объектига нисбатан белгиланган тугатилиш қиймати давлат ижрочиси учун мол-мулкнинг бошланғич савдо нархини белгилашга асос бўлади.

19. Баҳолаш объектларининг тугатилиш қиймати (Слик) уларнинг бозордаги қиймати асосида қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$C_{\text{лик}} = C_{\text{бозор}} * (1/k) * (1 - e^{\ln(1-k)} * (t_{\text{лик}}/t_{\text{норм}})), \text{ бунда:}$$

$C_{\text{лик}}$ — мумкин бўлган экспозиция давридан ($t_{\text{норм}}$) қисқароқ, уни экспозиция қилишнинг белгиланган даврига ($t_{\text{лик}}$) мос бўлган баҳолаш объектининг тугатилиш қиймати, сўм;

$C_{\text{бозор}}$ — баҳоланаётган объектнинг бозордаги қиймати (сўм);

k — объект сотилиши мумкин бўлган энг охириги нархини назарда тутувчи коэффициент;

$t_{\text{норм}}$ — баҳолаш объекти ички бозорда экспозиция қилинадиган ўртача муддат

$t_{\text{лик}}$ — объектининг реализацияси учун белгиланган муддат;

\ln — табиий логарифм;

e — табиий логарифмга асос қилиб олинадиган сон (2,718).

Баҳолаш объекти ички бозорда экспозиция қилинадиган ўртача муддат ($t_{\text{норм}}$) (ой)

Объект номи	Муддат
Автотранспорт воситалари	
Енгил автомашиналар	2 ой
Юк автомобиллари	3 ой
Махсус транспортлар	4 ой
Бошқа турдаги транспорт воситаси	6 ой
Усуналар	
Машиналар, механизмлар, дастгоҳлар	4 ой
Технологик линиялар	6 ой
Кўчмас мулклар	
Турар жойлар	3 ой
Савдога мўлжалланган кўчмас мулклар	4 ой
Офисга мўлжалланган кўчмас мулклар	6 ой
Омборлар	6 ой
Ишлаб чиқаришга мўлжалланган кўчмас мулклар	9 ой
Мулкий комплекс	12 ой

Объектининг реализацияси учун белгиланган муддат ($t_{\text{лик}}$) (ой)

Объектининг реализацияси учун белгиланадиган муддат давлат ижро-чиси томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан тайинланади.

Баҳолаш объекти сотилиши мумкин бўлган энг охириги нархини назарда тутувчи коэффициент (k)

K	Кўчар мол-мулк	Кўчмас мол-мулк
	0,95	0,9

Ҳар қандай мол-мулкнинг мазкур формула ёрдамида ҳисобланган ликвид қиймати унинг бозор қийматининг 70 фоизидан паст бўлган тақдирда ушбу мол-мулкнинг ликвид қиймати унинг бозор қийматининг 70 фоизи миқдорида этиб белгиланади.

20. Агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, давлат ижрочиси баҳолаш натижалари бўйича баҳоловчи ташкилот томонидан тақдим этилган ҳисобот асосида савдога чиқариш учун мол-мулкнинг бошланғич нархини белгилайди.

6-боб. Яқуний қоида

21. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БҲЙРУҒИ

249 Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 514-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мқ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2547, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 май,
6-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 5 майдаги
6-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида
иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошиси, 3 ва 4-бандлари, 6-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 42-банднинг биринчи хатбошиси, 178 ва 186-бандлари, 1-илованинг «Архив бўйича» бўлими VIII/12-позицияси, 1а-илованинг «Архив бўйича» бўлими IV/8-позицияси ва 1б-илованинг «Архив бўйича» бўлими VII/12-позицияларидаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «адлия вазирининг буйруғи билан вазирликнинг Ишлар бошқармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) директорининг буйруғи билан Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ишлар бошқармаси» деган сўзлар «Агентлик масъул ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 11-бандда:

иккинчи хатбошидан «туман (шаҳар) ҳокимликларида, туман (шаҳар) ҳокимликларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимларининг (бундан буён матнда консуллик муассасалари деб юритилади) гербли гувоҳномалар билан, эҳтиёжига қараб, Тошкент шаҳри учун тайёрланган сериядаги гербли гувоҳномалар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали таъминланади.»

4. 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Агентликнинг ҳудудий бошқармасида гербли гувоҳномаларни ФХДЁ органларига (Агентликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ҳам), ФХДЁ органларида эса ҚФЙларга тарқатиш дафтарлари юритилади. Қоғоз шаклидаги дафтарлар рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Агентликнинг ҳудудий бошқармаси раҳбари ёки ўринбосари томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим.»

5. 13-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гербли гувоҳномалар Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан тўғридан-тўғри ФХДЁ органлари раҳбарларига, улар вақтинча бўлмаганида (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик ва ҳ. к.) тегишли буйруқ билан уларнинг вазифасини бажариш вақтинча юклатилган ходимга Гербли гувоҳномаларни тарқатиш дафтарига (5-илова) юк хати талабномаси асосида уларнинг лавозими, фамилияси ёзилиб, имзо қўйдирган ҳолда топширилади ва бу ҳақда электрон ахборот тизимига маълумот киритилади. Юк хати талабнома билан берилган гербли гувоҳнома бланкалари сарф қилинганидан кейин ҳисобдан чиқарилади.»

6. 15-банддан «ҳокимликда ҳокимнинг масъул ўринбосари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 16-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. ФХДЁ органлари томонидан Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан гербли гувоҳномаларни қабул қилиб олишда комиссия аъзолари иштирокида ҳар бир гувоҳнома ўрами алоҳида очилган ҳолда текшириб кўрилади. Гувоҳномаларнинг етишмаслиги ёки нуқсонлар борлиги (ҳимоя катакларининг ва босма матннинг йўқлиги ёки бузилганлиги, тартиб рақамларининг такрорийлиги ёхуд бошқа сериялар ёки тартиб рақамлари бўлган, нотўғри шрифтли, нотўғри кесилган ва нотўғри шаклли, серия ва тартиб рақамлари йўқ бўлган ёки ўрам ёрлиғига бошқача тарзда номувофиқ бўлган гувоҳномалар) аниқланган тақдирда, комиссия томонидан уч нусхада далолатнома тузилади ва шу куннинг ўзида Агентликка бу ҳақда хабар юборилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси ўрам ёрлиғининг ксеронусхаси билан Агентликнинг ҳудудий бошқармасида қолдирилади. Далолатноманинг иккинчи ва учинчи нусхалари нуқсонли гувоҳномалар чиққан ўрам ёрлиғи, нуқсони бор гувоҳномалар илова қилинган хат билан уч кун ичида Агентликка жўнатилади. Бунда далолатноманинг иккинчи нусхаси Агентликнинг Моддий-техника таъминоти бўлимида қолдирилади, учинчи нусхаси ўрам ёрлиғи ва нуқсони бор гувоҳномалар билан «Давлат белгиси» ДИЧБга юборилади.»

8. 17-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ФХДЁ органлари томонидан ва ФХДЁ органларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ҚФЙлар томонидан шу куннинг ўзида уларнинг ҳисобга олиниши, сарфланиши ва сақланиши учун масъул шахс томонидан қилинган қилинади.»

9. 18-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. ФХДЁ органида гербли гувоҳномаларнинг ҳисобга олинishi, сарфланиши ва сақланиши учун масъул шахс ўзгарган ҳолларда гербли гувоҳномаларни ва уларнинг ҳисобот ҳужжатларини қабул қилиш-топшириш ишлари Агентликнинг ҳудудий бошқармаси раҳбарининг ўринбосари иштирокида амалга оширилади ва бу ҳақда икки нусхада далолатнома тузилган пайтдан бошлаб гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш масъулияти янги масъул ходим зиммасига юклатилади. Далолатноманинг бир нусхаси ФХДЁ органида, иккинчи нусхаси Агентликнинг ҳудудий бошқармасида сақланади.»

10. 19-банднинг иккинчи хатбошисидан «, туман (шаҳар) ҳокимликлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 21-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат нотариал идоралари» деган сўзлар «нотариал идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 49-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. 16 ёшдан ошган тиббий муассасадан ташқарида ва тиббий ёрдамсиз туғилган болага нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан туғилганлик ҳақидаги маълумотнома расмийлаштирилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади.

Агар бола 16 ва ундан катта ёшда бўлса ва унга нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан расмийлаштирилган туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра қайд этилади.»

13. 52-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви тўлдирилгач, ариза берувчи томонидан ўқиб чиқилиб имзоланади ва унга шу вақтнинг ўзида туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилади.

Бунда, белгиланган тартибда тегишли нафақа тайинланиши учун туғилганлик ҳақида хабарнома масъул ходим томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига электрон ахборот тизими орқали юборилади.»

14. 61-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«61. Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса маъмурияти ёки тиббиёт муассасасининг аризасига биноан амалга оширилади. Болани топиб олган шахс бу ҳақда йигирма тўрт соат мобайнида ушбу тумандаги ички ишлар органига ёки васийлик ва ҳомийлик органига хабар бериши керак.

Ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса ёки тиббиёт муассасаси маъмурияти бола топилганидан кейин етти иш кунидан кечикмаган муддатда шу ҳудуддаги ФХДЁ органларига топиб олинган (ташлаб кетилган) болани қайд этиш ҳақида мурожаат этишлари шарт.

Топиб олинган (ташлаб кетилган) бола туғилганлигини қайд этиш ҳақидаги ариза (18-илова) билан бир пайтда:

ички ишлар органи ёки васийлик ва ҳомийлик органининг боланинг топиб олинган вақти, жойи ва топиб олинган пайтдаги ҳолати тўғрисида бола топиб олинган вақтда тузилган далолатномаси;

тиббий муассасанинг топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг ёши, жинси, вазни ва бўйи ҳақидаги маълумотномаси (хулосаси) тақдим этилиши зарур.

Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ота-онасининг фамилияси, исми ва миллати тўғрисидаги маълумотлар ушбу банднинг иккинчи хатбошисида санаб ўтилган органларнинг кўрсатмалари асосида киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва унинг ота-онаси сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

Онаси томонидан ташлаб кетилган болани қайд этиш бола жойлашган тиббиёт муассасаси ёхуд бола жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи аризасига мувофиқ, боланинг онаси томонидан ташлаб кетилганидан 7 кун ўтмасдан амалга оширилади. Онаси томонидан ташлаб кетилган болани қайд этиш учун ариза билан бир пайтда:

туғруқ бўлиб ўтган ёки туғруқдан кейин она мурожаат қилган тиббиёт муассасаси томонидан берилган туғилганлик ҳақида белгиланган шаклдаги ҳужжат;

бола жойлашган тиббиёт муассасаси томонидан берилган болани ташлаб кетиш тўғрисидаги далолатнома тақдим этилиши зарур.

Онаси томонидан ташлаб кетилган боланинг фамилияси, исми, ота исми тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ота-она тўғрисидаги маълумотлар туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига юқорида кўрсатилган органларнинг кўрсатмасига биноан киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва унинг ота-онаси сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

«Белгилар учун» устунига «Бола топилган» ёки «Ташлаб кетилган» деб ёзилади ва ота-онаси ҳақидаги маълумотлар кимнинг кўрсатмасига асосан ёзилганлиги кўрсатилади.»

15. 81-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ариза дафтарда қайд этилгандан сўнг ФХДЁ органи никоҳланувчи шахсларнинг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролари йиғинини хабардор қилиш учун шу куннинг ўзида маълумотнома тақдим этади.»

16. 107-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ФХДЁ органи эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини, агар улар бирга яшаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши керак.»

17. 111-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

18. 113-банд қуйидаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар вояга етмаган вафот этган шахсга нисбатан ФХДЁ органида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилмаган бўлса, вафот этган

шахсга туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилиб, бу ҳақда ариза берган шахсга маълумотнома берилади, шундан сўнг вафот этган шахсга нисбатан белгиланган тартибда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилади.».

19. 117-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«117. Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилгач ариза берувчига ўлим ҳақида гербли гувоҳнома ҳамда дафн этиш жойига топшириш учун маълумотнома (43-илова) расмийлаштирилади ва мурожаат қилган шахсга тақдим этилади.

Бунда, белгиланган тартибда тегишли нафақа тайинланиши учун ўлим ҳақида хабарнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига электрон ахборот тизими орқали юборилади.».

20. 163¹-банддаги «консуллик муассасасига» деган сўзлар «консуллик муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 166-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Далолатнома ёзувларидан нусхалар (кўчирмалар) ҳокимликлар, Агентлик, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, иш юритувида мавжуд бўлган ишлар муносабати билан нотариуслар, шунингдек ФХДЁ органлари, васийлик ва ҳомийлик органлари ва консуллик муассасаларининг сўровига кўра берилади (юборилади).».

22. 176-банддаги «Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг» деган сўзлар «консуллик муассасаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 178-банддан «ҳокимлик ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

24. 180-банддан, 1-илованинг «Иш режалар, топшириқлар ва уларнинг ижроси бўйича» бўлими Х/3-позициясидан ва 1а-илованинг «VI. Иш режалар, топшириқлар ва уларнинг ижроси бўйича» бўлими VI/3-позициясидан «ҳокимлик,» деган сўз чиқариб ташлансин.

25. 42а-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

250 «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-2

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сон «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2020 й., 10/20/3221/0203-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил учун солиқ ҳисоботи 2020 йилда амал қилган тартиб ва шакллар асосида тақдим этилади.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 апрель,
2021-20-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 6 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил
15 апрелдаги 2021-20-сон қарорига
ИЛОВА

«Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-иловада:

а) Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида:

4 — 6-сатрлар чиқариб ташлансин;

изоҳ чиқариб ташлансин;

б) Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 1-иловасида:

01023-сатр чиқариб ташлансин;

01024-сатрнинг «Сатр коди» устунидаги «01024» рақами «01023» рақамига алмаштирилсин;

изоҳда:

иккинчи — олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 3-иловасида:

012-сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

Солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасига киритилadиган тузатиш (6-илова)	012		
--	-----	--	--

»;

7 — 9-сатрлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 0608-сатр билан тўлдирилсин:

«

тўланмаган солиқларни ҳисобдан чиқариш	0608		
--	------	--	--

»;

изоҳда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 4-иловаси мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

д) Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 5-иловаси ўз кучини йўқотган деб топилсин;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

050-сатрлардан ташқари)» деган сўзлар «Солиқ базаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

0101 ва 0201-сатрларнинг «Кўрсаткичлар» устунидан «Бухгалтерия балансининг 010-сатри» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

0202-сатрнинг «Кўрсаткичлар» устунидан «Бухгалтерия балансининг 011-сатри» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобининг 3-иловасида:

020-сатрнинг «Солиқ солинмайдиган мол-мулк» устунидан «, шу жумладан (0201-сатр + 0202-сатр)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

0201-сатрнинг «Солиқ солинмайдиган мол-мулк» устунидан «маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектлари;» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

0202-сатрнинг «Солиқ солинмайдиган мол-мулк» устунидан «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек ипак курти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулк;» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 0203 ва 0204-сатрлар билан тўлдирилсин:

«

	0203		
	0204		

»;

6. 8-иловада:

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг мева-сабзавот маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд бўлган суғориладиган ва лалми ерлари учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китоби чиқариб ташлансин;

Мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг мева-сабзавот маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд бўлган суғориладиган ва лалми ерлари учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китобига илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 9-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 7-иловасига* мувофиқ тахрирда баён этилсин;

8. 10-иловада:

а) Олинган мақсадли маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоб-китоб мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 8-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин;

б) Мақсадли маблағлар берувчи субъектлар тўғрисида маълумот қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ:

8-устун суммаси Олинган мақсадли маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоб-китобнинг 020-сатрига тенг бўлиши лозим.»;

в) Мақсадли маблағлар йўналтирилган субъектлар тўғрисида маълумотда:

«Маблағнинг сарфланиши асоси» деган сўзлар «Маблағни йўналтириш асоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ:

8-устун суммаси Олинган мақсадли маблағлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоб-китобнинг 070-сатрига тенг бўлиши лозим.».

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 1 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

251 Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3220-1

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон «Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сон қарори (рўйхат рақами 3220, 2020 йил 10 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2020 й., 10/20/3220/0159-сон) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 6 майда эълон қилинган.

олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 март,
01-02/15-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
23 мартдаги 01-02/15-17-сон қарорига
ИЛОВА

Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 8-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«БЮД эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига расмийлаштирилгандан сўнг, ундаги товарлар бўйича тузилган контрактларга қўшимча келишувлар киритилиб, уларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар, хорижий ҳамкорлар ва уларнинг реквизитлари ўзгарган тақдирда»;

2. 14-банддаги «шахс» деган сўз «шахсга» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 26-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида ва 24-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда»;

учинчи хатбоши «тақдим этилганда» деган сўзлардан кейин «, бундан илгари расмийлаштирилган ушбу БЮДлар бекор қилинадиган ҳолатлар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 32-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«муружаат этилаётган йилда расмийлаштирилган БЮДга божхона тўловлари суммаларини қайтариш билан боғлиқ бўлмаган ёки БЮДга экспорт шартномалари бўйича олиб чиқилган товарларнинг халқаро товар биржаларида қиймати ўзгариши сабабли унинг қиймати ва (ёки) божхона тўловлари суммалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан БЮД рўйхатга олинган божхона пости бошлиғига»;

5. 41-банддаги «БЮД рўйхатга олинган божхона органи» деган сўзлар

«БЮД расмийлаштирилган ҳудудий божхона бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Декларацияловчи шахс томонидан БДТнинг 1, 2, 3, 5, 7, 8, 9, 10, 14, 27, 28, 32, 50, 54, «А» ва «В» графалари билан бирга фақат БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган графалари тўлдирилади.

БДТнинг 1, 2, 8, 9-графалари ва БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графалари Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) белгиланган тартибга мувофиқ тўлдирилади.

БДТнинг 3, 5, 7, 7а, 10, 14, 27, 28, 32, 50, 54, «А», «В» ва «D» графалари мазкур Низомнинг 85-бандига мувофиқ тартибда тўлдирилади.»

7. 83-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«83. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 8, 9, 14, 28, 50, 54-графаларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган тақдирда, БДТнинг «А» графасида ўзгартириладиган графалар рўйхати кўрсатилади ва ушбу графалари ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган ҳолда тақдим этилади. Мазкур графаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш лозим бўлмаганда ёки БДТнинг ушбу графаларида бошқа маълумотлар кўрсатиш зарурати юзага келмаганда, БЮДнинг тегишли графаларидаги маълумотлар такрорланади.»

8. 85-бандда:

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85. БДТнинг 3, 5, 7, 7а, 10, 14, 27, 28, 32, 50, 54, «А», «В» ва «D» графалари қуйидаги тартибда тўлдирилади:»;

б) 1-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) 3-графа. «Қўшимча варақлар».

Графанинг биринчи бўлмасида варақнинг тартиб рақами, иккинчи бўлмасида тақдим этилаётган БДТ варақларининг умумий сони (асосий ва қўшимча варақлари йиғиндиси) кўрсатилади.

Масалан, агар БДТ иккита қўшимча варақларга эга бўлса БДТнинг асосий варағида «1/3»; биринчи қўшимча варағида «2/3»; иккинчи қўшимча варағида «3/3» кўрсатилади. Агар БДТ қўшимча варақларга эга бўлмаса «1/1» кўрсатилади.»;

в) қуйидаги мазмундаги 1¹, 1²-кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«1¹) 5-графа. «Товарлар номларининг умумий сони».

Графада БДТнинг 31-графаларида кўрсатилган товарлар номларининг умумий сони ёзилади. Бу сон БДТнинг тўлдирилган 31-графалари сонига мувофиқ бўлиши лозим;

1²) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган БЮДнинг 7-графасидаги БЮДнинг рўйхат рақами кўрсатилади;»;

г) қуйидаги мазмундаги 3¹-кичик банд билан тўлдирилсин:

«3¹) 14-графа. «Декларант/божхона брокери».

Графада БДТни тўлдирган ва божхона органларига тақдим этаётган божхона брокери ёки декларантнинг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилади;

Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг ушбу божхона брокери ёки декларантни СТИРи кўрсатилади;»;

д) қўйидаги мазмундаги 4¹- кичик банд билан тўлдирилсин:

«4¹) 28-графа. «Молия ва банк маълумотлари».

Графада божхона тўловларини тўловчи шахснинг молиявий ва банк маълумотлари кўрсатилади, бунда маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади:

1 — тўловчининг СТИРи/банк СТИРи (божхона тўловлари Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланганда божхона брокери ёки декларантнинг СТИРи кўрсатилади);

2 — банкнинг тўлиқ номи;

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун божхона йиғими ундирилмайдиган ҳолларда графани тўлдириш талаб этилмайди, бундан БЮДнинг 28-графасига ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарур бўлган ҳоллар мустасно.»;

е) қўйидаги мазмундаги 5¹, 5²-кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«5¹) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қўйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

«Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар» деб ёзилгандан сўнг БДТни тўлдиришга асос бўлиб хизмат қилувчи тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларга жавобгар ҳисобланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, телефон рақами (мавжуд бўлса) ва СТИРи (алоҳида майдонда) кўрсатилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар этиб декларант ёки у ишонч билдирган шахс белгиланади.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар декларант ишонч билдирган шахс бўлса, унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг (шартноманинг, ишончноманинг) рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар шахс СТИРи мавжуд бўлмаган норезидент бўлса, у ҳолда шахснинг СТИРи қайд этиладиган жойда «999999999» коди кўрсатилади.

БДТни тўлдиришда декларант ёки у ишонч билдирган шахс томонидан қўшимча ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган бўлса БДТнинг 7-графасида рўйхат рақами кўрсатилган БЮДнинг 50-графасидаги маълумотлар такрорланади.

5²) 54-графа. «Жой ва сана».

Графада 14-графада кўрсатилган шахс номидан БДТни тақдим этаётган декларацияловчи шахс ҳақида қўйидаги маълумотлар кўрсатилади ҳамда

маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдида тартиб рақами қўйилади:

1 — БДТ тўлдирилган жой;

2 — декларацияловчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

3 — декларацияловчи шахснинг телефон рақами;

4 — агар товарларни декларациялаш божхона брокери томонидан амалга оширилаётган бўлса, божхона брокери ва декларант ўртасидаги битим рақами ва санаси кўрсатилади;

5 — декларацияловчи шахс томонидан БДТга берилган рақам қуйидаги тартибда кўрсатилади:

999999999/99.99.9999/999999, бунда:

1 2 3

1-элемент — декларацияловчи шахснинг СТИРи;

2-элемент — БДТ тўлдирилган сана;

3-элемент — декларацияловчи шахс томонидан БДТга берилган тартиб рақами (жорий йилда ўсиш тартибида, йил якунлангач рақамлаш янгидан бошланади).

Декларацияловчи шахс томонидан БДТга берилган рақам қайтарилмаслиги лозим.

БДТда баён этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги декларацияловчи шахснинг ЭРИси билан тасдиқланади.»;

ж) қуйидаги мазмундаги 6¹-кичик банд билан тўлдирилсин:

«6¹) «В» графа. «Ҳисоб-китоб тафсилотлари».

Графада расмийлаштирилган БЮДни ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун ундириладиган божхона йиғими кўрсатилади.

Божхона йиғими БДТнинг формати ва тузилишидан келиб чиқиб, Йўриқноманинг 13-иловасидаги Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ «43» тўлов коди остида кўрсатилади.».

9. 89-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда электрон БЮДнинг фақат 2 (шахснинг СТИРи, юридик манзили (жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили) бўйича туман (шаҳар) коди), 8 (шахснинг СТИРи, юридик манзили (жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили) бўйича туман (шаҳар) коди), 9 (шахснинг СТИРи, юридик манзили (жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили) бўйича туман (шаҳар) коди), 11, 13, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 23, 24, 25, 26, 29, 37 (биринчи иккита рақамдан ташқари), 40, 41, 44, 46-графаларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин, бундан ҳисобланган божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишувини) маълумотларига таъсир этадиган ҳолатлар мустасно.».

10. 93-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«БЮДга тегишли ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш жараёнида божхона органи томонидан унинг «D» графасида расмийлаштирилган БДТнинг рўйхат рақами қайд этилади.».

11. 98-банд «амалга оширилади» деган сўзлардан кейин «, бундан

БДТнинг 10, 14, 28, 50, 54 ва «В» графасидаги БДТга оид маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12. Қуйидаги мазмундаги 98¹-банд билан тўлдирилсин:

«98¹.Расмийлаштирилган БДТнинг 10, 14, 28, 50, 54 ва «В» графасидаги БДТга оид маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш декларантнинг аризасига кўра ҳудудий божхона бошқармасининг рухсати билан ёки божхона органининг талаби асосида амалга оширилади. Бунда декларацияловчи шахс томонидан божхона органига янги БДТнинг 7а-графасида ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш керак бўлган БДТнинг рўйхат рақамини кўрсатган ҳолда тақдим этилади.

Божхона органи томонидан тақдим этилган БДТни расмийлаштириш ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш лозим бўлган БДТни қайтариш орқали мазкур Низомнинг 91-92-бандларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.».

13. Қуйидаги мазмундаги 103¹-банд билан тўлдирилсин:

«103¹. Декларант ёки декларацияловчи шахс божхона расмийлаштируви жараёнида ва ундан сўнг божхона органлари томонидан БЮД ва БДТларда қоидабузарликлар аниқлангунга қадар божхона тўловларининг ҳисоблашга ёки тақиқ, чекловларнинг қўлланилишига таъсир этмайдиган қоидабузарликларни ихтиёрий равишда божхона органи рухсати билан тузатиш ҳуқуқига эга, бундан декларант ёки декларацияловчи шахснинг мурожаатига асосан мазкур Низомда БЮДни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тақиқланган ҳолатлар мустасно.».

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2021 йил 12 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**252 Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3298*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) асосан **буйраман:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 8-моддасига асосан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилиниши ва эълон этилиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддасига мувофиқ илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан зарур ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз ҳуқуқий аҳамиятини йўқотган бўлса, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 1-6/21-90/8-сон тақдимномаси талаблари бажарилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 18-бандига асосан вазирлик ва идоралар томонидан Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги тақдимномаси бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги ушбу ҳужжатларни давлат реестридан чиқаришга ҳақли

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 6 майда эълон қилинган.

эканлиги ва бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлиши;

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 111-бандига асосан қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилиши натижасида юзага келадиган «ҳуқуқий бўшлиқлар» оқибатлари учун ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари жавобгар бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан иловага мувофиқ чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ 2021 йил 10 августдан кучга кириди.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 май,
11-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 6 майдаги
11-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат
реестридан чиқарилаётган айрим идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси томонидан амалга ошириладиган авиаташувларнинг тарифини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллаш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 45, 1994 йил 4 апрель).

2. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан 1998 йил 18 майда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланиш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 460, 1998 йил 31 июль).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1999 йил 28 январда 106-В, 99-14-сон билан тасдиқланган Солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун банк депозиторлари миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартиби (рўйхат рақами 614, 1999 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 1-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 6 июлдаги 15/2, 2001-62-сон «Солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун банк депозиторлари миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартиби»га қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 614-1, 2001 йил 17 июль).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 16 декабрдаги 106-В-2, 2008-49-сон «Солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун банк депозиторлари миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 614-2, 2009 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 3-сон, 17-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 5 ноябрда 19530/03-1-сон билан тасдиқланган Чет элда таълим олган ёш мутахассислар меҳнат фаолиятининг мониторинги тўғрисида низом (рўйхат рақами 836, 1999 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 1999 й., 11-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 июндаги 30/П-сон «Чет элда таълим олган ёш мутахассислар меҳнат фаолиятининг мониторинги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 836-1, 2009 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 357-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита томонидан 1999 йил 8 ноябрда 15/13793-сон билан тасдиқланган «Тошкент» аэропортида дипломатик почта (юк)ни қабул қилиб олиш (жўнатиш) тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 838, 1999 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 1999 й., 11-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат ер ресурслари қўмитаси томонидан 2000 йил 21 апрелда 29-сон билан тасдиқланган Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 926, 2000 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 10-сон).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томонидан 2000 йил 3 июнда тасдиқланган Тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган ҳужжатларини сақлаш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатма (рўйхат рақами 951, 2000 йил 26 июль) (Ўзбекис-

тон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 14-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 31 мартдаги 10/6-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 951-1, 2007 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 205-модда).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/5-сон «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 951-2, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 488-модда).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 14 августдаги 27/2-сон «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 951-3, 2010 йил 8 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 311-модда).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/2-сон «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 951-4, 2011 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 17-сон, 175-модда).

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/13-сон «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 951-5, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 421-модда).

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 21 октябрдаги 28/3-сон «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 951-6, 2017 йил 1 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2017 й., 10/17/951-6/0200-сон).

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 27/3-сон «Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида низом тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1300, 2004 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 36-модда).

18. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия

вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК ва Товар хом ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 21, 01/24-12, 48, 03-181, 01/АА-214-А, 42-01/137-сон «Биржа савдоларида автомобиль бензинини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1346, 2004 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 209-модда).

19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтгазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК ва Товар хом ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 22, 01/24-13, 49, 03-182, 01/АА-214-Д, 42-01/138-сон «Биржа савдоларида дизель ёнилғисини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1347, 2004 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 210-модда).

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 16 апрелдаги 64, 2004-15, 01-02/19-22-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1366, 2004 йил 24 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 253-модда).

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 18 июлдаги 66, 2006-30 ва 01-02/8-9-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1366-1, 2006 йил 18 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 33-сон, 339-модда).

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 26 октябрдаги 90, 2010-45, 01-02/19-19-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1366-2, 2010 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 393-модда).

23. Электр энергияда назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнер-

гоназорат» бошлиғининг 2004 йил 21 майдаги 207-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда).

24. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздав-энергоназорат» бошлиғининг 2005 йил 7 февралдаги 45-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1383-1, 2005 йил 10 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 10-11-сон, 78-модда).

25. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 17 январдаги 1-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар киритишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1383-2, 2012 йил 31 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон, 53-модда).

26. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 5 январдаги 1-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1383-3, 2017 йил 25 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 59-модда).

27. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 22 декабрдаги 8-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларининг 34-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1383-4, 2018 йил 8 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 10/18/1383-4/0526-сон)

28. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўздав-энергоназорат) бошлиғининг 2004 йил 2 августдаги 271-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 379-модда).

29. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўздав-энергоназорат) бошлиғининг 2012 йил 28 февралдаги 3-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига 10-иловага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1400-1, 2012 йил 21 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 12-сон, 138-модда).

30. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 30 декабрдаги 13-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига 10-илованинг 153-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами

1400-2, 2013 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 6-сон, 73-модда).

31. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 13 декабрдаги 119, 2004-63, 01/06-20-сон «Инвесторларга «ноль» харид қиймати бўйича берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан, улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1436, 2004 йил 25 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 52-сон, 527-модда).

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2015 йил 16 февралдаги 11, 2015-5, 01/10-26/04-сон «Инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1436-1, 2015 йил 4 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 103-модда).

33. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 7 ноябрдаги 102, 271-В, 6-сон «Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1522, 2005 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 357-модда).

34. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 132, 271-В-1, 110-сон «Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги»ги қарори (рўйхат рақами 1522-1, 2017 йил 10 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 10/17/1522-1/0086-сон).

35. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздав-энергоназорат» бошлигининг 2005 йил 26 декабрдаги 232-сон «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1546, 2006 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 8-сон, 57-модда).

36. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошли-

гининг 2011 йил 20 апрелдаги 5-сон «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1546-1, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 219-модда).

37. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2013 йил 13 сентябрдаги 8-сон «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1546-2, 2013 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 522-модда).

38. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 10 январдаги 1-сон «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1546-3, 2018 йил 6 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/1546-3/0661).

39. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 19 июлдаги 113, 116-сон «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1614, 2006 йил 18 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 33-сон, 337-модда).

40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2007 йил 2 февралдаги 30, М-22-сон «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1614-1, 2007 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 7-8-сон, 80-модда).

41. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2010 йил 3 августдаги 148, 150-ҚҚ-сон «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларининг 11-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1614-2, 2010 йил 17 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 283-модда).

42. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2011 йил 2 июндаги 8, 30-ҚҚ-сон «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1614-3, 2011 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 244-модда).

43. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2013 йил 1 июлдаги 7, 48-қ/қ-сон «Электр ускуналарини экс-

плуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларининг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1614-4, 2013 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28-сон, 366-модда).

44. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 19 сентябрдаги 82, 281-В-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1627, 2006 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 404-модда).

45. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 31 июлдаги 78, 20/4-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1627-1, 2009 йил 19 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 379-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

253 Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3299*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йи-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 7 майда эълон қилинган.

ли»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 апрель,
26-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 27 апрелдаги
26-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида
расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг расмий веб-сайтида бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш бўйича маълумотларни жойлаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

расмий веб-сайт — Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги тегишли ташкилотга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсдир;

бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очик маълумотлар (бундан буён матнда очик маълумотлар деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 166¹-моддасига ва «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида» Қонунининг 14-моддасига мувофиқ расмий веб-сайтларда эълон қилинадиган, шунингдек бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари ҳақида маълумотлар;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари — қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар;

машинада ўқиладиган формат — маълумотларни дастурий қайта ишланишини таъминловчи, ушбу маълумотларни тақдим этишнинг электрон формати;

очик маълумотларни етказиб берувчи (бундан буён матнда етказиб берувчи деб юритилади) — бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштирувчи биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари маблағларини тасарруф этувчилар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси.

2. Бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда жойлаштириладиган маълумотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

маълумотларни қонуний талаблардан келиб чиққан ҳолда очик, бепул ва машинада ўқиладиган форматларда эълон қилиш ҳамда улардан эркин фойдаланишни таъминлаш;

шахсга доир маълумотларнинг тарқатилмаслигини ёки ошкор қилинмаслигини таъминлаш;

давлат сирини ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотларни, шунингдек, махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

нотўғри маълумотларни ўз ичига олмаслик.

2-боб. Очiq маълумотларнинг ахборот мазмуни ва жойлаштириш муддатлари

3. Етказиб берувчилар ҳар чорак яқунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар ўзининг расмий веб-сайтларига:

а) ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимооти тўғрисида маълумот мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда;

б) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги шакллардаги даврий молиявий ҳисоботлар:

баланс;

ҳаражатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот;

давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ҳамда ҳаражатлари ижроси ҳақидаги маълумотлар;

бюджет ташкилотларининг тармоқ, штатлар ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар;

в) капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда;

г) ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 3-иловасига*, асосий воситаларни харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 4-иловасига*, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 5-иловасига* ҳамда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган танловлар (тендерлар) тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклларда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Очiq бюджет» ахборот порталида бюджет ташкилотларининг ҳаражатлари ижроси, бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва ҳаражатлари ҳамда давлат харидлари юзасидан маълумотларни тизимлаштирилган ҳолда туман (шаҳар)лар кесимида жойлаштириб боради.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини

* 1 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг расмий веб-сайтларига ҳар чорак яқунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай жойлаштириб боради.

Бунда маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мазкур Низомнинг 7-иловасига* мувофиқ шаклда ва биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига* мувофиқ шаклда ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини мазкур Низомнинг 9 ва 10-иловаларига* мувофиқ шаклда, шунингдек тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 11 ва 12-иловаларига* мувофиқ шаклда ўзларининг расмий веб-сайтларига ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан, йиллик ҳисоботларни йил яқунлари бўйича кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жойлаштириб боради.

6. Давлат молиявий назорати органлари молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни, ҳар чорак яқунларига кўра эса назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва ижобий натижалар ҳақидаги маълумотларни чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига мазкур Низомнинг 13-иловасига* мувофиқ шаклда жойлаштириб боради.

7. Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган маълумотлар билан бирга давлат мақсадли жамғармаларидан субсидиялар ва кредит олувчилари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 14-иловасига* мувофиқ шакл бўйича ҳар чорак яқунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасидан кечиктирмай ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириб боради.

8. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 15-иловасига* мувофиқ шаклда ҳар чорак яқунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Очиқ бюджет» ахборот порталига:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва

* 7 — 15-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чорагининг якунларига кўра, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар;

давлат қарзининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги иккинчи ойнинг 25 санасига қадар жойлаштириб боради.

10. Етказиб берувчиларнинг расмий веб-сайтларида «Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ маълумотлар» бўлими очилади ва очиқ маълумотлар ушбу бўлимга жойлаштириб борилади. Мазкур бўлимда жойлаштириб бориладиган маълумотлар давлат тилида тақдим этилиши зарур. Бўлим бошқа тиллардаги тенг қийматли ёки қисқартирилган версияларига эга бўлиши мумкин.

«Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ маълумотлар» бўлимига маълумотлар жойлаштирилганда, янгиланганда ёки ўзгартирилганда расмий веб-сайтнинг янгиликларда ёритиб бориладиган саҳифасида тегишли чорак бўйича маълумотлар жойланганлиги юзасидан хабар қолдирилиши керак.

11. Очиқ маълумотлар машинада ўқиладиган форматда (XLSX, CSV, XML, JSON, PDF) эълон қилиниши керак. CSV форматида ясси жадвал шаклига эга маълумотлар эълон қилиниши керак, бунда ёзув таркибида сатрни кўчириш симболидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Мураккаб иерархияли маълумотларни XML форматида эълон қилиш зарур.

3-боб. Очиқ маълумотларни жойлаштириш тартиби

12. Етказиб берувчи қўйидагиларга:

расмий веб-сайтларнинг «Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ маълумотлар» бўлимида очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш масалалари бўйича масъул ходим ва унинг алоқа маълумотлари ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлашга;

ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган очиқ маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва долзарблигини таъминлашга;

ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган очиқ маълумотларнинг асоссиз ўчириб ташламаслигига ва доимий сақланишига;

ўзининг расмий веб-сайтини янгиланганда, олдинги даврда жойлаштирилган очиқ маълумотларни янгиланган расмий веб-сайтда тўлиқ ҳажмда ўтказилишига;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда очиқ маълумотларни даврий янгиланган борилишини таъминлашга мажбур.

13. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари мавжуд бўлмаган ҳолларда мазкур Низомнинг 2 ва 7-бандларида белгиланган маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари расмий веб-сайтларида жойлаштиради. Бунда очиқ маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, долзарблиги ва ўз вақтида жойлаштирилиши юзасидан жавобгарлик тегишлилиги бўйича

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юклатилади.

14. Худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг расмий веб-сайтлари мавжуд бўлмаган ҳолларда мазкур Низомнинг 2 ва 7-бандларида белгиланган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

*Ҳисоб палатаси раисининг
биринчи ўринбосари*

Б. ТУРАБОВ

2021 йил 24 апрель

*Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори*

А. БУРХАНОВ

2021 йил 14 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

254 **Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3300

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 апрель,
5/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
2 апрелдаги 5/10-сон қарорига
1-ИЛОВА

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида» ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан фаолиятни амалга оширишда уларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 7 майда эълон қилинган.

1-боб. Микрокредит ташкилотлари томонидан фаолиятни амалга оширишда уларга қўйиладиган талаблар

1-§. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ микрокредит ташкилотлари микрокредит, микроқарз, микролизинг беришни, шунингдек бошқа турдаги микромолиявий хизматларни кўрсатишни, шу жумладан истеъмол кредитларини беришни ҳамда факторинг операцияларини амалга оширади.

2. Микрокредит ташкилотлари фаолиятни амалга оширишда банклардан кредитлар, юридик шахслардан ҳамда жисмоний шахс — таъсисчилардан (иштирокчилардан, мулкдорлардан) қарз маблағларини жалб этишга ҳақли.

3. Микрокредит ташкилоти барқарор фаолият кўрсатиши учун шакллантирилган жами хусусий капиталнинг миқдори микрокредит ташкилотининг жами активларининг 10 фоиздан кам бўлмаган даражада бўлиши керак.

4. Микрокредит ташкилотлари барча таъминотсиз (ишончга асосланган) микрокредитларнинг (микроқарзларнинг) улар шакллантирган устав фондига фоиз нисбатини мустақил равишда белгилайди.

5. Микромолиявий хизматлар кўрсатишда фойдаланилмаган ва микрокредит ташкилоти ихтиёрида қолган пул маблағлари депозит сифатида банка қўйилиши мумкин.

6. Микрокредит ташкилоти фаолияти давомида вужудга келган зарарларни қоплаш учун захира фонди яратилиши кўзда тутилиши мумкин ва унинг миқдори микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

2-§. Микрокредит ташкилотларининг активлари сифатини таснифлаш

7. Микрокредит ташкилотининг таваккалчиликка эга барча активлари, шу жумладан, берган микрокредитлари, микроқарзлари, микролизинг ва факторинг хизматлари, бошқа кредит ташкилотларига барча талаблари, гаровга олинган мулкка эгалик ҳуқуқини қўллаган ҳолда ундириб олинган мулклари мазкур Низомга мувофиқ ўз вақтида ва тўғри таснифланиши ва уларга активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираси (бундан буён матнда активлар бўйича захира деб юритилади) яратилиши шарт.

8. Микрокредит ташкилотининг активлари сифатига кўра «стандарт», «субстандарт», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланади.

9. Микрокредит ташкилотининг активлари сифати қуйидагича таснифланади:

асосий қарз ва (ёки) фоизлар ўз муддатида қайтарилишига шубҳа туғдирмайдиган активлар — «стандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 31 кундан 60 кунгача кечиктирилганда — «субстандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 61 кундан 90 кунгача кечиктирилганда — «шубҳали»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 91 ва ундан ортиқ кунга кечиктирилганда «умидсиз».

Асосий қарз ва (ёки) унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўлов муддати 30 кундан ўтган қарздорлиги мавжуд активларнинг сифати «стандарт» деб таснифланиши мумкин эмас.

10. Активларнинг қуйида келтирилган асосий шартларидан ҳеч бўлмаганда биттаси ўзгартирилган бўлса, улар шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади:

фоиз ставкасининг пасайтирилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) қайта молиялаш ставкаси пасайиши муносабати билан фоиз ставкасининг пасайтирилиши ҳолатлари бундан мустасно;

асосий қарздан қисман воз кечилиши;

фоизларга доир тўловларнинг бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;

активнинг асосий ва (ёки) фоизларининг тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши, ойлик тўловлар санаси ўзгартирилиши бундан мустасно;

таъминот турининг ўзгартирилиши, бундан активнинг бир қисми қайтарилганлиги муносабати билан таъминотдан чиқарилган ёки гаров ўзгартирилгандан сўнг гаровнинг актив қолдиғига нисбати микрокредит ташкилотининг ички ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан кам бўлмаган миқдорда алмаштирилган ҳолатлар мустасно.

11. Шартлари қайта кўриб чиқилган активлар бўйича асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 30 кунгача кечиктирилганда «субстандарт» актив сифатида, асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 31 кундан 60 кунгача кечиктирилганда «шубҳали» актив сифатида, асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 61 ва ундан ортиқ кунга кечиктирилганда «умидсиз» актив сифатида таснифланади.

12. Активлар сифати уларнинг шартлари қайта кўриб чиқилиши билан дарҳол олдинги таснифланган тоифадан яхшироқ тоифада таснифланиши мумкин эмас.

Активларнинг муддати қайта кўриб чиқилгандан кейин қайтариш жадвалига асосан камида кетма-кет 3 та тўлов тўлиқ ва ўз вақтида тўланган тақдирда, уларнинг сифати бир поғона юқори таснифланиши мумкин.

13. Активлар сифатини таснифлаш ва уларни микрокредит ташкилоти балансида акс эттириш микрокредит ташкилоти ва қарздор ўртасида тузилган шартнома шартларини ўзгартирмайди, шу жумладан шартнома шартларига мувофиқ микрокредит ташкилоти томонидан асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни, шунингдек шартнома шартларини бажармаганли-

ги учун жарима ва пеняларни тўлиқ миқдорда қарздордан ундириш ҳуқуқини бекор қилмайди.

14. Алоҳида ҳолларда (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятларда қарздор томонидан микрокредит ташкилоти олдидаги мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш имконияти бўлмаганда) активлар сифатини таснифлаш ва уларнинг шартлари қайта кўриб чиқилмаган деб ҳисобланиши Марказий банк томонидан белгиланиши мумкин.

3-§. Активлар бўйича захираларни яратиш ва улардан фойдаланиш

15. Сифати «стандарт» деб таснифланган активлар бўйича захира яратиш талаб қилинмайди. Сифати «субстандарт» деб таснифланган активлар бўйича унинг асосий қисми қолдигининг 25 фоизи, «шубҳали» деб таснифланган активлар бўйича — 50 фоизи, «умидсиз» деб таснифланган активлар бўйича — 100 фоизи миқдорда захира яратилади.

16. Активлар бўйича захираларнинг яратилиши даврий равишда ҳар ойнинг сўнгги санасига қадар камида бир марта ҳар бир актив бўйича амалга оширилиши шарт.

Активлар бўйича яратилган захира харажатлари Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

17. Микрокредит ташкилотининг ижро этувчи органи активлар бўйича захираларнинг доимий равишда етарли эканлигини таъминлаш учун жавобгардир.

18. Мазкур Низом талаблари асосида таснифланган активлар бўйича етарли даражада захира яратилмаган ҳолларда Марказий банк активлар бўйича захираларни яратиш бўйича қўшимча ажратмаларни амалга оширишни талаб қилишга ҳақли.

19. «Умидсиз» деб таснифланган активлар микрокредит ташкилотининг юқори бошқарув органи қарорига асосан тегишли захиралар эвазига ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Активнинг ҳисобдан чиқарилиши активнинг қисман ёки тўлиқ қайтарилиши мумкинлигини инкор этмайди.

20. Микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи молиявий йил якуни бўйича микрокредит ташкилоти иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишида сифати «умидсиз» деб таснифланган активларни ундириш бўйича қўлланган чора-тадбирлар ҳақида ҳисобот бериши лозим.

2-боб. Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш

1-§. Умумий қоидалар

21. Ломбардлар шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни

закалат шаклида гаровга (бундан буён матнда гаров деб юритилади) қабул қилиб, фуқароларга қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатга) кредитлар беради ҳамда фуқаролардан шахсий истеъмомга мўлжалланган кўчар ашёларни сақлашга қабул қилади.

22. Фуқаролардан шахсий истеъмом учун мўлжалланган кўчар мол-мулкларни (ашёларни) ломбардда гаровга қўйиш, сақлаш, ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёларни сотиш ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка ундирувни қаратиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

23. Ломбардлар томонидан фуқароларга кредитлар бериш ва кўчар ашёларни сақлашга қабул қилиш тегишли шартномалар асосида амалга оширилади. Ломбард шахсни тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-карта, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳнома-си, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари ёки ID-карталари, ҳарбий билет ёки ҳарбий қисмлар ёхуд ҳарбий муассасалар томонидан бериладиган шахсини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим этганида, фуқаролар билан шартномалар тузади.

24. Ломбард, зарур ҳолларда, гаровга ёки сақлашга топшириладиган мол-мулкка (ашёга) эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки бошқа далилларни талаб қилишга ҳақли.

25. Ломбардлар операцияларни ушбу Низом, ломбарднинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган операцияларни ўтказиш умумий шартлари тўғрисидаги қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ амалга оширади.

26. Операциялар ўтказишнинг умумий шартлари тўғрисидаги қоидалар қуйидаги маълумот ҳамда тартибларни ўз ичига олиши керак:

бериладиган кредитларнинг муддатлари ва суммасининг энг кўп миқдори; бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг энг кўп миқдори; ломбард томонидан олинмаган таъминотга қўйиладиган талаблар; мол-мулкни сақлашга қабул қилиш қоидалари; кўрсатиладиган хизматлар учун фоиз ставкалар ва тўловлар; ломбард ҳамда унинг мижозлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг, уларнинг жавобгарлиги вужудга келиши шартлари; гаровга қўювчи гаров паттасини йўқотганида дубликат бериш тартиби; операциялар ўтказишнинг умумий шартларига киритилиши зарур деб ҳисоблаган бошқа шартлар, талаблар ва чекловлар.

Ломбард томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар фақат миллий валютада белгиланади.

27. Операцияларни ўтказишнинг умумий шартлари очиқ маълумотлар ҳисобланади ва улар ломбарднинг мижозлар кўриши мумкин бўлган жойлардаги стендларда, техник воситаларда ёки ломбарднинг веб-сайтида (агар мавжуд бўлса) эълон қилинади.

28. Ломбарднинг ички қоидаларида қуйидагилар белгиланиши лозим: ломбарднинг ташкилий тузилиши, унинг вазифалари ва функциялари;

рахбар ва бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ломбарднинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ломбард номидан ва унинг ҳисобидан битимларни амалга оширишдаги ваколатлари.

29. Ломбардлар банклардан кредитлар, юридик шахслардан ва жисмоний шахс-иштирокчилардан (мулкдорлардан) қарз маблағларини жалб этишга ҳақли. Бунда, жами жалб этилган маблағлар ҳажми (қолдиқ) ҳақиқатда шакллантирилган устав фонди (устав капитали) миқдоридан ошмаслиги керак.

2-§. Кредитларни расмийлаштириш ва бериш тартиби

30. Гаров асосида кредитнинг берилиши ломбард билан фуқаро ўртасида тузиладиган кредит шартномаси ва гаров шартномаси асосида амалга оширилади.

Ломбардда мол-мулкларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги гаров паттасини бериш йўли билан расмийлаштирилади.

31. Кредитнинг суммаси ва муддати, шунингдек, бериладиган кредит бўйича фоиз ставкаси томонларнинг келишувига асосан мазкур Низом талабларини инобатга олган ҳолда белгиланади.

32. Кредит олиш учун ломбардга гаровга топшириладиган мол-мулк томонлар келишувига асосан баҳоланади.

33. Ломбард қуйидагиларни бажариши шарт:

гаров нарсасини хавфсиз сақлаш учун чоралар қўриши;

гаров нарсаси йўқолиши хавф-хатари пайдо бўлганлиги ёки шикаст етказилганлиги тўғрисида гаровга қўювчига дарҳол хабар бериши;

кредит шартномасининг шартлари бажарилганида гаров нарсасини мулк эгасига ёки учинчи шахсга белгиланган тартибда расмийлаштирилган мулк эгасининг ишончномаси асосида дарҳол қайтариши;

гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши;

гаровга қўювчининг талабига асосан кредит шартномасидан келиб чиққан мажбуриятларнинг гаровга қўювчи ёки учинчи шахс томонидан қисман ёки тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи маълумотнома бериши.

34. Ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли.

35. Гаровга қўйилган ашёларни сотишдан тушган сумма, агар шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, кредит, кредит бўйича фоиз-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар, неустойка, ижро муддати ўтганлиги натижасидаги зарарларни қоплаш, шунингдек, сақлаш ва суғурта учун тўлов, гаровга олинган мол-мулкнинг сотилиши бўйича харажатларни қоплашга қаратилади.

36. Агар гаровга қўйилган мол-мулкнинг сотилишидан тушган сумма ломбарднинг талаблари миқдоридан ошса, тафовути гаровга қўювчига тўланади.

37. Ломбарднинг талаблари меъёридан ошган ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг сотилиш кунидан уч йил давомида талаб қилиб олинмаган сумма ломбарднинг ихтиёрида қолади.

3-§. Ломбардда мол-мулкларни сақлаш

38. Ломбардда ашёларни сақлаш шартномаси ломбард томонидан юк топширувчига (мижозга) мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги эгасининг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

39. Агар, мижоз тез алангаланадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўзи табиатан хавфли ашёларни сақлашга топшириш вақтида уларнинг хусусиятлари тўғрисида ломбардни огоҳлантирмаган бўлса, ломбард ашёларни топширган мижозга қўрилган зарарларини қопламаган ҳолда, уларни хоҳлаган вақтда хавфсизлантириши ёки йўқ қилиши мумкин. Ломбардга ва учинчи шахсларга ушбу ашёларни сақлаш натижасида етказилган зарарларни қоплаш мижознинг зиммасига юклатилади.

40. Ломбардга гаровга ёки сақлаш учун топширилган ашёлар йўқолганда ёки шикастланганда, агар ломбард йўқотиш ёки шикастланиш энгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, ашёлар эгасига, томонлар келишувига кўра, мулкий зарарни гаров паттаси ёки сақлаш паттасида кўрсатилган мол-мулк нархидан ошмаган қийматда тўлаши шарт.

3-боб. Яқуний қоидалар

41. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
2 апрелдаги 5/10-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/4-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборот-номаси, 2003 йил, 23-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/8-сон «Ломбард томонидан ўз фаолиятини ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1290-1, 2017 йил 22 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/1290-1/0291-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/3-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1290-2, 2018 йил 7 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2018 й., 10/18/1290-2/1180-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/8-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1290-3, 2019 йил 3 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2019 й., 10/19/1290-3/3853-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 16 мартдаги 6/3-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1642-1, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 231-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/7-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча кири-

тиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1642-2, 2017 йил 22 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/1642-2/0290-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/1-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1642-3, 2018 йил 7 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2018 й., 10/18/1642-3/1181-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/10-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1642-4, 2018 йил 11 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2018 й., 10/18/1642-4/2310-сон).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/5-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1642-5, 2019 йил 29 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2019 й., 10/19/1642-5/3668-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/3-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан активлар сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2378, 2012 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 340-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

255 Очиқ валюта позициясини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3301

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Очиқ валюта позициясини юритиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 апрель,
8/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
30 апрелдаги 8/1-сон қарорига
1-ИЛОВА

Очиқ валюта позициясини юритиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ очиқ валюта позициялари лимитларини, уларни ҳисоблаш ҳамда банклар томонидан очиқ валюта позициялари лимитларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатларини белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 7 майда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
валюта позицияси — банкнинг чет эл валютасидаги талаб ва мажбуриятларининг ўзаро нисбатини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у банкнинг чет эл валютаси олди-сотди операцияларини ҳамда бошқа операцияларни амалга ошириши натижасида чет эл валютасидаги талаблари ва мажбуриятлари миқдори ўзгариши оқибатида юзага келади;

очиқ валюта позицияси — банкнинг чет эл валютасидаги талаблари миқдори унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари миқдорига мос (тенг) бўлмаган ҳолатдаги валюта позицияси;

узун валюта позицияси — банкнинг чет эл валютасидаги талаблари миқдори унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари миқдоридан ортик бўлган ҳолатдаги очиқ валюта позицияси;

қисқа валюта позицияси — банкнинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари миқдори унинг чет эл валютасидаги талаблари миқдоридан ортик бўлган ҳолатдаги очиқ валюта позицияси;

очиқ валюта позициялари жами миқдори — барча турдаги чет эл валюталари бўйича очиқ валюта позициялари йиғиндиси;

қисқа валюта позициялари жами миқдори — барча турдаги чет эл валюталари бўйича қисқа валюта позициялари йиғиндиси;

узун валюта позициялари жами миқдори — барча турдаги чет эл валюталари бўйича узун валюта позициялари йиғиндиси;

банкнинг чет эл валютасидаги талаблари — банкнинг чет эл валютасидаги активлари ва «кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги талаблар;

банкнинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари — чет эл валютасидаги мажбуриятлар ва «кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги мажбуриятлар;

очиқ валюта позициялари лимитлари — ҳар бир турдаги чет эл валютаси бўйича очиқ валюта позициялари ва очиқ валюта позициялари жами миқдорининг банк регулятив капиталига нисбатини ўзида ифодаловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан ўрнатиладиган лимитлар;

«кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги талаб ва мажбуриятлар — чет эл валютасидаги ҳосилавий (дериватив) молиявий воситалари (фьючерс, форвард, своп, опционлар ва бошқалар) бўйича олди-сотди шартномалари тузилиши натижасида банкда юзага келадиган талаб ва мажбуриятлар.

2-боб. Очиқ валюта позициясини ҳисоблаш тартиби

2. Қуйидагилар очиқ валюта позицияси ўзгаришига таъсир қилувчи операциялар ҳисобланади:

чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш;

чет эл валютасидаги даромадларни ҳисоблаш;

чет эл валютасидаги харажатларни ҳисоблаш;

ҳисоб-китобларни амалга ошириш усули ва шаклидан қатъий назар чет эл валютасидаги ҳосилавий (дериватив) молиявий воситалари (фьючерс, форвард, своп, опционлар ва бошқалар) билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш натижасида чет эл валютасида юзага келувчи талаб ва мажбуриятлар;

чет эл валютасида амалга ошириладиган бошқа операциялар (чет эл валютасида харид қилинган активлар ҳамда валюта қимматликлари билан боғлиқ бошқа битимлар, башарти ушбу битимлар шартларига мувофиқ у ёки бу кўринишда чет эл валютаси айирбошланиши (конверсияси) кўзда тутилган бўлса).

3. Очиқ валюта позицияси ҳисоб-китоби ҳар бир чет эл валютаси учун ҳар бир операция куни якуни бўйича ҳисобот санасидаги Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валютаси курсининг миллий валютадаги эквивалентида амалга оширилади.

4. Очиқ валюта позициясини ҳисоблашда банкнинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари миқдори унинг чет эл валютасидаги талаблари миқдори билан таққосланади. Бунда қисқа валюта позицияси «-» белгиси билан, узун валюта позицияси «+» белгиси билан кўрсатилади.

5. Очиқ валюта позициясининг ҳақиқатдаги жами миқдори барча қисқа ва узун валюта позициялари жами миқдорларини алоҳида ҳисоблашда ҳамда барча очиқ валюта позицияларини ҳисоблашда аниқланади.

Миллий валютадаги баланслаштирувчи позицияни ҳисоблаш учун жами узун валюта позицияларининг миллий валютадаги ҳақиқатдаги қиймати ва жами қисқа валюта позицияларининг миллий валютадаги ҳақиқатдаги қиймати ўртасидаги фарқ олинади. Жами узун позиция йиғиндиси (шу жумладан, миллий валютадаги баланслаштирувчи позиция, агар у узун позиция бўлса) ва жами қисқа позиция йиғиндиси (шу жумладан, миллий валютадаги баланслаштирувчи позиция, агар у қисқа позиция бўлса) ўзаро тенг бўлиши лозим.

6. Очиқ валюта позицияси ҳисоб-китобида банкнинг чет эл валютасидаги талаб ва мажбуриятлари миқдори «Валюталар савдоси ва валюта позициялари» ҳамда «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги қолдиқ асосида аниқланади. Ушбу ҳисобварақларда валюта олди-сотдиси ва бошқа валюта қимматликлари билан боғлиқ операцияларга оид битимларда, шу жумладан битим шартларига кўра, у ёки бу шаклда чет эл валютасини айирбошлаш (конверсия) назарда тутилган операциялардаги миқдор ҳисоби юритилади.

7. Очиқ валюта позицияси чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотишга доир битимлар тузилган санада, шунингдек чет эл валютасидаги фоиз даромадлари (харажатлар) ҳисобланган ва чет эл валютасидаги бошқа даромадлар (харажатлар) ҳисобвараққа киритилган (ҳисобдан чиқарилган) санада юзага келади.

3-боб. Очiq валюта позициялари лимитлари

8. Банкларнинг миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан қиймати ўзгариши билан боғлиқ бўлган валюта таваккалчилигини чеклаш мақсадида Марказий банк бошқарувининг қарори билан банклар учун очiq валюта позициясининг қуйидагилар бўйича лимитлари белгиланади:

- ҳар бир турдаги чет эл валютаси;
- очiq валюта позицияларининг жами миқдори;
- қисқа валюта позициялари жами миқдори;
- узун валюта позициялари жами миқдори.

9. Белгиланган лимитлардан ошган очiq валюта позицияларининг кейинги операция кунига ўтказилишига йўл қўйилмайди. Очiq валюта позициялари белгиланган лимитлардан ошган тақдирда, банк томонидан очiq валюта позицияларини ўрнатилган лимитларгача қисқартириш мақсадида жорий операция куни якунига қадар тегишли баланслаштирувчи операцияларни амалга ошириши лозим.

4-боб. Очiq валюта позициялари лимитларига риоя этилишининг назорати ва банкларнинг ҳисоботи

10. Банклар томонидан очiq валюта позициялари лимитларига риоя этилиши назорати ҳар бир операция куни якуни бўйича консолидациялашган тартибда амалга оширилади.

11. Банклар ўз филиаллари учун очiq валюта позициялари лимитларини мазкур Қоидаларга мувофиқ мустақил тарзда белгилайди ва бу ҳақда уларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади. Лимитларни филиаллар ўртасида операция куни давомида қайта тақсимлашга йўл қўйилади.

12. Банкларнинг очiq валюта позициялари устидан назорат Марказий банк томонидан қуйидагилар асосида амалга оширилади:

ҳар бир банк иш куни учун тақдим этиладиган очiq валюта позициялари тўғрисидаги маълумотлар;

Марказий банк томонидан ўтказилган инспекция (текшириш) натижасида олинган маълумотлар;

банклар ҳисобварақларининг кунлик мониторинги.

13. Банк очiq валюта позициялари лимитларига риоя этмаган тақдирда, Марказий банкка унинг сабаблари ҳамда ушбу ҳолатни бартараф этиш юзасидан банк томонидан қўрилган чораларга оид изоҳни тақдим этиши шарт.

14. Очiq валюта позицияси ҳолати тўғрисидаги ҳисобот банк томонидан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Ҳисоботда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

ҳар бир турдаги чет эл валютаси бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган курс бўйича чет эл валютасининг миллий валютадаги эквиваленти асосида шакллантирилган очiq валюта позициялари (узун ёки қисқа) ва мазкур позицияларнинг банк регулятив капиталига фоиз нисбати;

тегишли баланслаштирувчи операцияларни амалга ошириш натижасида баланслашган валюта позицияси (миллий валютада);

барча очик валюта позициялари йиғиндиси ва унинг банк регулятив капиталига фоиз нисбати.

5-боб. Яқуний қоида

15. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
30 апрелдаги 8/1-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1497, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 215-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 августдаги 610-1-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1497-1, 2015 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 35-сон, 472-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/8-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1497-2, 2017 йил 10 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 10/17/1497-2/0085-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 8 сентябрдаги 29/8-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1497-3, 2018 йил 11 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 10/18/1497-3/2041-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

256 Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3302

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 апрель,
3/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
16 апрелдаги 3/2-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тижорат банкларида ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 4 майда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ички аудит — банкнинг ички назорат тизими, шу жумладан таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарув тизими ва жараёнларнинг сифати, уларнинг монандлиги ва самарадорлигига оид мустақил баҳони тақдим этиш билан боғлиқ фаолият;

ички аудит хизмати — банкда ички аудитни доимий тарзда амалга оширувчи мустақил таркибий бўлинма;

ички аудит стандартлари — Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Банкларда ички аудитга оид тамойиллари, Ички аудиторлар институтининг Ички аудитнинг халқаро касбга оид стандартлари, Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Аудитнинг халқаро стандартлари.

2. Банк кузатув кенгаши (бундан буён матнда кенгаш деб юритилади) ички аудит хизматининг ташкил этилиши ва унинг самарали фаолият юртишини таъминлаши лозим.

Кенгаш мазкур Низом ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлайди. Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом банк ходимлари учун очиқ бўлиши керак.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом мунтазам равишда, бироқ йилига камида бир маротаба ички аудит хизмати раҳбари (бундан буён матнда бош аудитор деб юритилади) томонидан қўриб чиқилиши лозим.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар кенгаш томонидан киритилади.

3. Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомда камида қўйидагилар назарда тутилиши лозим:

ички аудит хизмати мақсади, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ички аудит хизматининг фаолият йўналишлари;

ички аудит хизматининг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлаш асослари;

ички аудит хизмати ходимларини, шу жумладан бош аудиторни лавозимга тайинлаш ва ишдан бўшатиш тартиби;

ички аудит хизмати ходимлари, шу жумладан бош аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

бош аудиторнинг ҳисобдорлиги;

ички аудит хизмати ходимлари томонидан аудит натижалари юзасидан ҳисоботларни тақдим этиш тартиби;

ички аудит хизмати ходимлари, шу жумладан бош аудитор ўз вазифаларини бажармаганликлари (лозим даражада бажармаганликлари) учун жавобгарлиги;

ички аудит хизмати ходимларига нисбатан қўйиладиган талаблар (мустақиллик, ҳолислик ва беғаразлик, профессионал малака, одоб-ахлоқ қоидалари);

ички аудит хизматининг банкда назоратни амалга оширувчи таркибий

бўлинмалар (таваккалчиликларни бошқариш, комплаенс назорат), бошқа таркибий бўлинмалар ва банк ходимлари билан ўзаро ишлаш тартиби;

ички аудит хизмати ўз вазифаларини бажариши учун тўлиқ ва сўзсиз равишда ҳар бир бинога (хонага) кириш, банк фаолиятига дахлдор исталган ҳужжатлар, шу жумладан ҳисобот, баённома, ёзувлар, электрон файллар, банк ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳамда банк ижроия органи (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) ва масъул ходимларидан маълумот ва изоҳлар олиш ваколати;

банкда амалга оширилган ёки амалга оширилиши кутилаётган йирик банк операциялари (битимлар), қабул қилинган қарорлар ва ички ҳужжатлар ҳамда банк фаолиятига доир бошқа масалалар юзасидан ички аудит хизматини хабардор қилиш тартиби;

ички аудит хизматининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ва ташқи аудиторлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби;

кенгаш, аудит қўмитаси, бошқарув ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини ички аудит натижалари юзасидан хабардор қилиш шартлари ва тартиби;

ички аудит хизмати ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида тўсқинлик қилаётган ҳолатлар юзасидан кенгаш, аудит қўмитаси ва бошқарувни хабардор қилиш тартиби;

ички аудит хизмати банкда юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар, аниқланган камчилик ва муаммолар ҳамда банк операциялари билан боғлиқ масалалар юзасидан, манфаатлар тўқнашуви келтириб чиқармаган ҳолда, маслаҳатлар бериш тартиби.

4. Банклар ички аудит хизмати фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ички ҳужжатларини ишлаб чиқишда мазкур Низом талабларига қўшимча равишда ички аудит стандартларидан фойдаланишлари мумкин.

2-боб. Ички аудит хизматининг мустақиллиги ва холислиги

5. Ички аудит хизмати банкнинг текширилаётган фаолиятидан ва бошқарувидан мустақил бўлиб, у кенгаш ва аудит қўмитасига бевосита бўйсунди.

6. Ички аудит хизмати ходимлари, шу жумладан бош аудитор кенгаш қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Кенгаш қарори билан ички аудит хизмати ходимларини (бош аудитор бундан мустасно) лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш банк аудит қўмитаси ваколати доирасига киритилиши мумкин.

7. Бошқарув аъзолари, банкда фаолият юритаётган барча ходимлар ва бошқарув аъзолари билан алоқадор шахслар бир вақтнинг ўзида ички аудит хизмати ходими, шу жумладан бош аудитор сифатида фаолият юрита олмайди.

8. Аудит бўйича йиллик режа (бундан буён матнда йиллик режа деб юритилади) бош аудитор томонидан ишлаб чиқилади ва кенгаш томонидан тасдиқланади.

Ички аудит хизмати ўзининг ташаббуси билан банкдаги барча соҳа ва амалга оширилган операциялар бўйича ички аудиторлик текширувини (бундан буён матнда аудиторлик текшируви деб юритилади) ўтказиши мумкин. Ички аудит хизматининг ҳисоботлари ички аудит хизмати ходимларининг мустақил фикр ва мулоҳазаларига асосланиши лозим.

9. Ички аудит хизмати ходимларига, шу жумладан бош аудиторга нисбатан бошқарув ёки бошқа шахслар томонидан ўтказилган ҳар қандай босим ва иш фаолиятига қилинган тўсқинлик тўғрисида кенгаш дарҳол ички аудит хизмати томонидан хабардор қилиниши лозим.

10. Ички аудит хизмати ходимлари, шу жумладан бош аудиторнинг ҳолислиги ва беғаразлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган банк операцияларини ва бошқа тадбирларни амалга оширишга доир қарорлар қабул қилиш, жумладан молиявий ҳужжатларни ёки таваккалчиликларни қабул қилишни кўзда тутувчи ҳужжатларни имзолаш жараёнларида иштирок этмасликлари лозим.

11. Ички аудит хизматининг ходимлари қайтариладиган вазифаларни амалга оширишлари натижасида уларнинг танқидий фикрлаш қобилияти ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида бош аудитор ички аудит хизмати ходимлари ротациясини беш йилда бир мартадан кам бўлмаган даврийликда амалга ошириши мумкин. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун ички аудит хизмати ходимларининг ички аудит хизмати доирасидаги ротацияси ҳамда банк ходимларининг бошқа таркибий бўлинмалардан ички аудит хизматига ёки ички аудит хизмати ходимларининг бошқа таркибий бўлинмаларга ротацияси банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши ва тартибга солиниши лозим.

12. Ички аудит хизмати ходимлари банк ёки унинг таркибий бўлинмаларида охириги ўн икки ой ичида ўзлари фаолият юритган соҳа ёки таркибий бўлинманинг текширувида иштирок этиши тақиқланади.

Ички аудит хизмати ходими аудиторлик текшируви предмети бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқишда ёки операцияни амалга оширишда бевосита иштирок этган бўлса, у ушбу ҳужжат ёки операцияларнинг аудиторлик текширувида иштирок этиши мумкин эмас.

13. Бош аудитор ҳар йили ички аудит хизматининг йиллик бюджетини (бундан буён матнда бюджет деб юритилади) ишлаб чиқади. Бюджет кенгаш томонидан тегишли йилнинг 1 январига қадар тасдиқланиши лозим. Кенгаш бюджетни тасдиқлаш ваколатини аудит қўмитасига ўтказиши мумкин.

Бюджетга ўзгартириш киритиш ваколатига кенгаш ёки аудит қўмитаси (агар мазкур ваколат аудит қўмитасига берилган бўлса) эга.

14. Бюджет ички аудит хизмати ўз вазифаларини тўлиқ ва сифатли бажариши учун ҳамда йиллик режа ёки банк риск-профилидаги ўзгаришлар эҳтимолини инобатга олган ҳолда етарли ва мослашувчан бўлиши лозим.

Бюджет ички аудит хизмати ходимларининг иш ҳақи ва уларни малакасини ошириш, хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни ва ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа харажатларни ўз ичига олиши мумкин.

15. Ички аудит хизмати ходимлари, шу жумладан бош аудиторнинг иш ҳақи миқдори кенгаш томонидан белгиланади. Кенгаш қарорига кўра ички аудит хизмати ходимларини, шу жумладан бош аудиторни қўшимча моддий рағбатлантириш назарда тутилиши мумкин.

Кенгаш ички аудит хизмати ходимлари, шу жумладан бош аудиторнинг иш ҳақи миқдорини белгилаш ёки уларни қўшимча моддий рағбатлантириш ваколатини аудит қўмитасига ўтказиши мумкин.

16. Ички аудит хизмати ходимларини, шу жумладан бош аудиторни рағбатлантириш масаласи банкнинг молиявий кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаслиги, шунингдек келгусида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги ҳамда уларнинг мустақиллик ва холислигига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

17. Холисликни таъминлаш мақсадида ички аудит хизмати ходимлари ички назоратга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни жорий этиш ёки амалга ошириш жараёнида иштирок этмасликлари лозим, бундан ички аудитга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ички аудит хизматининг таваккалчиликларни бошқариш ёки ички назоратга доир фикр ва мулоҳазаларини бериши мустасно.

3-боб. Ички аудит хизматининг вазифалари

18. Банкнинг барча операциялар турлари ва унинг барча таркибий бўлинмалари фаолияти ички аудиторлик текшируви доирасига киради. Ички аудит фаолияти банк ва унинг назорати остидаги ташкилотларнинг ички назорат ва таваккалчиликларни бошқариш тизимини ва улар томонидан амалга оширилган операцияларни текширишни ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва таклифлар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

19. Аудит хизмати қўйдагиларни мустақил таҳлил қилиши ва баҳолаши лозим:

банкнинг риск-профилини инобатга олиб, ички назорат (шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш, комплаенс-назорат ва бошқалар), таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарув тизимларининг самарадорлигини ва уларнинг тўғри йўлга қўйилганлигини;

банк олдида қўйилган мақсадларга эришишда банк бизнес жараёнлари, маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини;

ахборот тизимларининг ишончлилигини, тўлиқлигини ва самарадорлигини ҳамда маълумотларнинг долзарблигини, аниқлигини, қулайлигини, шунингдек махфийлик таъминланганлигини;

қонунчилик ҳужжатларига, жумладан Марказий банкнинг пруденциал талабларига ҳамда банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилишини;

Марказий банк, бошқа давлат органлари ва ташқи аудит томонидан аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилганлигини;

аҳоли ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тизими самардорлигини;

активлар бутлигини.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом билан ички аудит хизматига мазкур бандда назарда тутилган масалалардан ташқари бошқа масалаларни ҳам таҳлил қилиш ва баҳолаш вазифаси юклатилиши мумкин.

20. Ички аудит хизмати таваккалчиликларни бошқариш тизимини баҳолашда камида қуйидагиларни текширади:

таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий бўлинма фаолияти, жумладан мазкур таркибий бўлинма томонидан қабул қилинган қарорларни ҳамда унинг вазифа ва ваколатларидан келиб чиқиб, таваккалчиликларни (кредит, ликвидлилик, бозор, операцион, комплаенс ва бошқалар) бошқариш тизими тўғри йўлга қўйилганлигини;

банкнинг риск-аппетитини ҳамда банк фаолияти риск-аппетит доирасида эканлигини;

таваккалчиликларни бошқаришга, шу жумладан йирик таваккалчиликларга доир маълумотлар Марказий банк, кенгаш ва бошқарувга тақдим этилганлигини;

таваккалчиликларни бошқариш тизими, жумладан банк фаолиятида юзага келган таваккалчиликларни аниқлаш, ўлчаш, баҳолаш, бошқариш, ўз вақтида чора кўриш ва ҳисобдорлик жараёнларининг тўғри йўлга қўйилганлигини;

таваккалчиликларни бошқариш бўйича ахборот тизимларининг мақбуллигини, улардаги маълумотлар аниқлиги, ишончлилиги ва тўлиқлигини;

таваккалчиликларни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг қўлланилиши, жумладан таваккалчиликларни баҳолаш босқичлари кетма-кетлиги ва усулларда қўлланилувчи маълумотлар долзарблиги ва ишончлилигини.

21. Таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий бўлинма ўзининг банкда юзага келган таваккалчиликлар бўйича билдирган хулосалари бошқарувнинг фикр-мулоҳазаларидан фарқланганда кенгашни хабардор этмаган бўлса, бу ҳақидаги хабарни кенгашга бош аудитор етказиши лозим.

22. Капитал монандлиги ва ликвидлилик кўрсаткичларини текширишда ички аудит хизмати камида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

капитал монандлигини баҳолаш тизими тўғри йўлга қўйилганлигига, шу жумладан капитал монандлиги ўрнатилган пруденциал талабларга мувофиқлигига;

ликвидлилик ҳолатини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимлари ҳамда жараёнлари банкнинг риск-профилига мувофиқлигига, шунингдек уларда ташқи иқтисодий муҳит ҳисобга олинганлигига ва ликвидлилик кўрсаткичлари минимал пруденциал нормативлар доирасида эканлигига;

капитал ва ликвидлиликни стресс-тестдан ўтказиш жараёнларига, шу жумладан стресс-тестлар даврийлигига, мақсадларига, уларда қўлланилган

сценарийлар мақбулликига, стресс-тестдаги эҳтимолий хатоликлар ва уларда фойдаланилган жараёнлар ишончилигига.

23. Комплаенс назорат хизмати аудиторлик текширувидан ўтказилишида банкда қонунчилик ҳужжатларига ва банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилиши, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштирилиши билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш самарадорлиги баҳоланади.

24. Ички аудит хизмати корпоратив бошқарувга оид текширувларни амалга оширишда камида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

корпоратив бошқарув самарадорлигига, жумладан ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланганлигига ҳамда етарли даражадаги ҳисобдорликнинг мавжудлигига;

манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган чораларга ва ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар қилиш тизимининг ижро ҳолатига;

банк ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишининг ижро ҳолатига ва унинг назоратига;

меҳнатга ҳақ тўлаш тизими банк бизнес-режаси, банкни ривожлантириш стратегияси, мақсади ва банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсати ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларга мувофиқлигига;

банк томонидан манфаатдор томонларга ошкор этиладиган, шу жумладан банк веб-сайтида жойлаштириб бориши зарур бўлган маълумотлар ишончли, аниқ, тўлиқ эканлигига ҳамда улар ўз вақтида ва даврий равишда тақдим этиб борилишига.

25. Ички аудит хизмати молия масалалари юзасидан қуйидагиларни текширади:

молия масалалари билан ишловчи таркибий бўлинмаларнинг фаолияти уларнинг вазифа ва ваколатларидан келиб чиқиб тўғри йўлга қўйилганлигини;

молиявий кўрсаткичларни аниқлаш, уларни йиғиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботларни тайёрлашда ишлатиладиган маълумотлар ҳамда жараёнларнинг тўлиқлигини ва тўғри йўлга қўйилганлигини;

молиявий ҳисоботларни назорат қилиш жараёни тўғри йўлга қўйилганлигини, шу жумладан бухгалтерия ҳисобварақлари ва молиявий ҳисоботларнинг аниқлигини ҳамда ҳаққонийлигини.

26. Ички аудит хизмати қуйидагиларга ҳам масъул ҳисобланади:

кенгашни аудиторлик текшируви асосида тайёрланган банкнинг жорий ҳолати ва унинг ички назорат тизими самарадорлигига оид ҳаққоний ва мустақил маълумотлар билан таъминлаш;

банк фаолияти, шу жумладан ундаги ички назорат, таваккалчиликларни бошқариш тизимлари ва банк бизнес-жараёнлари ташкил қилиниши самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кенгаш ёки аудит қўмитасига киритиш;

ички аудит хизматининг аввалги текширувлари, шунингдек Марказий

банк ва ташқи аудиторлар томонидан ўтказилган текширувлар натижалари бўйича банк фаолиятида аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

банк раҳбариятига ва Марказий банкка аниқ, ишончли ва долзарб ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши мақсадида таваккалчиликларни бошқариш ва ҳисоботларни тайёрлаш бўйича таркибий бўлинмаларнинг ўзаро ишлаш самарадорлигини баҳолаш;

кенгаш сўровлари асосида махсус текширувларни ўтказиш ёки ушбу текширувларни ўтказишда кўмаклашиш;

малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида банклар ва бошқа ташкилотларнинг ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик қилиш;

ташқи аудиторлар ва Марказий банк билан ҳамкорлик қилиш;

аудиторлик текширувини тасдиқланган бюджет доирасида амалга ошириш.

4-боб. Ички аудит хизматини бошқариш

27. Ички аудит хизматини бош аудитор бошқаради ва у банкда муҳим аҳамиятга эга ходим ҳисобланади. Бош аудитор қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

ички аудит хизмати фаолиятини ташкиллаштиришга, бошқаришга ва мувофиқлаштиришга;

ички аудит хизмати ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлашга;

ички аудит хизмати ўз вазифа ва функцияларини бажаришини назорат қилишга;

йиллик режани ишлаб чиқишга, уни кенгашга тасдиқлаш учун кириштишга ва ундаги вазифалар бажарилишини таъминлашга;

банк ички аудит хизмати фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари ва Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқлигини таъминлашга;

ички сиёсат ва ички аудит тартиб-таомилларини ишлаб чиқишга ва уларнинг ижро этилишини таъминлашга;

ички аудит хизмати ходимлари томонидан банкнинг ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга;

аудиторлик текширувларининг сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида ички аудит хизматини етарли даражадаги билимли ва малакага эга ходимлар билан бутлашга;

банк операцияларининг мураккаблашуви ҳамда янги банк маҳсулотлари ва хизматларининг жорий қилинишини инобатга олган ҳолда, ички аудит хизмати ходимларини доимий равишда касбий малакасини ошириб борилишини таъминлашга;

зарур чоралар кўрилиши учун аудиторлик текширувлари натижасида тайёрланган ҳисоботларни кенгаш ва аудит қўмитаси, бошқаруви ва таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилишини таъминлашга;

йиллик режа ижро ҳолатига, шунингдек аудиторлик текширувлари натижасида аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш

юзасидан ички аудит хизмати таклифларининг бошқарув ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан бажарилиши бўйича маълумотни даврий равишда (камида чоракда бир марта) кенгаш ва (ёки) аудит қўмитасига тақдим этилишини таъминлашга;

ички аудит хизмати ваколатлари доирасида ташқи аудиторлар, Марказий банк ва бошқа давлат органлари билан доимий равишда ҳамкорлик қилинишини таъминлашга;

лавозим йўриқномасида белгиланган бошқа вазифаларга.

28. Бош аудитор қўйидагиларга ҳақли:

зарур ҳолларда режадан ташқари аудиторлик текшируви ўтказилишини ташкил қилиш;

кенгаш ва (ёки) аудит қўмитасининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этиш;

кенгаш ва унинг қўмиталари ҳамда бошқарув мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиш.

5-боб. Ички аудит хизмати ходимлари ваколатлари ва мажбуриятлари

29. Ички аудит хизмати ходимлари текширув ўтказиш жараёнида қўйидаги ваколатларга эгадирлар:

банк бошқарувидан ва ходимларидан аудиторлик текширувининг предмети ҳисобланган барча зарурий ҳисоботлар, таҳлиллар, баённомалар, ёзувлар, файллар, маълумотлар ва банк фаолиятига боғлиқ бошқа ҳужжатларни (электрон ва (ёки) қоғоз кўринишида) талаб қилиш;

аудиторлик текширувида вужудга келган саволлар бўйича банк бошқаруви ва ходимларидан ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олиш;

зарур ҳужжатлардан нусхалар олиш;

зарур ҳолларда ҳужжатларнинг асл нусхаларини белгиланган тартибда олиш;

текшириш ўтказиш мақсадида банкнинг барча биноларига (хоналарига), шу жумладан нақд пул ва қимматликлар сақланаётган биноларга (хоналарга), шунингдек ахборот тизимлари, электрон ва қоғоз архивларига кира олиш;

аудиторлик текшируви ўтказилганидан сўнг аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

30. Ички аудит хизмати ходимлари қўйидаги ҳолатларда жавобгар ҳисобланадилар:

аудиторлик текшируви натижаларини бузиб (ўзгартириб) кўрсатиш;

ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида олинган маълумотлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи ҳар қандай маълумот махфийлигини таъминламаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида олинган маълумотлардан шахсий мақсадларда ёки учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланиш;
банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларидан олинган ҳужжатлар бутлигини таъминламаслик ва уларни қайтармаслик;

қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

31. Ички аудит хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларига биноан жавобгар бўладилар.

32. Ички аудит хизмати ходимларининг сони банк активлари миқдори ва таваккалчилик даражаси, банк операциялари хусусияти ва кўлами ҳамда банкнинг ташкилий тузилишидан (шу жумладан, ходимлар сони ва филиаллар тармоғидан) келиб чиқиб шакллантирилиши лозим. Ички аудит хизматининг ходимлари жамоавий равишда таваккалчиликларни бошқариш, пруденциал нормативлар (шу жумладан, капитал монандлиги ва ликвидлилик кўрсаткичлари), корпоратив бошқарув, комплаенс-назорат ва молия-иқтисод масалаларини текшира олиш ва уларни таҳлил қилиб бориш учун билим ва кўникмага эга бўлишлари лозим.

33. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

олий маълумотга эга бўлиши;

банк ва (ёки) молия тизимида таваккалчиликларни бошқариш, актив ва пасивларни бошқариш, кредитлаш, валюта, пул муомаласи ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ таркибий бўлинмаларнинг бирида ёки бир нечасида ёки ташқи аудитор сифатида камида 1 йиллик иш тажрибасига ёки «Сертификатланган ички аудитор (CIA)», «Сертификатланган молиявий таҳлилчи (CFA)» халқаро сертификатларига, халқаро бухгалтерлар сертификатларига («Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ёки «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» ва (ёки) таваккалчиликни бошқаришга оид халқаро сертификатларига («Сертификатланган риск менежери (CRM)» ёки «Молиявий риск менежер (FRM)») эга бўлиши;

бош аудитор банк ва (ёки) молия тизимида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, номзод тавсия этилаётган ташкилий тузилмада камида 3 йиллик раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

банк соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини ва Марказий банк томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига доир қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро стандартлар ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши.

34. Кенгаш ёки аудит кўмитаси бош аудитор билан биргаликда даврий равишда (йилда камида бир марта) ички аудит хизматининг ҳар бир ходимини унинг ахборотни танлаш, текширув ўтказиш ва хулосаларни тайёрлаш салоҳиятидан келиб чиқиб касбий маҳорат даражасини баҳолаб бориши лозим.

35. Ички аудит хизмати ходимларининг касбий малака ва кўникмалари мунтазам ва узлуксиз ўқув жараёни орқали ошириб борилиши лозим.

6-боб. Ички аудитни ўтказишга талаблар

36. Бошқарув аъзолари, бошқарувга бўйсинувчи барча ходимлар, шунингдек банкка алоқадор бошқа шахслар аудиторлик текширувини ўтказишда қатнашишга ҳақли эмас.

37. Аудиторлик текширувлари кенгаш томонидан тасдиқланган йиллик режага мувофиқ амалга оширилади.

38. Йиллик режа таваккалчиликларга асосланган бўлиши лозим. Йиллик режани ишлаб чиқишда таваккалчиликларни ҳар томонлама баҳолаш натижалари, бош аудиторнинг асосланган мулоҳазалари, шунингдек кенгаш ва бошқарувдан олинган таклиф ва мулоҳазалар инobatга олиниши мумкин. Ички аудит хизмати фаолиятининг самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш мақсадида йиллик режа бир йилда камида бир мартаба тегишли йилнинг 1 январига қадар тасдиқланиши лозим.

Зарур ҳолларда йиллик режага кенгаш қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

39. Бошқарув томонидан ички аудит хизматига аудиторлик текширувини ёки бошқа вазифаларни бажариш тўғрисида таклиф киритилса ва ушбу таклиф кенгаш томонидан тасдиқланган аудит хизмати мақсадларига зид келса ёки аудиторлик дастурининг самарали амалга оширилишига ҳалақит берса, ички аудит хизмати ушбу таклифни рад этишга ҳақли.

банкнинг риск-профили, шу жумладан риск-профилда кўзда тутилган йирик таваккалчиликлар;

ички назорат тизимидаги мавжуд заифликлар;

банкнинг бизнес-режаси бўйича кутилаётган натижалар ва кенгаш томонидан белгиланган вазифа ва таклифлар;

аудиторлик текширувини ўтказишда бюджетдан ҳамда ички аудит хизмати ходимларининг салоҳиятидан имкон даражасида самарали фойдаланиш.

40. Таваккалчиликларга асосланган йиллик режада кўйидаги омиллар ҳисобга олиниши мумкин:

банкнинг риск-профили, шу жумладан риск-профилда кўзда тутилган йирик таваккалчиликлар;

ички назорат тизимидаги мавжуд заифликлар;

банкнинг бизнес-режаси бўйича кутилаётган натижалар ва кенгаш томонидан белгиланган вазифа ва таклифлар;

аудиторлик текширувини ўтказишда бюджетдан ҳамда ички аудит хизмати ходимларининг салоҳиятидан имкон даражасида самарали фойдаланиш.

41. Йиллик режа асосида аудиторлик текширувига чиқишдан олдин батафсил аудиторлик текшируви дастури (бундан буён матнда аудиторлик дастури деб юритилади) ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда бош аудитор томонидан тасдиқланиши лозим.

42. Аудиторлик дастурини тайёрлаш жараёнида устувор соҳаларни аниқлашда камида қуйидагилар инobatга олиниши керак:

таваккалчиликларни бошқариш тизими ҳолати, жумладан таваккалчиликларни бошқариш стратегияси;

банкнинг риск-аппетити, таваккалчиликларни бошқариш сиёсатлари; текшириладиган соҳа ва операцияларнинг муҳимлик даражаси, мураккаблиги ва кўлами;

аввалги текширувлар натижалари.

43. Аудиторлик дастури аудиторлик текшируви мақсадларини, текшириш соҳа ва йўналишларини, батафсил иш режасини, текширувлар графигини, аудит предмети бўлган ҳар бир йўналишни текшириш тартиб-таомиллари тавсифини, аудиторлик текширувларида иштирок этувчи ички аудиторлар ва бошқа шахсларнинг рўйхатини ўз ичига олиши керак.

Аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида аудиторлик дастурига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўзгартиришлар ёзма равишда ҳужжатлаштирилган ва тасдиқланган бўлиши лозим.

44. Аудиторлик текширувини ўтказиш даврийлиги аудит ўтказиладиган ҳар бир соҳага оид тегишли таваккалчиликларни баҳолашга асосланган бўлиши лозим. Ички аудит хизмати ходими таваккалчиликларни баҳолашда операциянинг хусусиятлари, ички назоратга доир тегишли сиёсат ва қоидаларнинг мавжудлиги ҳамда бошқарув ва банк ички назорати фаолияти самарадорлиги каби омилларни эътиборга олиши керак.

7-боб. Аудиторлик ҳисоботи

45. Аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви тугатилганидан сўнг зудлик билан тайёрланиши ҳамда аудит мақсадлари, миқёси, хулосаларни ҳамда ҳар бир аниқланган камчиликни бартараф қилишга доир батафсил тавсияларни ўз ичига олиши лозим. Тавсиялар аниқланган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларининг қисқача изоҳини, мавжуд таваккалчиликларни, талаб этиладиган чора-тадбирларни, жумладан, банк ички сиёсатлари ва тартиб-таомилларини кўриб чиқишни, чора-тадбирларни бажариш муддатларини ва ижрочиларни ўз ичига олиши лозим.

46. Аудиторлик ҳисоботига таҳлилий материаллар, изоҳлар ҳамда бошқа ишчи ҳужжатлар тўплами илова қилиниши мумкин. Аудиторлик ҳисоботи ва текширув бўйича ишчи ҳужжатлар ички аудит хизмати ходимлари томонидан тайёрланиб, бош аудитор томонидан текширилади.

47. Ички аудит хизмати ходимлари томонидан аниқланган асосий камчилик ва таклифлар текшириш ўтказилаётган таркибий бўлинма раҳбарияти томонидан изоҳлаб берилиши лозим. Зарур ҳолларда ушбу изоҳлар кенгаш ва аудит қўмитасига тақдим этилишидан олдин аудиторлик ҳисоботи-га киритилиши мумкин.

48. Аудиторлик ҳисоботлари бевосита кенгаш ёки аудит қўмитасига тақдим этилиши лозим. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари бошқарувга, шунингдек тегишлилиги бўйича банкнинг алоҳида таркибий бўлинмала-

рига, филиал раҳбарларига ва шўъба корхоналари раҳбарларига тақдим этилади.

49. Бошқарув ўтказилган аудиторлик текшируви чоғида аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

50. Ички аудит хизмати текшириш жараёнида аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва тегишли равишда бажарилиши устидан кейинги назоратни ўрнатиши лозим. Текширишдан кейинги назоратни ўтказиш учун жавобгарлик Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомда белгиланган бўлиши керак.

51. Кенгаш аудиторлик текшируви натижасида аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни бошқарув томонидан амалга оширилишини назорат қилиши зарур.

8-боб. Кенгаш ва бошқарув мажбуриятлари

52. Кенгаш ички ва ташқи баҳолаш орқали ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаб бориши ва назорат қилиши лозим.

Бунда ички баҳолаш ички аудит хизмати фаолиятини мониторинг қилиш, унинг ходимлари фаолиятини ва билимини баҳолаб бориш орқали ҳамда тақдим этилган аудиторлик ҳисоботлари сифатидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ташқи баҳолаш банкка алоқадор бўлмаган мустақил экспертларни жалб қилган ҳолда ички аудит хизмати фаолиятини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Ташқи баҳолаш беш йилда камида бир марта ўтказилиши, бунда дастлабки ташқи баҳолашдан ўтказиш 2023 йил 1 январига қадар амалга оширилиши лозим.

53. Марказий банк томонидан банкда ўтказиладиган инспекция (текшириш) ички аудит хизмати фаолиятини ташқи баҳолаш заруриятини бе-кор қилмайди.

54. Кенгаш даврий равишда (йилда камида бир марта) бош аудиторнинг ишчанлик обрўси ва малакасини баҳолашдан ўтказиши лозим.

55. Бошқарув қуйидагилар учун масъул ҳисобланади:

ички аудит хизматини бюджет доирасида зарур молиявий маблағлар ва ресурслар билан тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш;

ички аудит хизмати банк стратегияси ва ички сиёсатларига киритилган ўзгартиришлар, банкдаги лойиҳалар, янги банк маҳсулотлари, банк ташкилий тузилмаси ўзгариши ҳамда банкда мавжуд ва юзага келиши кутилаётган таваккалчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор қилиб борилишини таъминлаш;

аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан ички аудит хизмати томонидан тайёрланган ҳисоботлар асосида ўз вақтида тегишли чораларни кўриш.

9-боб. Ички аудит хизматининг Марказий банк билан ўзаро муносабатлари

56. Марказий банк ички аудит хизмати ходимлари, шу жумладан бош аудитор билан учрашувлар ўтказишга ҳақли ва мазкур учрашувларда банк фаолиятига оид турли масалалар муҳокама қилиниши мумкин.

57. Марказий банк қўйидагилар юзасидан банк кенгашига ёзма талабнома киритиши мумкин:

ички аудит хизмати томонидан банк фаолиятидаги алоҳида масалалар ва (ёки) банкнинг маълум давр оралигидаги фаолияти юзасидан аудиторлик текширувини ўтказиш;

Марказий банкка ички аудит хизмати ваколатига кирувчи алоҳида масалалар юзасидан маълумотларни тақдим этиш;

ички аудит хизмати фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларига мувофиқлаштириш.

58. Марказий банк банкдан ички аудит хизмати ўтказган текширувларга оид ҳар қандай маълумотлар ва ҳисоботларни олишга ва аудиторлик текшируви натижаларини муҳокама қилиши мумкин.

10-боб. Яқуний қоида

59. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
24 февралдаги 3/2-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 25 ноябрда 405-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (рўйхат рақами 992, 2000 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 24-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/12-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 992-1, 2004 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 192-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 26 ноябрдаги 26/4-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 992-2, 2005 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 394-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/5-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 992-3, 2011 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 17-сон, 176-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/8-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 42-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 992-4, 2018 йил 3 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2018 й., 10/18/992-4/0988-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/13-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 54-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 992-5, 2019 йил 28 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2019 й., 10/19/992-5/2686-сон).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/10-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 04 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-6.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 15 апрелдаги 118-сон «Маъмурий қамокқа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-3.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 15 апрелдаги 119-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 04 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-2.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 6 апрелдаги 108-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 04 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977-2.

5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги 18-2021-Б-сон «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатишган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 12 апрелдаги 01-02/16-23-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1269-4.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 1 апрелдаги 20-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 2021-17-сон ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 31-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1502-4.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-16-сон «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3037-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-19-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-5.

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 8 апрелдаги 21-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-4.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-20-сон «Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 27 мартдаги 24-ҚҚ-сон ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 23 мартдаги 2744-сон «Давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3297.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 5 майдаги 6-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-4.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 15 апрелдаги 2021-20-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 23 мартдаги 01-02/15-17-сон «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3220-1.

16. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 6 майдаги 11-мх-сон «Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3298.

17. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 27 апрелдаги 26-сон «Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3299.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил

2 апрелдаги 5/10-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3300.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 30 апрелдаги 8/1-сон «Очиқ валюта позициясини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3301.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 16 апрель, 3/2 сон «Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3302.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 9 июлдаги 01-02/16-27-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1269, 2003 йил 29 август), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1269-1, 2013 йил 8 май), (рўйхат рақами 1269-2, 2015 йил 4 май), (рўйхат рақами 1269-3, 2016 йил 27 апрель).

2021 йил 4 майда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 2 августдаги 70, 2005-46, 61-сон «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1502, 2005 йил 2 август), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1502-1, 2010 йил 15 ноябрь), (рўйхат рақами 1502-2, 2014 йил 14 апрель), (рўйхат рақами 1502-3, 2018 йил 5 апрель).

2021 йил 4 майда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 01-02/12-45-сон «Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий божхона юк декларацияси тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3037, 2018 йил 5 июль).

2021 йил 4 майда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-9-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2418, 2013 йил 30 январь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2418-1, 2013 йил 27 июнь), (рўйхат рақами 2418-2, 2014 йил 24 ноябрь), (рўйхат рақами 2418-3, 2016 йил 12 апрель), (рўйхат рақами 2418-4, 2018 йил 18 июнь).

2021 йил 4 майда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 24 декабрдаги 3, 01/27-26/27-сон «Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори (рўйхат рақами 2744, 2015 йил 24 декабрь).

2021 йил 5 майда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан амалга ошириладиган авиаташувларнинг тарифини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллаш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 45, 1994 йил 4 апрель).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

7. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан 1998 йил 18 майда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланиш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 460, 1998 йил 31 июль).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1999 йил 28 январда 106-В, 99-14-сон билан тасдиқланган Солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчиларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш учун банк депозиторлари миллий ахборот базаси маълумотларидан фойдаланиш тартиби (рўйхат рақами 614, 1999 йил 30 январь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 614-1, 2001 йил 17 июль), (рўйхат рақами 614-2, 2009 йил 16 январь).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 5 ноябрда 19530/03-1-сон билан тасдиқланган Чет элда таълим олган ёш мутахассислар меҳнат фаолиятининг мониторинги тўғрисида низом (рўйхат рақами 836, 1999 йил 10 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 836-1, 2009 йил 30 июль).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона кўмитаси ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита томонидан 1999 йил 8 ноябрда 15/13793-сон билан тасдиқланган «Тошкент» аэропортида дипломатик почта (юк)ни қабул қилиб олиш (жўнатиш) тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 838, 1999 йил 18 ноябрь).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат ер ресурслари кўмитаси томонидан 2000 йил 21 апрелда 29-сон билан тасдиқланган Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 926, 2000 йил 22 май).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томонидан 2000 йил 3 июнда тасдиқланган Тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган ҳужжатларини сақлаш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатма (рўйхат рақами 951, 2000 йил 26 июль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 951-1, 2007 йил 8 май), (рўйхат рақами 951-2, 2009 йил 3 ноябрь), (рўйхат рақами 951-3, 2010 йил 8 сентябрь), (рўйхат рақами 951-4, 2011 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 951-5, 2015 йил 5 август), (рўйхат рақами 951-6, 2017 йил 1 ноябрь).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 27/3-сон «Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида низом тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1300, 2004 йил 21 январь)

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтвазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК ва Товар хом ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 21, 01/24-12, 48, 03-181, 01/АА-214-А, 42-01/137-сон «Биржа савдоларида автомобиль бензинини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1346, 2004 йил 6 май).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Ўздавнефтвазинспекция, «Ўзбекнефтегаз» МХК ва Товар хом ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 22, 01/24-13, 49, 03-182, 01/АА-214-Д, 42-01/138-сон «Биржа савдоларида дизель ёнилғисини со-

тиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1347, 2004 йил 6 май).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 16 апрелдаги 64, 2004-15, 01-02/19-22-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олиннадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1366, 2004 йил 24 май), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1366-1, 2006 йил 18 август), (рўйхат рақами 1366-2, 2010 йил 6 ноябрь).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

17. Электр энергияда назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2004 йил 21 майдаги 207-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1383-1, 2005 йил 10 март), (рўйхат рақами 1383-2, 2012 йил 31 январь), (рўйхат рақами 1383-3, 2017 йил 25 январь), (рўйхат рақами 1383-4, 2018 йил 8 январь).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

18. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўздавэнергоназорат) бошлиғининг 2004 йил 2 августдаги 271-сон «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1400-1, 2012 йил 21 март), (рўйхат рақами 1400-2, 2013 йил 5 февраль).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 13 декабрдаги 119, 2004-63, 01/06-20-сон «Инвесторларга «ноль» харид қиймати бўйича берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан, улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1436, 2004 йил 25 декабрь) ва унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1436-1, 2015 йил 4 март).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 7 ноябрдаги 102, 271-В, 6-сон «Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1522, 2005 йил 19 ноябрь) ва унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1522-1, 2017 йил 10 октябрь).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

21. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздав-энергоназорат» бошлигининг 2005 йил 26 декабрдаги 232-сон «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1546, 2006 йил 18 февраль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1546-1, 2011 йил 25 май), (рўйхат рақами 1546-2, 2013 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 1546-3, 2018 йил 6 февраль).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

22. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 19 июлдаги 113, 116-сон «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1614, 2006 йил 18 август) ва унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1614-1, 2007 йил 22 февраль), (рўйхат рақами 1614-2, 2010 йил 17 август), (рўйхат рақами 1614-3, 2011 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 1614-4, 2013 йил 11 июль).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 19 сентябрдаги 82, 281-В-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1627, 2006 йил 5 октябрь) ва унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1627-1, 2009 йил 19 август).

2021 йил 6 майда давлат реестридан чиқарилди.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/4-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1290-1, 2017 йил 22 ноябрь), (рўйхат рақами 1290-2, 2018 йил 7 май), (рўйхат рақами 1290-3, 2019 йил 3 октябрь).

2021 йил 7 майда давлат реестридан чиқарилди.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий

операцияларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1642-1, 2013 йил 25 апрель), (рўйхат рақами 1642-2, 2017 йил 22 ноябрь), (рўйхат рақами 1642-3, 2018 йил 7 май), (рўйхат рақами 1642-4, 2018 йил 11 декабрь), (рўйхат рақами 1642-5, 2019 йил 29 август).

2021 йил 7 майда давлат реестридан чиқарилди.

26. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/3-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан активлар сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2378, 2012 йил 16 июль).

2021 йил 7 майда давлат реестридан чиқарилди.

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1497, 2005 йил 15 июль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1497-1, 2015 йил 4 сентябрь), (рўйхат рақами 1497-2, 2017 йил 10 октябрь), (рўйхат рақами 1497-3, 2018 йил 11 октябрь).

2021 йил 7 майда давлат реестридан чиқарилди.

28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 25 ноябрда 405-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (рўйхат рақами 992, 2000 йил 22 декабрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар и (рўйхат рақами 992-1, 2004 йил 20 апрель), (рўйхат рақами 992-2, 2005 йил 29 декабрь), (рўйхат рақами 992-3, 2011 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 992-4, 2018 йил 3 апрель), (рўйхат рақами 992-5, 2019 йил 28 февраль).

2021 йил 7 майда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

